O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

КЎҲНА ВА НАВҚИРОН БУХОРОДА ЁШЛИК, СПОРТ БАЙРАМИ!

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ * معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 25 май, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 39–40(7443)

Ватан, халқ шуҳратини дунёга тараннум этишда спортнинг ўрни беқиёсдир. Жаҳон миқёсидаги кўплаб нуфузли мусобақаларда ўзбек ёшлари эришаётган ғалабалар бу ҳақиқатни тасдиқлаб турибди.

Спорт нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга етишишда ҳам муҳим омилдир. У иродани тоблайди, аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгишга ўргатади. Инсон қалбида ғалабага ишонч, ғурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди.

Мен барча ўғил-қизларимизни, спортчи ёшларимизни халқимизнинг умид юлдузлари, эртанги кунимизнинг ишончи ва таянчи, деб биламан.

Соғлом, билимли ва фидойи фарзандлари бўлган халқ, албатта, ўзининг буюк келажагини барпо этади.

Сиз, универсиада қатнашчиларига, янгидан-янги ютуқ ва зафарлар тилайман. Ишонаманки, эл-юрт равнақи йўлида қайси соҳада меҳнат қилишингиздан қатъи назар, спорт ҳамиша ҳамроҳингиз бўлиб қолади.

Ислом КАРИМОВ

(Илк бор Наманганда ўтказилган «УНИВЕРСИАДА–2000» спорт анжумани қатнашчиларига йўлланган табрикдан)

МАМЛАКАТИМИЗ ТАЛАБА–ЁШЛАРИНИНГ «УНИВЕРСИАДА–2002» СПОРТ АНЖУМАНИ БУХОРОДА БАРПО ЭТИЛГАН МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЭНГ ГЎЗАЛ, ЗАМОНАВИЙ УШБУ СПОРТ ИНШООТИДА ТАНТАНАЛИ РАВИШДА ОЧИЛАДИ.

УЧИНЧИ БЎҒИН
2–бет

Абдулла ОРИПОВ
УНИВЕРСИАДА (шеър)
3–бет

ИМТИҲОНЛАР КОМПЬЮТЕРДА ОЛИНАДИ
6-бет

«УНИВЕРСИАДА-2002» суперкроссворди
31–бет

2000 йилга қадар спорт секцияларига қатнашувчи талабалар сони умумий талабалар сонининг 9-10 фоизини ташкил этган бўлса, 2002 йилга келиб бу кўрсаткич 20 фоиздан ошиб кетди.

УЧИНЧИ БЎҒИН

2000 йили Наманганда бўлиб ўтган республика талаба-ёшларининг биринчи Универсиадасида спортнинг 9 тури бўйича 1717 нафар талаба баҳс олиб борган бўлса, "Универсиада — 2002"да 12 тур бўйича 2848 нафар талаба, спортчилар ғолиблик учун кураш олиб борадилар.

Бу ўсиш давлатимиз сиёсати туфайлидир. Зеро, мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов муаллифлигида яратилган Кадрлар тайёрлаш Миллий моделига мувофиқ узлуксиз таълимда оммавий спортни ривожлантиришнинг уч бўғиндан иборат яхлит тизими ("Умид ниҳоллари" — "Баркамол авлод" — "Универсиада") ишлаб чиқилди. Олий ўқув юртларининг "Универсиада" мусобақалари якуний учинчи бўғин ҳисобланади. Бир-бирига чамбарчарс боғланган ушбу тизим жамиятни соғломлаштириш, ёшларни ҳам маънан, ҳам жисмонан етук қилиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, мамлакатимизда спортнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, соғлом авлодни тарбиялаш ва ривожлантиришга устувор аҳамият берилаётгани ҳамда спортни ривожлантиришнинг ҳар томонлама мукаммал қонуний ва ташкилий асослари яратилгани келажак сари ташланган дадил қадамлардан биридир. Шу туфайли спорт мактаб ўқувчиларию талаба-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантирувчи, уларни жисмонан ва маънан баркамол этиб тайёрлашда асосий омилга айланиб бормоқда.

Негаки, ҳар бир ота-она, миллат, халқ, давлат ва жамият келажаги тимсоли бўлган ўз фарзандларининг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишини хоҳлайди. Жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини мустаҳкамлаб бораётган Ўзбекистон ҳам буюк келажаги эгалари тимсолида чиниққан, иродали, саботли шахсларни кўришни хоҳлайди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий моделига мувофиқ яратилган узлуксиз таълимда оммавий спортни ривожлантириш тизими худди шундай юксак мақсадларнинг амалга ошишини таъминлайди.

Ушбу тизимнинг биринчи бўғини ҳисобланган умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари ҳар йили ўтказилса, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчи-ёшларининг "Баркамол авлод" ўйинлари икки йилда бир — тоқ йилларда, якуний учинчи бўғин — Олий ўқув юртлари талабалари ўртасидаги "Универсиада" баҳслари икки йилда бир — жуфт йилларда ўтказилади. Шу тариқа узлуксиз таълимда оммавий спортни ривожлантиришнинг изчил тизими вужудга келади.

Бу йил иккинчи бор ўтказилаётган "Универсиада — 2002" спорт мусобақаларини ўтказишдан мақсад, кўзда тутилган устувор вазифалар қуйидагилардан иборат:

— ёшларни жисмонан ва маънан баркамол қилиб тарбиялаш;

— талаба-ёшлар ўртасида кенг тарқалган спорт турларини оммавий ривожлантириш;

— талаба-ёшларни жисмоний маданият ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

— 2003 йили Жанубий Кореянинг Дейгу шаҳрида бўлиб ўтадиган бутунжаҳон "Универсиада — 2003" мусобақаларида иштирок этадиган Ўзбекистон терма жамоалари учун номзодларни аниқлаб олиш;

Саидаҳрор ҒУЛОМОВ,
Олий ва ўрта махсус таълим вазири,
Ташкилий кўмита раиси

— Ўзбекистон терма жамоаларига ўринбосарларни тайёрлаш бўйича олий ўқув юртлари спорт клублари фаолиятининг сифат ва самарадорлигини ошириш.

Кўринаяптики, "Универсиада"дан мақсад ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни ҳам жисмонан, ҳам руҳан чиниқтириб тарбиялаш билан бирга мустақил юртимиз шарафини халқаро мусобақаларда муносиб ҳимоя қила оладиган етук спортчиларни етиштиришдан ҳам иборат. Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда кўплаб нуфузли халқаро мусобақаларда кўзга кўринарли муваффақиятларга эришаётган республикамиз спортчиларининг аксарияти талабалардир. Мисол учун, бокс бўйича олимпиада ва жаҳон чемпионлари Муҳаммадқодир Абдуллаев ва Руслан Чагаев Андижон Давлат университети талабаларидир. Пекинда ўтказилган талабаларнинг XXI Бутунжаҳон универсиадасида жаҳоннинг 169 давлатидан келган талабалар иштирокидаги мусобақаларда қатнашган дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан ТошДИУ талабалари Эгамназар Акбаров олтин, Абдулла Тангриев кумуш ва бронза, Мурод Каликулов кумуш, СамДУ талабаси Михаил Соколов бронза медалига сазовор бўлиб, терма жамоамиз жамоалар ўртасида фахрли учинчи ўринни қўлга киритган эди. Бу юртимизда спортга, жумладан узлуксиз таълим тизимида спортни ривожлантиришга берилаётган юксак эътиборнинг натижасидир.

Олий таълим муассасалари талабаларининг Наманганда илк бор ўтказилган "Универсиада-2000" мусобақаларидан кейин мазкур муассасаларда спортга бўлган муносабат ижобий томонга тубдан ўзгарди.

Айтиш жоизки, рақамлар талабалар ўртасида спортга қизиқиш йилдан-йилга ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Масалан, 2000 йилга қадар спорт секцияларига қатнашувчи талабалар сони умумий талабалар сонининг 9-10 фоизини ташкил этган бўлса, 2002 йилга келиб бу кўрсаткич 20 фоиздан ошиб кетди.

Олий таълим муассасаларининг "Универсиада-2002" Низомида белгиланган спорт турлари бўйича бир неча секциялар ташкил этилиб, улар зарур анжомлар билан таъминланди. Жумладан, 2001 йилда бир неча олий таълим муассасалари 100 млн. сўмдан зиёд маблағга спорт инвентарлари харид қилиш имкониятига эга бўлдилар. Бу жойларда очиқ ва ёпиқ спорт заллари ҳамда майдончалари қурила бошланиб, мавжудлари қайта таъмирланди. Тошкент Давлат авиация институти ва Урганч Давлат университети каби олий билим даргоҳларида спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилгани бунга яққол далилдир. Таъкидлаш лозимки, "Универсиада-2002" мусобақаларини ўтказиш учун бунёд этилган "Бухоро" марказий стадиони Марказий Осиёда ягона, энг замонавий, жаҳон стандартларига жавоб берадиган спорт мажмуаси бўлади.

Таъкидлаш лозимки, мусобақа қатнашчилари ва меҳмонларининг "Универсиада-2002"ни мазмунли ўтказишлари учун бир неча маданий тадбирлар ҳам режалаштирилган. Фан арбоблари, ёзувчи, шоирлар, санъат усталари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари ҳамда жаҳон ва олимпиада чемпионлари билан учрашувлар ўтказилиши, ўйлаймизки, талаба ёшларни янада фаолликка ундайди. Мусобақа иштирокчиларининг қадимий Бухоронинг тарихий ёдгорликларини томоша қилишлари эса улар қалбида Ватан туйғуси ва аждодлар меросига бўлган муҳаббатни янада ошириши шубҳасиз. Шунингдек, режалаштирилган яна бир неча тадбирлар ҳам "Универсиада-2002" таассуротларининг мезбону меҳмонлар қалбида узоқ вақт яшашига хизмат қилади, деб ўйлаймиз. Албатта, юқорида тилга олинган ишларнинг юқори савияда бажарилишида мамлакатимиз миқёсида ўтказилаётган ушбу тадбир мазмун-моҳиятини теран англаган Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев ва бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматовнинг бизга берган кўрсатма ва маслаҳатлари муҳим аҳамият касб этди. Уларга ташкилий қўмита номидан чуқур миннатдорлик билдирамиз.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур мусобақа талаба ёшларни дўстлаштириш билан бирга келажакда уларнинг ҳамкорликда ишлашлари учун имкон яратади ҳамда спорт билан янада кўпроқ шуғулланишга, аъло баҳоларга ўқишга даъват этади.

Қолаверса, бугунги олий ўқув юрти талабаси эртага жойларга қайтиб бориб зиёлилар қаторидан ўрин олади. Уларнинг гапини халқ эшитади, уларга эргашади. Ишонаманки, ўқишни тугатганларидан сўнг ҳам уларнинг спортни оммалаштиришга хизматлари ўзгача бўлади.

"Универсиада-2002" ғолиблари орасидан эса халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган етук спортчилар чиқиши шубҳасиз.



Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири

УНИВЕРСИАДА

Муҳташам майдонни тўлғизиб турган
Ватаннинг кўз нури, дилбандларидир.
Келажак боғидан чечаклар терган
Она Ўзбекистон фарзандларидир.

Бу сафлар камолот шиддатига мос,
Гўё яралгандир чақиндан, нурдан.
Мардлик ва жасорат уларга мерос
Маҳмуд Торобийдан, Амир Темурдан.

Авлоди етук юрт ғолиб ҳамиша,
Авлоди соғлом эл кўрмагай завол.
Юртбоши бор экан зафарга пеша,
Фарзандлар улғаяр, демак, баркамол!

Универсиада бу — кўрик ва синов,
Осойиш кунларга ярашиқ дамлар.
Сизнинг юракдаги аланга, олов
Минглаб тенгдошларнинг қалб ўтин жамлар.

Ҳар бир қадамингиз шаҳдам ва ўктам,
Маҳорат кўргазиб, шавққа тўлгайсиз.
Омад ҳамроҳ эрур барчангизга ҳам,
Сиз ўзбек диёрин фахри бўлгайсиз!

МАШЪАЛА ЙЎЛГА ТУШДИ

Кеча Паркентнинг Чанги қишлоғида жойлашган «Физика-қуёш» илмий-ишлаб чиқариш Марказига «Баркамол авлод» спорт ўйинлари, «Умид ниҳоллари» мусобақаларидан сўнг «Универсиада-2002» ўйинлари машъаласини ёқиш учун мамлакатимизнинг турли вилоятларининг олий ўқув юртларида таҳсил олаётган спортчи-талабалар йиғилишди.

Мадҳиямиз янгради. Майдонга қўлида қуёшдан нур олиб гуркираб турган машъала кўтарган сузиш бўйича 3 карра Осиё чемпиони, Марказий Осиё чемпиони, Сидней олимпиадаси қатнашчиси, Тошкент Давлат Аграр университети талабаси Саида Искандарова ва 2001 йил Пекинда бўлиб ўтган Жаҳон Универсиадасининг дзю-до бўйича кумуш ва бронза медаллари совриндори, кураш бўйича Ўзбекистон Президенти кубоги совриндори, ёшлар ўртасида 2001 йилда бўлиб ўтган Осиё чемпионати ғолиби, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети талабаси Абдулла Тангриевлар олиб киришди.

Майдон узра салобатли овоз янгради:

«Азиз болалар! Қўлингиздаги машъала юртимиз қуёшининг олтин зарраларидан нур эмди. Бу билан қуёшга хос бўлган улуғворлик, ёруғлик ва саховатдан бир бўлаги сизнинг қўлингиздаги машъалага кўчди. Сиз уни шаҳар ва қишлоқлардан, кўча ва хиёбонлардан олиб ўтасиз. Бу олов ёшлик шижоати, Ватан меҳри, саховати, яхшилик, аҳиллик ва тинчлик машъаласидир. Шамолдек елинг, саман отдек парвоз қилинг, бу нурни миллионлаб жасур ўғлонларимиз, фозила қизларимиз қалбларига кўчиришга интилинг. Сизни Бухоро шаҳрида ёшлик, мардлик, жасурлик, бирдамлик ва нафосат байрами «Универсиада-2002» спорт ўйинларига йиғилган минглаб Алпомишу Барчинойлар, Жалолиддин, Темур Маликлар кутмоқдалар. Ватан бахти, иқболи, буюк келажаги йўлида қўлингизда машъала тутиб, ёниқ қалб билан яшаш садоқатини ҳар нарсадан баланд тутинг».

Шундан сўнг машъалани С.Искандарова ва А.Тангриевдан Бухоро Давлат Тиббиёт институти 2-курс талабаси, универсиада ўйинларининг баскетбол тури бўйича қатнашувчиси Рустам Рамазонов қабул қилиб олди. Машъала йўлга тушди.

Ушбу ҳаяжонли лаҳзаларда биз икки спортчидан интервью олишга чоғландик.

—Мана ҳозиргина сизлар яна бир ишончни оқладингиз. Кўнглингиздан қандай туйғулар кечмоқда.

—Тўғриси, ҳаяжондамиз. Қувончимизнинг чеки йўқ. Ғолиб бўлиш, жаҳон спорт майдонларида медаллар шодасини қўлга киритиш бошқа бир ғурур бўлса, мана шундай нуфузли юмушни амалга ошириш, минглаб юртдошларинг олдида катта бир мусобақанинг машъаласини ёқиш ва уни баланд кўтариб юриш алоҳида бир масъулият экан.

Машъала йўлга тушди. У Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий вилоятларининг кўплаб шаҳар ва қишлоқларидан ўтиб Бухорога кириб боради. Бу ишда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг барчаси оқ рангдаги, ҳар бирида Ўзбекистонимиз байроғи ҳилпираб турган «Нексия», «Тико», «Дамас» автомашиналари хизматда бўлади.

Машъалани ёндириш маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б.Махситов ва бошқа масъул кишилар иштирок этдилар.

Шарифа МАДРАҲИМОВА
«Ma'rifat»нинг махсус мухбири

Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар

"Universiada—2002"

ҚИЗҒИН ТАРАДДУД

Минораи Калон қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоронинг тимсоли сифатида асрлар оша кўкка бўй чўзиб турибди. Эндиликда бу азим шаҳарга ташриф буюрган киши миноранинг бир йўла яна тўрттага кўпайганини кўриб ажабланиши турган гап. Олис-олислардан яққол кўзга ташланиб турадиган бу миноралар "Универсиада-2002" туфайли бутунлай янгидан бунёд этилган ва Марказий Осиёда ягона саналган "Бухоро" ўйингоҳининг ўнлаб ёритгичлари ўрнатилган Минораи Калонда юксакроқ, узунлиги 51 метр бўлган устунлардир. Энг муҳим жиҳати, қадимий архитектура ёдгорликлари, илму маърифати билан оламдаги етти Шариф шаҳарнинг бири саналган Бухорои Шарифда барпо этилган мазкур йирик спорт иншооти лойиҳаларига миллий-меъморий нуқтаи назардан, ижодий ёндошилган. Ёритгичлар устунларига айнан Минораи Калонга монанд кўриниш берилган.

Қарийб бир йилу беш ойдан бери юзлаб қурувчиларнинг икки, ҳатто уч сменада олиб борган улкан ҳажмдаги меҳнати боис, қад ростлаган бу беқиёс маскан айнан лойиҳадаги кўринишини олган ва Универсиада яқинлашгани сайин бир хил чиройли либос кийган, чеҳраларида ёшлик шижоати, нафосати акс этиб турган қизлар билан байрамона манзара касб эта бошлади. Катта спорт анжуманининг тантанали очилиши дастурига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Беш минг нафардан ортиқ қизлар ҳаракатлар билан турли шаклларни ифода этиш, бу билан байрамнинг очилиш ва ёпилиш дастуридан ўрин олган таниқли санъаткорлар ижросидаги қўшиқ ва рақсларнинг бетакрор жозибасини янада ошириш учун машқлар ўтказишди. Ахир, минглаб ёшларнинг 52 қаторда сафда тизилиши, бир лаҳзада ўринлари ва қўл ҳаракатларини ўзгартиришини уйғунлаштириш, яхлитлигини таъминлашнинг ўзи бўладими?!

— Турли рангдан байроқчалар, гуллар, шунингдек, қўл ҳаракатлари воситасида ҳосил қилинадиган фон қўшиқ ёхуд рақс таъсирчанлигини ошириш билан бирга театрлаштирилган томошага ўзига хос тантанаворлик бағишлайди, — дейди фон гуруҳи режиссёри Рустам Шамсиддинов. — Буни чуқур англаган бир қатор шаҳар мактаблари, Бухоро кооператив техникуми, иқтисодиёт ва банк коллежи, 3-ҳунар билим юрти, енгил саноат коллежи, тиббиёт билим юрти каби илм масканларининг талабалари тошкентлик балетмейстер Марат Ҳасанов, ассистент Ирина Сафарова бошчилигида барча машқларни аниқ бажаришга муваффақ бўлдилар. Бу интилиш бўлажак томошанинг ғоят гўзал бўлишига бухоролик ёшлар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишларидан дарак беради.

"Универсиада-2002"нинг очилиш тантанаси концертида қатнашиш учун таклиф этилган 300 нафарга яқин пойтахтлик санъаткорлар ҳам ўн кундан кўпроқ вақт олдин Бухорога ташриф буюришди. Шунингдек, мамлакатимизнинг турли олий ва ўрта махсус ўқув муассасаларидан келган ҳаваскор санъаткорлар Бухоро шаҳридаги Абу Али Ибн Сино номидаги маданият саройи саҳнасида ўз истеъдодларини намойиш этишди. Республика Маданият ишлари вазирининг ўринбосари, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси бош директори Баҳодир Абдураимов, театрлаштирилган концерт дастурининг бош режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рустам Маъдиев, мусиқа раҳбари Баҳрулло Лутфуллаев ва бошқалардан иборат нуфузли ҳайъат томонидан ўйингоҳда ижро этиладиган энг муносиб номерлар танланди. Шуниси қувончлики, байрам дастуридан ўрин олган ижролар орасида Бухоро санъат коллежи анъанавий ҳофизлик бўлимининг 2-курс талабаси, ширали овоз соҳибаси Юлдуз Турдиева ижросидаги "Бухоро тўлқини" қўшиғи ҳам бор. Бундан ташқари, мазкур даргоҳ халқ рақси бўлимининг 20 нафар истеъдодли ёшлари профессионал блокда ҳам иштирок этишаяпти. Улар билан таниқли санъат устаси Юлдуз Исматова иш олиб борди. Бухородаги уч олий даргоҳ — Давлат университети, тиббиёт ҳамда озиқ-овқат ва енгил саноат институтларининг юзлаб талабалари ҳам байрам дастуридаги оммавий саҳналарга жалб этилганлар.

"Универсиада-2002" рамзи сифатида меҳмонларни оғушига чорлаётган маҳобатли "Бухоро" ўйингоҳида машқлар поёнига етди. Шубҳасиз, ҳар томонлама пухта ва мазмунли миллий-маънавий анъаналар руҳида тайёрланган байрам дастури барча қатнашчилар, кўчма телестудия ёрдамида мамлакатимиз ва бир қатор хорижий мамлакатларда томоша қиладиган миллионлаб мухлисларга унитилмас таассурот бағишлайди. Универсиада нафақат яна бир нуфузли ва қизғин спорт беллашувлари, балки янги-янги қўшиқларга бой санъат байрами тимсолига айланиб қолади.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири

ДАМ ОЛИШ МАСКАНЛАРИ МАВСУМГА ШАЙМИ?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуида Болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича республика комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, шунингдек, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва унинг ҳудудий уюшмалари кенгашлари раислари иштирок этди.

Мажлисда ўтган йили болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш якунлари ҳамда 2002 йил мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни талаблар даражасида ўтказиш масалалари муҳокама этилди. Бунда барча турдаги оромгоҳларни фойдаланишга пухта ҳозирлаш, айниқса, ташкилий, тиббий, маданий-маърифий ва таълим-тарбиявий ишларни изчил амалга ошириш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар белгиланганди.

Хусусан, Оролбўйи минтақаси — Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятидаги эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандларини юртимиздаги энг сўлим, хушманзара оромгоҳларда бепул ҳордиқ чиқаришини таъминлаш режалаштирилди. Шу ўринда айтиш жоизки, ўтган ёзда Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси ва Вазирлар Маҳкамасининг "Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ушбу минтақадан жами 20 минг нафардан ортиқ боланинг шундай оромгоҳларда соғломлаштирилиши ва мазмунли дам олиши таъминланди.

Мажлисда давлатимиз келажаги бўлмиш ёш авлод вакилларининг ёзги дам олиш вақтларини янада мароқли ва қизиқарли ўтказиши учун барча қулай шарт-шароитни яратиб бериш юзасидан тегишли вазирлик ҳамда ҳокимликлар мутасадди раҳбарларига зарур кўрсатма ва топшириқлар берилди.

(ЎзА)

ОҚ КАБУТАРЛАР

Оппоқ халат кийган соғлиқни сақлаш ходимларини учратганингизда бехосдан ҳавас уйғонади.

Сабаби улар инсон учун муҳим бўлган саломатлик посбонларидир. Ҳозирги вақтда бу соҳа кадрларини тайёрлашда тиббиёт коллежлари муҳим роль ўйнамоқда. Шулардан бири Дўстлик тиббиёт коллежидир. Бу билим юрти 1983 йил ташкил қилинган бўлиб, 2001 йилда қоллеж мақомини олди. Шу кунгача 5200 нафардан ортиқ мутахассислар тайёрланди. Бир йилда 300 нафардан бола коллежга қабул қилинмоқда. Уч йўналишда: ҳамширалик, акушерлик, доришунослик бўйича мутахассислар катта ҳаётга йўл олмоқда. Билим юртида 38 нафар ўқитувчи талабаларга ўз билимларини беришмоқда.

— Талабалар дарслар билан бир қаторда амалий машғулотларни ўташмоқда. Дўстлик тумани шифохоналарида, дорихоналарда ўз соҳасининг сирларини яхши ўрганмоқда,— дейди коллеж директори Саидраҳмон Саидқулов.

Энг асосийси, билим юрти МДҲ давлатлари ва бошқа чет давлатлар билан ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда.

Суратда коллеж ҳаётидан лавҳа.

ТАБЪИ НАЗМИ БОР МУАЛЛИМЛАР АНЖУМАНИ

Бобур Мирзо "Бобурнома"да темурий подшо ва шаҳзодаларга таъриф берар экан, "табъи назми бор эди", "шеърни тавре айтибдур" каби жумлалар ила лутф қилган жойларини кўп учратамиз. Навоий даврида қанча-қанчалаб шоирлару шоирликка ҳавасмандлар бўлгани манбалардан маълум.

Ана шундай нозиктаъб аждодларнинг бугунги авлодлари ҳам қонларидаги сўз санъатига бўлган иштиёқни намоён этиб келишмоқда. Жумладан, ўқувчи ёшларимизга таълим-тарбия бераётган муаллимларимиз орасида ҳам "табъи назми бор"лари жуда кўп.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказиб келаётган анъанавий ижодкор ўқитувчилар анжумани бу йил 20-21 май кунлари Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб ўтди. Нукус шаҳридаги "Прогресс" таълим ва ривожлантириш марказида бўлган ижодий гурунг ва мушоираларда республикамизнинг барча вилоятларидан келган 40 дан ортиқ ижодкор ўқитувчилар иштирок этишди. Уларнинг анжуманга тақдим этилган ижод намуналарини Иқром Отамурод, Турсунбой Адашбоев, Рустам Мусурмон, Шойим Бўтаев, Музаффар Аҳмад каби таниқли шоир ва ёзувчилар баҳолаб боришди. Муаллимлар машқларининг ютуғу камчиликларини кўрсатишиб, ўз устларида қандай ишлашлари лозимлиги юзасидан йўналиш беришди. Каттақўрғонлик Замира Темирова, чустлик Шуҳрат Мадолимов, юнусободлик Дилдора Пўлатова, чирчиқлик Нафиса Раҳмонова ва яна бир қатор муаллимларнинг ёзганлари ҳеч бир профессионал шоир-ёзувчилар ижодидан қолишмаслиги эътироф этилди.

Ўқитувчилик — машаққатли касб эканлиги маълум. Шундай қийин ва шарафли касб соҳибаларининг таълим-тарбиядан ортиб ижод қилаётганликлари, кўнгил билан юзма-юз қолишга, сирлашишга, шундай нозик "шивир-шивир"ларни қоғозга туширишга вақт топаётганлари таҳсинга лойиқ.

Ҳар йилгидек, бу йил ҳам ушбу анжуман иштирокчилари ижодидан намуналар тўплам ҳолида чоп этилади. Бу эса муаллимларимиз илҳомига қанот бахш этиши тайин.

Хусан НИШОНОВ

Мамлакатимиздаги спортга берилаётган эътибор ёш авлодни соғлом, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилгандир. Яқинда бўлиб ўтган мактаб ўқувчилари ўртасидаги "Умид ниҳоллари" мусобақаларининг натижалари ва бошланажак олий ўқув юртлари талабалари ўртасидаги "Универсиада" спорт ўйинларига тайёргарлик жараёнидаги қилинаётган хайрли ишлар бутун халқимизни илҳомлантирмоқда. Буларнинг узвий давоми сифатида яна бир хайрли ишга қўл урилди. Кеча Халқ таълими вазирлигида Тинчлик корпуси вакиллари билан Махсус олимпия ҳаракати спорт ўйинларини ташкил этиш лойиҳаси асосида шартнома имзоланди. Бунда кўрсатилганидек, махсус мактаб-интернатларидаги ногирон ва ақли заиф болалар ўртасида ҳам махсус спорт ўйинларини ўтказиш ва ғолибларни моддий, маънавий рағбатлантириш

ХАЙРЛИ ИШ

кўзда тутилган. Халқ таълими вазири ўринбосари У. Мусаев меҳмонларни қабул қилар экан, уларга Ўзбекистондаги спорт соҳасида амалга оширилаётган ишлар, Кадрлар тайёрлаш миллий моделига мувофиқ яратилган узлуксиз ва узвий спорт тизимининг барча бўғинлари ва уларни ўтказиш жараёнлари ҳақида тушунча бериб ўтди. Тинчлик корпуси бошлиғи Лоренс Лейхи ўз фикрини билдириб, шундай деди:

— Ўзбекистондаги ўтказилаётган спорт ўйинларига таълим тизимидаги барча ёшларнинг қамраб олинишини кўриб жуда хурсанд бўлдик. Лекин шу билан бир қаторда ногирон ва ақлан заиф болаларга ҳам озгина бўлса-да, шодлик ва қувонч улашиш мақсадида шу лойиҳани ишлаб чиқдик. Чунки улар ақлан заиф бўлса-да, жисмонан кучли ва уларга озгина эътибор, меҳрнинг ўзи кифоя. Ўйлайманки, юртингизда ушбу махсус мусобақалар ҳам илиқ кутиб олинади ва болалар ўзларини бенаму кўст ҳис қиладилар.

Назокат ХОЛМЕТОВА

ДАРСЛИКЛАР МУАЛЛИФЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАР ДАВРАСИДА

Жиззах шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика Таълим маркази ва Жиззах вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида "Она тили ва адабиёт дарсларида янги педагогик технологиядан фойдаланиш" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда Тошкент шаҳри ва вилояти, Жиззах ва Самарқанд вилоятининг шу соҳага оид мутасадди мутахассислари иштирок этдилар.

Anjuman

Анжуман қатнашчилари кун тартибидаги мавзулар бўйича Жиззах шаҳридаги 10-мактаб, 16-мактаб, Ғ.Ғулом номли 17-мактабда бўлишиб, у ерда амалга оширилаётган ишлар билан танишиб, очиқ дарсларни кузатдилар. Шунингдек, мазкур учрашувларда она тили ва адабиёти, ўзбек тили дарсликлари муаллифларининг фан ўқитувчилари билан давра суҳбати ўтказилди. Суҳбат чоғида дарсликлар ўзлаштирилиши, унинг афзаллик томонлари ва камчиликлари хусусида очиқ ва дўстона баҳслар, фикр алмашишлар, таклифлар ўртага ташланди.

Анжуман кун тартибидаги мавзулар бўйича Ўзбекистон Миллий университети профессорлари У.Норматов, Қ.Йўлдошев, Республика Таълим маркази бўлим бошлиғи Н.Ғуломова, республика Таълим маркази бош услубчиси Қ.Султонова, Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий текшириш институти бўлим мудири Р.Йўлдошев, республика Таълим маркази бўлим бошлиғи ўринбосари Д.Нуриддинова, Жиззах вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти кафедра мудири Т.Алматов ва бошқалар маъруза қилдилар.

А.СОДИҚОВ

"СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ" ҲАЯЖОНЛАРИ

Бугун барча умумтаълим мактабларида ҳамма-ҳаммани энтиктириб "Сўнгги қўнғироқ" жаранглайди. Бу айрим ўқувчилар учун синфдан-синфга кўчиш даврини билдирса, битирувчилар учун эса қадрдон мактаби билан хайрлашиш онларини эсга солади. Биз янги даврнинг бошланишига туртки берадиган ва алоҳида руҳий ҳолат яратадиган тадбир арафасида Яккасарой туманидаги 127-мактабда бўлдик ва битирувчиларнинг айримларини суҳбатга чорладик.

Ҳасан БОБОНИЁЗОВ, 9-"А" синф битирувчиси:

— Мана, "Сўнгги қўнғироқ"қа ҳам саноқли дақиқалар қолди. Қалбимда кечаётган ҳаяжонни таърифлашга тилим ожиз. Кечагидек эсимда, худди шунга ўхшаш ҳислар билан мактаб қучоғига ошиққан эдик. Биринчи ўқитувчимнинг меҳр ила қўлимдан тутиб, ҳарфларни бирма-бир ўргатиши, азиз устозларимнинг моҳирона дарс ўтишлари ва аҳён-аҳёнда қилган шўхликларимиз, ҳамма-ҳаммаси ортда қоладиган бўлди.

Ҳусан БОБОНИЁЗОВ, шу синф битирувчиси:

— Ниҳоят, биз кутган ҳаяжонли дамлар ҳам етиб келди. Қувончлиси, биз мактабни битириб, мустақил ҳаётга қадам қўямиз. Ўзимиз истаган лицей ёки коллежларга кириб, Ватанимиз олдидаги бурчимизни бажарамиз ва унинг гуллаб-яшнашига ўз ҳиссамизни қўшамиз. Очиғи, биз учун азиз бўлиб қолган мактаб қучоғидан айрилиш қийин бўлаяпти. Худди шу тобда бизга билим берган меҳрибон устозларимдан қилган шўхликларимиз учун узр айтиб, олган билимларимиз ҳаққи уларга таъзим ила раҳмат айтишни дилимга тугиб турибман. Қисқаси, шу дамларда қалбимда кечаётган ҳисларимни таърифлай ололмаяпман.

Ҳилола ШАРИПОВА, шу синф битирувчиси:

— Мен бугун устозларимга бир қучоқ гул тутқазмоқчиман. Чунки мен уларнинг биз учун чеккан заҳматларини айнан шу бугун тўла англаб турибман. Бу ҳис синфдошларимга ҳам бегона эмас. Айниқса, синфдош қизлар кўзларимга бироз хафадай кўринишяпти. Менимча, булар имтиҳон олди ҳаяжонларидир. Балки...

Дарвоқе, бир неча кундан кейин ўқувчи учун ҳам, ўқитувчи учун ҳам, ҳатто ота-оналар учун ҳам муҳим давр — синов палласи бошланади. Бунда битирувчилар учун мактаб даври олган билимлари торозуга солиб ўлчанади. Биз ҳам битирувчилар йўллари чароғон бўлишини тилаб қоламиз.

Ҳилола ФАЙЗУЛЛАЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси

ҚАБУЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ёхуд олти ёшли ўғил-қизлар мактабларга қандай, кимлар томонидан қабул қилиниши хусусида

Тошкент шаҳар ташхис марказларида ўтган уч йил давомида олти ёшли болаларни мактабга қабули пайтида малакали 4 нафар мутахассис (ташхис раҳбари, психолог, дефектолог, врач) иштирокидаги психологик-педагогик-тиббий кўриклар натижаси 1-синфга қабул қилинган олти ёшли болаларнинг тиббий кўрик натижалари ва ҳар бир боланинг тиббий кўрик ҳужжатлари талаб даражасига яқинлашганлигини, мактабга қабул қилинган олти ёшли болаларнинг мактабга тўла мослашаётганлигини ва 1-синфда уларнинг дарс машғулотларини ўзлаштира олишаётганини кўрсатди. Аммо шу билан бирга ташхис марказларидаги қабул жараёнида учраган муаммолар, ота-оналарнинг қатор норозиликларига ҳам сабаб бўлган эди. Масалан, қабул вақтида баъзи бир кунларда 20—30 нафар ота-оналарнинг олти ёшли болалар билан ташхис комиссиясидан ўтишга келган вақтларида узундан-узоқ навбат пайдо бўлиши (вақт тўғри ҳисобга олинмаган ҳолда қабул 1998 йилда фақат август ойида ўтганлиги, кейинчалик эса май—июнь ойларида қабул ўтказилганлиги), қабулга киргунча болаларнинг чарчаб қолиши, қабул жараёнида болалар учун шарт-шароитларнинг тўлиқ яратилмаганлиги, баъзи бир таъмагирлик ҳодисалари бўйича шикоятларнинг бўлганлиги ва ҳоказолар.

Қабул учун ажратилган 30—35 минутлик муддатга амал қилмаслик ҳолатлари, ташхис маркази ташкил этилган баъзи бир олти ёшли болаларнинг ота-оналари томонидан ташхис марказларида ишлатилаётган психологик методикалар билан болаларни тайёрлаб олиб келишлари (бу ҳолда ташхис маркази ходимлари томонидан бошқа методикалар ишлатилган) ташхис ишининг сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Ҳозирги кунда кўпгина ота-оналар олти ёшли болаларни умумтаълим мактабларига кимлар қабул қилади, мазмунидаги саволлар билан мурожаат қилишмоқда.

Биз, ҳурматли ота-оналарга олти ёшли болалар қабулини ташкил этиш ва амалга ошириш барча мактабларга топширилганлигини яна бир бор таъкидламоқчимиз. Мактабларда олти ёшли ўғил-қизлар қабулини ташкил этиш масалалари 1 май кунидан бошлаб 20 августгача амалга оширилишини эслатмоқчимиз.

Статистик маълумотларга кўра, мактабларга узоғи билан 20—25 нафар олти ёшли боланинг қабул қилиниши, ҳар бир бола учун педагогик-психологик ташхис 30—35 минут давомида олиб борилиши ва қабул вақтининг 4 ой давом этиши мактаб маъмурияти учун жуда ҳам мунозарали вазиятларни келтириб чиқармайди, деб ўйлаймиз.

Фақат, республика Ташхис маркази эслатмаларида, шунингдек, психологик-тренингларда таъкидланганидек, "Болани имтиҳон қилиш эмас, у билан ўйнаш керак!", "Ташхис жараёнида табиий муҳит содир этиш учун, ота-она иштироки инкор этилмайди!". Қисқаси, бу каби фикрларга амал қилсак фаолиятимиз янада мазмунли бўлади.

Ота-оналарга барча саволлар бўйича ТХТБ ташхис марказлари ёки Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасининг Ташхис марказига мурожаат қилишлари мумкин. (Манзил: Пушкин кўчаси, 69-уй, телефон: 137—08—26).

Раҳимжон ИСРОИЛОВ,
Тошкент шаҳар ХТББ ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш психологик-педагогик ташхис маркази раҳбари

Tashabbusning qanoti

БИЗДАН ЭСДА ҚОЛАРЛИ ИШЛАР ҚОЛСИН!

Газетамизда (2002 йил 8 май) Уйчи ва Тошлоқ туманлари битирувчи ўқувчиларининг ўзлари ўқиган синф хоналарини таъмирлаб бериш ҳақидаги чиқишларидан сўнг таҳририятимизга хатлар ёғилиб кела бошлади. Шундай мактублардан бири эътиборимизни тортди. Бу — Собир Раҳимов туманидаги 249-умумтаълим мактаби битирувчи(23 нафар)ларининг Тошкент шахридаги мактабларда 11-синфларни битириш арафасида турган барча йигит-қизларга мурожаати эди. Жумладан, унда шундай дейилади:

"Азиз тенгдошлар! Мустақил ҳаёт остонасига қадам ташлашимизга ҳам саноқли кунлар қолди. Биз бугун қадрдон мактабимиз билан хайрлашиш нақадар оғирлигини ҳис этмоқдамиз. Беғубор болалигимиз ўтган синф хоналари, мактаб ҳовлиси, жонкуяр ва фидойи устозларимиз бир умр ёдимизда сақланади.

Биз қалбимиз тўла ҳаяжон ила соғинч ҳислари билан хайрлашиш онлари яқинлигини тасаввур қилиб, Сизларни муборак маскан билан хайрлашиш олдидан эсда қоларли ишлар қилишга чақирамиз.

Келинг, азиз тенгдошлар! Мактабимизнинг синф хоналарини таъмирлашда ўз ҳиссамизни қўшайлик.

Биз барча битирувчи тенгдошларимизга имтиҳонларни аъло даражада топширишларига омад тилаб ва мурожаатимизга лаббай деб жавоб беришларига ишонч билдирамиз"

Ҳозир бу ташаббуслар қатор мактабларнинг битирувчилари томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Айни пайтда Акмал Икромов тумани ХТБ тасарруфидаги 107, 193, 297-мактабларнинг 11-синф битирувчилари ўқув йили якунида ўзлари таҳсил олган мактабларини таъмирдан чиқаришга сидқидилдан ёрдам беришга тайёрлигини билдиришмоқда.

Миробод тумани мактаблари битирувчилари ўтган йили ўз кутубхоналарига эсдалик тариқасида бадиий китоблар тақдим этишган эди. Бу ўқув йилида 125-мактаб битирувчилари илм масканининг 3-қавати даҳлизларини, 213-мактаб битирувчилари эса 3-қаватнинг биринчи блоки даҳлизларини буткул таъмирлашни ўз зиммаларига олдилар.

Мазкур йилда Мирзо Улуғбек туманида 445 нафар ўқувчи мактабларнинг 11-синфларини битиришади. Улар ўзлари ўқиган фан кабинетлари, ўқув хоналарини таъмирлаш қаторида қадрдон мактабларига жиҳозлар, бадиий китоблар совға қилиш ниятидалар.

Чилонзор туманидаги 138-мактабда битирувчиларнинг мактаб кутубхонасига китоблар совға қилишлари анъанага айланмоқда. Бу йил битирувчилар ташаббусига фарзандлари 1-синфга илк қадам қўяётган ота-оналар ҳам қўшилишди. Улар битирувчилар билан биргаликда мактаб кутубхонаси жамғармасига янги алифбода чиқарилган 200 дан ортиқ китоб ҳадя этишга киришдилар.

Яккасарой тумани битирувчилари томонидан ўртага ташланган ташаббус ҳам ота-оналар қўмиталарига маъқул келди. Улар ҳамкорликда мактаблар даҳлизлари, шу билан бирга 64 та синф хоналарини таъмирдан чиқарадилар. Туман ХТБга қарашли 26, 48, 73, 89, 160, 176, 319-мактабларда бу борадаги ишлар ўқув йили тугаши биланоқ бошлаб юборилади.

Айни кунда бу каби ташаббуслар моҳияти барча мактабларда тўла англаб етилмоқда. Ҳар бир битирувчи қадрдон мактабларига қайсидир йўл билан ёрдам бериш ҳаракатида бўлаяптилар. Хуллас, республикамиз мактабларидаги бу йилги битирувчилар таълим тарихида ўзига хос из қолдиришлари, шубҳасиздир.

Қ.МАТҚУРБОНОВ

ЯХШИ НОМ ҚОЛДИРМОҚ АЗАЛИЙ ОДАТ

Мактаб- қутлуғ остона. У ёшларнинг катта ҳаёт эшикларини очишларида, кейинги ҳаёт йўлларини белгилаш ва унда ўзларининг муносиб ўринларини топишда муҳим аҳамиятга эга.

Айни шу боис ҳам ушбу муборак даргоҳни эъзозлаш, бағрида камол топаётган ўғил-қизларнинг дунё илм-фани сир-асрорларини мукаммал ўзлаштиришлари учун шароит яратиш ҳар бир шу замин фарзандининг шарафли бурчи. Бугун 10 йил давомида катта ҳаёт чорраҳаларида асқотадиган зарур билим ва кўникмаларга эга бўлиб, ушбу остонадан учирма бўлаётган ёшларнинг ҳам ўз зиммаларига юкланган масъулиятни теран англаган ҳолда қадрдон мактабларига совға тариқасида синфларни талаблар даражасида таъмирлаб укаларига қолдириш ташаббуслари оз муддат ичида анъанага айланиб улгурди.

Мазкур ташаббусни кўтариб чиққан Уйчи ва Булоқбоши туманининг битирувчи синф ўқувчиларининг эзгу ниятлари Олтиариқ туманидаги 2-мактаб (директори Абдуҳаким Гадойбоев)нинг 107 нафар ўқувчи таҳсил олаётган 4 та 9-синфи ҳамда 14 нафар 11-синфни якунлаётган ўқувчилари томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. Шуни таъкидлаш лозимки, олтиариқлик битирувчи синф ўқувчилари ўз ташаббуслари кўламини кенгайтириш мақсадида ўзлари ўқиган синфхоналарини таъмирлаб бериш билан бир қаторда мактаб кутубхонасига ўқувчиларнинг тафаккурини оширишга хизмат қилувчи бадиий китоблар ҳамда кам таъминланган оила фарзандларини ижтимоий муҳофаза қилиш учун дарсликлар тўпламини олиб беришга келишиб олишди.

Ушбу эзгу мақсад тумандаги мавжуд 17 та мактабнинг 354 нафар 11-синфини ва барча 9- синф ўқувчи-битирувчилари томонидан ҳам қўллаб-қувватланаётганлиги ўқитувчию, ота-оналарнинг таҳсинига сазовор бўлмоқда. Зеро, инсоннинг саховатпешалиги ва ўзидан яхши ном қолдириши халқимизнинг азалий одати ҳамдир.

Акромжон ТУРСУНАЛИЕВ,
Баҳодир ЖОВЛИЕВ

ИМТИҲОНЛАР КОМПЬЮТЕРДА ОЛИНАДИ

ёхуд Шаҳрисабз туманидаги 101-мактабда якуний аттестацияларга қандай тайёргарлик кўрилаётгани хусусида

Taraddud

Мактабларимизда ўқув йилининг "ғалвир сувдан кўтариладиган палласи" яқинлашаяпти. Ҳадемай, якуний аттестация синовлари бошланади.

Шаҳрисабз туманидаги Абдулла Қаҳҳор номидаги 101-мактаб жамоаси бу йил ана шу масъулиятли ва ҳаяжонли онларга ҳар галгиларидан да пухтароқ ҳозирлик кўришмоқда. Мактаб залларида, ўқув хоналарида имтиҳон бурчаклари ташкил этилди. Ҳозирданоқ имтиҳон ўтказиладиган барча фанлардан мактаб раҳбарияти томонидан тасдиқланган режалар

асосида консультация машғулотлари бошлаб юборилди. Муаллимлар назаридан ҳеч бир нарса четда қолмагандай. Ҳатто оғзаки ва ёзма имтиҳонлар жараёнида фойдаланиладиган варақларгача мактаб штамплари босиб қўйилган...

"Компьютерни билиш — иккинчи саводхонлик". Бу замонавий мақолнинг ҳаётий ҳақиқатлигини бугунги кунда ҳеч ким инкор эта олмайди. Дарҳақиқат, ўқувчиларимиз олаётган илм ва малакаларнинг жаҳон андозаларига тенглашиши ҳам айни кунда ана шу "иккинчи саводхонлик"ка боғлиқ.

Аввалombор, шуни айтиш жоизки, ушбу илм масканида компьютер таълимига алоҳида эътибор қаратилган. Мактабда ташкил этилган компьютер марказида ўқитувчи Хусниддин Шарипов раҳбарлигида компьютер ўқуви тўгараги мунтазам иш олиб боради. Мактаб жамоасининг ташаббуси ва кўп сонли ота-оналарнинг таклифлари билан жорий ўқув йили якунидаги аттестация синовларининг аксарият қисми компьютерда олиниши режалаштирилди.

— Жорий ўқув йилида мактабимизни 6 та 9-синфини 163 нафар ўқувчи, 1 та 11-синфини эса 11 нафар ўқувчи битиради, — дейди мактаб директори Султон Меликулов биз билан бўлган суҳбатда. — Умумий қилиб айтганимизда, мактабимизда 43 та якуний имтиҳонлар бўлади. Ана шу якуний имтиҳонларнинг 36 таси компьютерда олиниши режалаштирилган. Якуний имтиҳон дискетлари якуний аттестацияларни ўтказиш Низомига мувофиқ Республика Таълим маркази томонидан етказиб берилади. Биз эса бу ҳақда туман ХТБга буюртмалар берганмиз...

Бир сўз билан айтганда, мактабда якуний имтиҳонларни компьютерда топшириш жараёнига қизғин тайёргарлик ишлари кетмоқда. Бу борада мактаб компьютер маркази ходимлари ва фан ўқитувчиларининг айни дамлардаги фаол хизматларини алоҳида тилга олмоқ жоиз. Улар ҳар бир битирувчи шогирдларига компьютерда имтиҳон топшириш илмини ўргатишаяпти.

Абдували ОБИДДИН,
махсус мухбиримиз

Konsultatsiya

ИНШО ЁЗИШГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Ҳадемай, ўқув йили ҳам ниҳояланиб, мактаб битирувчилари катта ҳаётга йўл оладилар. Ҳозир эса улар айни ҳаяжонлар палласида. Бир томондан сўнгги ҳал қилувчи чорак якунланаётган бўлса бир томондан имтиҳонларга тайёргарлик кўриш керак. Вақт — оқар дарё деганларидек, бир зумда имтиҳонлар бошланиб қолади. Шу боис ҳам, вақтнинг қадрига етган ўқувчилар аллақачон имтиҳонларга тайёргарликни бошлаб юборганлар. Айниқса, бу йил мактаб остонасидан катта ҳаёт бўсағасига қадам ташлаётган ёшлар учун бу вазифа янада масъулиятли. Дилдаги орзу-ниятларни амалга ошириш, албатта, ҳар кимнинг ўзига ҳам боғлиқ. Кимда ким имтиҳон синовларига пухта тайёргарлик кўрса, натижа ижобий бўлиши тайин. Бу ютуқларни қўлга киритиш учун эса, аввало битирув имтиҳонларини муваффақиятли топшириш керак. Биз ушбу мақоламизда 11-синф ўқувчилари учун адабиёт фанидан иншо ёзиш ва унга тайёргарлик кўриш жараёнлари ҳақида тўхталмоқчимиз. Зеро, билдирган фикрларимиз ўқувчиларга ҳаётда асқотиши табиий.

Барчага маълумки, мактабда иншо ёзиш бошланғич синфларданоқ ўқувчиларга ўргатила бошланади. Сабаби, ўқувчи иншо ёзишга бир икки йил ичида ўрганиб қолмайди. Бу жараён узоқ йиллар давомида шакллантирилиб, борилади. Зеро, иншо бадиий ижоднинг бир тури бўлиб, ўқувчининг эркин, мустақил фикрлаши маҳсулидир. Ўқувчининг йиллар давомида олган билим ва тажрибаси, дунёқараши ортиб борар экан, иншо ёзиш кўникмаси ҳам шаклланиб боради. 8-10 йилдирки сиз адабиёт дарсларида иншо ёзиб келмоқдасиз. Бугун тассаввур ва қарашларингиз, тажрибангиз олдингиларидан анча фарқ қилади. Чунки, сиз ҳаёт бўсағасида турган юртимиз келажагисиз. Эрта-индин елкангизга турмуш юкини ортиб, катта карвонга қўшиласиз. Ватан сиздан кўп нарсаларни кутмоқда. Унда она Ватанимизни асраб авайлаш, халқимизга хизмат қилиш, юртимиз довруғини жаҳонга таратишдек эзгу ишларни бажариш зиммангизда турибди. Ёзилажак иншоларингизда орзу ва ниятларингизни бемалол баён этинг. Янги фикр ва таклифлар айтишдан тортинманг. Сизни қийнаётган, ташвишга солаётган муаммолар бўлса, чўчиманг, дилингиздагини тўкиб ёзинг.

Битирув имтиҳонидаги иншо мавзулари сизга таниш. Сиз бу мавзулар хусусида кўплаб фикрлашгансиз, баҳслар юритгансиз, мунозараларга киришгансиз. Чунки, мазкур асарлар мавзулари бўйича дарслик китобларингиздан парчалар ўқигансиз. Эндиги вазифа эса ана шу ўқиганларингизни яна бир бор такрорлаб чиқиш, янгиларини ўқиб ўрганиш, қолаверса, мустақил ижодий фикрласангиз бўлгани.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, бу йил ҳар йилгидек иншо мавзулари уч қисмдан иборат бўлиб, мумтоз адабиёт, XX аср адабиёти, ҳамда эркин мавзулар кўринишида бўлади. Имтиҳонда энг аввало, ёзилажак мавзуни тўғри танлаб олинг. Бу мавзу ҳақида кўпроқ маълумотларга эга бўлишингиз ҳамда у сизни қизиқтирган бўлсин. Ёзмоқчи бўлган фикр ва таклифларингизни қоғозга тўплаб олинг, яъни иншонинг ғоявий йўналишини белгиланг. Сўнгра ғояга мос режалар тузиб иншо ёзишга киришинг. Иншода иложи борича жумлалар қисқа, равон, лўнда ва мазмунли тузилишига эътиборингизни қаратинг. Имло, жумла ва тиниш белги хатоликларига йўл қўйманг, хатингиз чиройли ва аниқ бўлсин. Бундан ташқари, иншонинг ранг-баранг, ўқишли бўлиши учун турли иборалар, ҳикматли сўзлар, ўхшатиш ва сифатлашлардан, мақоллардан ҳамда ҳадислардан унумли ва ўринли фойдаланишга ҳаракат қилинг. Фикрларингизни буюк кишиларнинг ёзганларидан иқтибослар келтириб асосланг.

Ишонамизки, юқоридаги таъкидланган талаб ва таклифларга амал қилсангиз кўпчиликка манзур бўладиган сермазмун иншо ёзишга эришасиз.

РТМ Давлат тили бўлими

МУТАХАССИС ҚАЕРГА БОРАДИ?

Seminar

Тошкент Давлат педагогика университетида бўлиб ўтган "2000-2002 ўқув йилидаги битирувчиларни ишга жойлаштириш муаммолари" мавзусидаги амалий семинарда ёш мутахассисларни тайёрлаш, ишга жойлаштиришни илмий асосланган шаклда олиб бориш хусусида гап борди. ТДПУ академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва маркетинг хизматлари бўйича биринчи проректори, профессор А.Абдуқодиров 2001-2002 ўқув йилида битирувчи бакалаврларни ишга жойлаштириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар хусусида ахборот берди. Университет ўқитувчилари академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида бўлишиб, **университет — ёш мутахассис — буюртмачи** шаклида тузилган уч томонлама шартноманинг амал қилиш механизми ва йўллари ҳақида қайғуришди.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти проректори, профессор А.Ражабов, Тошкент Давлат техника университети 1 проректори, профессор Х.Лутфуллаев, Бухоро Давлат университети проректори, доцент Ш.Мирзаев ва бошқалар битирувчиларни ишга жойлаштиришда пайдо бўлаётган муаммоларнинг олдини олиш учун кадрларни мақсадли тайёрлаш тизимига ўтишни ташкилий, ҳуқуқий, меъёрий жиҳатдан пухта ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлашди.

МУХБИРИМИЗ

Андижон вилоятидаги олий ўқув юртларининг талаба йигит-қизлари ўртасида "Энг фаол талаба" деб номланган кўрик-танлов ўтказилди.

Кўрик-танлов ташаббускори таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари вилоят қўмитасидир. Бундан асосий мақсад ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, дунёқарашини кенгайтириш, ҳуқуқий билимларни тарғиб этиш эди. Иштирокчилар ўзларининг интеллектуал билимларини, санъат ва адабиётдаги қобилиятларини намойиш этдилар. Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, Муқаддас Аҳмедова Андижоннинг энг фаол талабаси, деб топилди.

О.СИДДИҚОВ

МУҚАДДАСГА ТЕНГ КЕЛАДИГАНИ ТОПИЛМАДИ

ДИЛМУРОД — ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Дилмурод Усмонов Андижон вилояти Асака шаҳридаги физика, математика, инглиз тили фанларига ихтисослашган 24-мактаб-интернатининг 10-синфида "аъло" баҳоларга ўқийди. Жамоат ишларида фаол қатнашади, турли тадбирларнинг бошловчиси ҳисобланади. Бўш вақтларида кўпроқ китоб ўқишни, шеър машқ қилишни ёқтиради. Шеърлари шаҳар рўзномасида эълон қилинган. Дилмурод кўпроқ инглиз тили фанига қизиқади. Тўгарак машғулотларига мунтазам қатнашиб, турли олимпиадаларда иштирок этади. Бу йилги олимпиадада шаҳар биринчи, вилоятда тўртинчи ўринни эгаллади.

Америка Қўшма Штатларининг АКСЕЛС ташкилоти 1993 йилдан бери Ўзбекистонда ўз ишини олиб бормоқда. Шу йиллар ичида кўплаб ўзбек ёшлари АҚШ мактабларида таълим олиб келаяптилар. Булар қаторида 24-мактаб-интернатнинг собиқ ўқувчиси Ҳилола Мирзаева ҳам бор.

Бу йил бу борада Дилмурод Усмонов ҳам танловга қатнашиб, омадини синаб кўрди. Танловда ўқувчиларнинг инглиз тилидан билимигина эмас, балки уларнинг дунёқараши, хорижий давлатлар ҳақида билими, иродалилиги ва ҳаётга бўлган муносабати ҳам инобатга олинади. Танлов 3 босқичида ўтказилди. Синовлар тест, иншо ва суҳбат тарзида ўтказилди.

Дилмурод Усмонов танловнинг ҳар уччала босқичда ҳам муваффақиятли қатнашиб, танлов ғолиби бўлди ва Америкага бориб ўқиш имкониятини қўлга киритди. Дилмуроднинг бундан муваффақиятларга эришишида ўқитувчилардан Марҳабохон Содиқова ва Фароғатой Мирзаевaларнинг хизматлари беқиёс.

Иброҳимжон ТОШМАТОВ

Исамат Эргашев — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли актёр ва кинорежиссёр, "Ўзбектелефильм" ва "Тожикфильм" томонидан суратга олинган 10 дан ортиқ фильмлардаги ажойиб роллар ижрочиси. Севимли ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг "Меҳробдан чаён" романи асосида суратга олинган фильмдаги бош роль — Анвар тимсолини тўлақонли яратиб беролган етук санъаткор. Айни вақтда "Ёшлар" театри 5-студияси раҳбари бўлиб фаолият кўрсатмоқда.

— Суҳбатимиз аввалида беғубор болалик йилларингиз, ўша вақтдаги орзуларингиз ҳақида бир эсласангиз.

— Инсон ҳаётининг баҳори — бу болалик даври. Бу даврни бол давр деб ҳам аташади. Болалигим Чимкент шаҳрида ўтган. Бир дам бўлса-да ўша даврга қайтгим келади. Бир кун бўлса-да, тупроқ кўчаларни чангитиб юргим, дўстларим билан дийдорлашгим келади.

Уйимиз ёнидан темир йўл ўтган эди. Негадир темирйўлчи ёки ҳарбий бўлишни жуда-жуда хоҳлардим. Ўзимни ҳарбийлар кийимида тасаввур қилардим ва назаримда бу кийим менга ярашарди. Орзуим — фақат ҳарбий бўлиш эди.

— Биз эса сизни ҳарбий эмас, актёр ва режиссёр сифатида таниймиз. Кўпинча ота-оналар фарзандларининг санъаткор бўлишига қаршилик қилганлари ҳақида эшитганмиз. Сизда аксинча бўлганми, ота-онангиз хоҳиши билан актёрликни танлаганмисиз?

— Ота-онам санъаткор бўлишимни исташмаган, ҳатто "Ўғлим артист" деб айтишга уяламиз, дейишган. Чунки отам — ишчи, онам — савдо ходими бўлиб, авлодимизда актёрлар мутлақо бўлмаган.

— Ажаб, сизни ота-онангиз ва ўзингизнинг орзуларингизга қарши боришга ундай олган ким экан?

— Устозим, мен устозим туфайли санъаткор бўлганман. Улуғбек номидаги 3-мактабда бизни Убайдулла ака Аликулов ўқитганлар. Убайдулла ака Тошкентдаги театр ва рассомлик санъати институтини битириб, бизга "Алифбе"ни ўргатган илк муаллим ва кейинроқ синф раҳбари бўлган устоз эдилар. Санъат институтини битирганларига қарамай, болаларни севганлари учун сиртдан педагогика институтида ҳам ўқиганлар.

Мактабда яхши ўқиганман, адабиёт, меҳнат, жисмоний тарбия, тарих фанларига қизиқардим. Мактабимизда яхши бир анъана бор эди, 10-синф битирувчиларига сўнгги қўнғироқ тадбирида спектакль саҳналаштириб қўйиб берардик. Устозимиз Аликул ака бошчилигида ёзувчи Парда Турсуннинг "Ўқитувчи" романини инсценировка қилаётган эдик. Бош роль ижрочиси — Равшан ўқийдиган синфга етакчи эдим. Негадир Равшан репетицияга келмади.

Аликул ака мени Равшанникига юбордилар. Айтиб келдим, аммо у келмади. Иккинчи марта чақириб келдим, келмади. Устозим учинчи марта юбораётганларида огоҳлантирдилар: "Ё Равшанни олиб келасан, ё шу ролни ўзинг ўйнайсан"⁸Фаришталар "омин" деган эканми, Элмурод ролини ўйнадим.

— Унгача саҳнага чиққанмидингиз?

— Йўқ, илк бор саҳнага чиқишим ва бош роль ижро этишим эди. У вақтларда устознинг обрўси баланд, айтгани айтган эди. Ўқитувчининг гапини икки қилиб бўладими, унинг гапи гап, айтганини бажариш шарт, шунинг учун эртасига саҳнага чиқавердим. Ижром ёққан бўлса керак, устозим менга турли роллар бера бошладилар. Устозим санъатга қизиққани боис, синфимизда санъатсеварлар кўп эди. Санъатга қизиқиш уйғотган, алифбени ўргатган ўша устозимни ҳамон ҳурмат билан эслайман.

— Юқорида меҳнат дарсига қизиқардим, дедингиз.

— Ўзингизга маълум, ўғил болалар ёшлигиданоқ техникага ўч бўлади. Болалигидаёқ ўйинчоқ машинани бузиб тузатаверади. Ўзича қўлини руль қилиб машина ҳайдайди. Биз меҳнат дарсини машиналар тузатадиган заводда ўтардик. Ҳафтада икки кун у ерда бўлиб, амалий машғулотлар ўтардик. Мактабни битирганимизда шаҳодатнома билан авто-чилангарлик гувоҳномасини ҳам олганмиз. Синфдошларимнинг айримлари ҳозир шу заводда чилангар бўлиб ишлашяпти.

— Санъат институтига киришингизда қийинчилик бўлмадими?

— Мактабга 6 ёшдан боргандим. Онам ишлайдиган дўкон ва мактаб ёнма-ён бўлиб, онам кўп ўқитувчиларни танирдилар, мактабга чиқаман деб хархаша қилаверганимдан сўнг "таниш-билиш" қилиб қабул қилишган. 16 ёшимда Тошкентга келдим, бўйим паст, жуссам кичкина. Қабул ҳайъатида ҳужжатларимни қабул қилаётган ходим менга қараб "Бу институтми, боғчами?" деб писанда қилган. Имтиҳон вақтида ҳам шу гап. Бахтимга ижодий имтиҳонда Наби Раҳимов ва Назира Алиевалар "Болада нимадир бор" деб кейинги имтиҳонларга киргизишган.

Актёрлик бўлимида ўқиб юрганимда ҳам бўйим пастлигини кўп гапиришган. II курсда режиссёрликка ўтмоқчи ҳам бўлганман. Курсдошларимдан кўпроқ ўқишга, ишлашга ҳаракат қилардим. Муаммоим — бўйимни қандай ўстириш эди. Менга қиличбозликни ўрганишни маслаҳат беришди. Қиличбозликни ўргансанг, бўйинг ўсади, дейишди. Шу қадар қиличбозлик билан кўп шуғулландимки, ҳам бўйим ўсди, ҳам спорт устаси бўлдим.

— Институтни битириб кинода роль ўйнадингизми?

— Йўқ, аввалроқ. IV курсда ўқирдим. Кинорежиссёр Латиф Файзиев "Наташахоним" фильмига таклиф этди. Бу фильмда етук ва элимизнинг ардоқли актёрлари Наби Раҳимов, Раззоқ Ҳамроев, Раҳим Пирмуҳаммедов, Ўлмас Алихўжаевлар қаторида бош роль — Собир образини яратдим. Бу устозлардан, айниқса, раҳматли Наби акадан "ҳаёт мактаби"ни ўргандим. Наби аканинг инсонлар билан муомаласи, соддалиги, одамийлиги, ҳаётнинг аччиқ-чучугига саботлилиги, актёрлик маҳорати — ҳамма-ҳаммасига ҳавас билан қарардим.

— Исамат ака, сиз "26-отилмасин", "Хиёнат", "Генерал Раҳимов", "Қизилқум", "Йилнинг 4 фасли", "Қалдирғочлар учиб келади", "Бешинчи жин", "Умид", "Меҳробдан чаён" каби фильмларда роль ижро этдингиз. Шулардан қай бири сиз учун қадрли?

— Деярли барчаси. Бу фильмларни суратга олиш жараёнида Эстония, Латвия, Литва, Хоразм, яна бир қанча жойларни кўриб қайтдим. Шу роллар таъсирида йиллаб яшадим. Айниқса, Анвар роли мен учун қадрли. Дор остидаги Анварнинг ушбу сўзлари ҳамон мени ларзага солади: "Мен тўғрилиқ самарасини ўраман, сиз ифлос виждон билан ғолибсиз, мен соф виждон билан мағлубман... Мени дор остиға ким келтирди? Виждон эмасми, тақсир?! Меним ҳолимни кўрингиз, домла, қўлим боғланған, устимда ханжар ялтирайди. Лекин мен куламан... Нима учун бундай, тақсир?

Чунки виждон роҳатда, жон тинч, юракда ишқ..."

— Асар персонажларидан бири Нозик Гулшанга Анварни шундай таърифлайди: "... сурма қўйғондек оҳу кўзи бор, қизил олмадек таранг юзи бор, энди чиқиб келган кўк майса мўйлоби. Розия хонимникидан ҳам нафисроқ қалам қоши... Устига кийган беқасам тўни ўзига шундай ярашганки..." Режиссёр шу кўринишга мос актёр излаганми ёки сиз...?

— Саволингизни тушундим, мўйлабим йўқ эди. Шу роль учун мўйлаб қўйгандим. Анвар роли менга озми-кўпми шуҳрат келтиргани учун ирим қилиб мўйлабимни олмадим. Ундан кейин кинода роль ўйнамадим, сабаби, ўзим истаган ролни ўйнаган эдим. Кинорежиссёр Йўлдош Аъзамов бу фильмга яхши режиссёрлик қилган.

— Актёрларнинг кўпи театр саҳнасидан шаклланиб чиқишади. Сиз ҳам театрда ишлаганмисиз?

— Институтни битирганимда мени "Актёрлар студияси"га таклиф этишди. 1968 йилда Ўзбекистон Халқ артисти Тўғон Режаметов, Ширин Азизова, Азиза Бегматова, Фарҳод Аминов, Ҳусан Йўлдошевлар билан келишиб Ҳамза театрининг эски биносида "Ёшлар театри" (ҳозирда Аброр Ҳидоятов номида)ни ташкил этганмиз. 4 йил шу театрда ишладим, "18 ёшлигим", "Дуэл", "Дийдор", "Дарбадар" спектаклларида роллар ижро этдим. 1971 йилда Ғиёс Шермуҳаммедов "Умид" бадиий фильмида бош роль ижросига таклиф этдилар. Сўнг юқорида айтганимдек, бошқа фильмларда ҳам суратга тушдим.

— Сиз "Темир хотин", "Темир эркак" фильмларига режиссёрлик қилдингиз. Ҳатто "Темир хотин" фильми Пхеньянда мусиқали кино соҳасида соврин олган. Бу фильмлар яратилишидан аввал саҳна варианти ҳам бор эди. Кино қилишингизга сабаб борми?

— "Темир хотин" — Шароф Бошбековнинг шоҳ асари. Трагикомедия жанрида ёзилган бу асар вилоят театрида саҳналаштирилган эди. Театрдан кўра кино оммабоп, кинонинг мухлислари кўп бўлади. Ш.Бошбеков ва М.Тўйчиев сценарийси асосидаги бу фильм жуда зарур эди. "Ҳатто темир ҳам ўзбек аёли қиладиган ишларга дош беролмайди". Бу — фожиаку, аёлларни асрашимиз, уларнинг қадрини ошириш учун бу фильм зарур деб ҳисоблаганмиз.

— Режиссёрлик қийин эмасми?

— Осон касб йўқ. 10 йил давомида Л.Файзиев, К.Ёрматов, Э.Эшмуҳаммедовларга шогирд тушиб, бу машаққатли касб сирларини ўргандим. "Ўғри ҳам одам", "Юзсиз", "Шариф ва Маъриф", "Тилла бола" фильмларига режиссёрлик қилганимда, улар тажрибасига таяндим. Тарихий мавзуда "Амир Темур", муҳаббат мавзусида таниқли ҳинд кинорежиссёри Умеш Меҳра билан "Севги афсонаси" фильмларини яратдик. Режиссёр шахматчиларга ўхшаб энг керакли йўлларни олдиндан кўра билиши керак. Ҳозирги кунда айрим ёшларимиз гиёҳвандликка берилиб кетмоқда. Уларни бу йўлдан қайтаришда санъатнинг роли бўлиши керак.

— Шу кунда нима иш билан бандсиз?

— Ҳинд кинорежиссёри Умеш Меҳра билан "О, муҳаббат" фильмини тайёрлаяпмиз. Ҳамкорликда кино яратишнинг афзалликлари кўп. Ҳинд қўшиқлари кинонинг оммабоплигини таъминлайди. Иқтисодий томондан ҳам фойдаси катта. Бир фильмга икки мамлакат маблағ ажратади. Эркин Воҳидовнинг "Олтин девор" комедиясини ёқтираман, шу комедия асосида фильм қилиш, Мирза Холмедовга атаб роль ёзиш ниятим бор.

— Оила аъзоларингиз билан таништирсангиз.

— Турмуш ўртоғим — Олтиной Эргашева Яккасарой туманидаги меҳнат таълими мактабида илмий бўлим мудири, фарзандларим Наргиза, Жайҳун, Нодира шифокор, шарқшунос, кичик ўғлим Дилшод шарқшунослик лицейида таълим олмоқда. Икки неварам бор. Фарзандларим санъаткор бўлмаса-да, ўз касби билан одамларга фойдаси тегаётганидан хурсандман.

— Барча соҳанинг ўз муаммолари бор. Кинода-чи?

— Албатта,бор. Кино яратиш учун маблағ ажратиляпти, аммо уни халққа етказиш учун ҳеч бўлмаганда 14 вилоят ва шаҳарга юбориш учун 14 та нусха тайёрлаш керак. Кинога сарфланган харажатни қоплаш лозим. Киноларимизни кўпайтириш муаммо бўлиб қоляпти. Вилоятлардаги кинотеатрлар таъмирга муҳтож. Эҳтиёт қисмлар, техника ҳам четдан келади. Япон аппаратларига ҳавасингиз келади, компьютерлар видеодаги лавҳаларни плёнкага тезда кўчириб беради. "Проба"лар ҳам бизга қимматга тушяпти. Кинорежиссёрлар томонидан яратилаётган яхши фильмлар тезда кўпайтирилиб, вилоятларга тарқатилса фойдали бўларди. Мана, Собир Назармуҳаммедов, Зулфиқор Мусоқов, Юсуф Розиқов фильмлари халқимиз томонидан севиб томоша қилиняпти. Шундай фильмлар кўпайса ва бир неча ўн нусхада вилоятларга тарқатилса дейман.

Ёшларимизни ур-йиқит, тўс-тўполон, жангари фильмлардан асрайлик, улар юрагида меҳр, инсонийлик, раҳмдиллик туйғуларини шакллантирайлик. Ахир, "Маҳаллада дув-дув гап", "Мафтунингман", "Сен етим эмассан", "Ўткан кунлар" каби фильмларимиз қайси чет эл фильмларидан кам? Кино миллионлаб томошабинларга таъсир ўтказувчи оммабоп санъат, ундан ўз ўрнида фойдаланиш лозим.

— Суҳбатимиз сўнгида "Маърифат" муштарийларига тилакларингиз.

— Инсон киим бўлмасин, устоз кўрган бўлиши керак. Бизга илк ҳарф ўргатган, ҳаёт йўлимизни ёритган машъалларимиз — устозларни қадрлаш муқаддас бурч.

Марҳум шоир Шавкат Раҳмон шеърларини кўп ўқийман, устозларга тилагимни шоир шеъри билан айтмоқчиман:

Жавшанларни ечмаёқ,
ечмай қурол-яроғин,
ухлаб ётар ботирлар
водийларда қорайиб.
Очсанггина китобни
ногоҳ бари уйғонар,
уйғонар булут ёлли,
яшиндайин тулпорлар.
Бир ғурурми ё ҳайрат
ботирларни уйғотиб,
Уйғонасан, ўзгача
тўқсон икки томирда
Аммо кетар чоғингда
Болаларнинг олдида
пайдо бўлар кўзингда,
уйғонасан ўзинг ҳам.
Ёлқинланар тонгларинг,
потирлайди қонларинг,
унутмагил инсофни—
ОЧИҚ ҚОЛДИР КИТОБНИ.

Маҳмуда ВАЛИЕВА суҳбатлашди.

Mehmonxona



Исамат ЭРГАШЕВ:

УСТОЗИМ ТУФАЙЛИ САНЪАТКОР БЎЛГАНМАН

Тест саволларидаги баъзи бир масалаларни физикани яхши билган ҳар қандай киши ҳам 1,5 минутда ечa олмайди. Бизнингча, тест саволлари мантиқий характерга эга бўлиши керак.

"XXI АСРДА ФИЗИК ТАЪЛИМ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?"

"Маърифат" газетасининг 2001 йил 27 октябрь сонида Педагогика фанлари халқаро академиясининг мухбир аъзоси, профессор Облоқул Қувондиқовнинг "XXI асрда физик таълим қандай бўлиши керак?" номли мақоласида давлатимизда физика фани соҳасида эришилган ютуқлар ва XXI асрда физиканинг истиқболли йўналишлари тўғрисида фикрлар билдирилган эди. Мақолада айтиб ўтилган ютуқлар қувончли воқеа. Юртимиз олимлари физика соҳасида илмий ишлар даражаси бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлсада лекин ўқувчиларнинг бу фанга нисбатан қизиқишининг сусайиб кетиши ачинарлидир. Табиийки, физика фанини ўзлаштиришнинг пасайиши бошқа фанларнинг (кимё, биология, геология, тиббиёт ва ҳоказо) ўқитилишига таъсир кўрсатади. Физика фанининг ривожланиши туфайли унинг қонунларини бошқа фанларга, масалан, биология, экология, социология, педагогика, жамиятшунослик каби фанларга қўлланилиши физикада умумий ҳисобланиб келинган қонунлар ва тушунчаларни умумлаштиришга тўғри келмоқда. Бошқача айтганда, чизиқли жараёнлар учун ўринли бўлган физик тушунчаларни ночизиқли жараёнлар учун умумлаштириш зарур. Масалан, синергетика фанидаги аттрактор, бифуркация, флуктация, номувозанатсизлик, хаотик каби тушунчалар орқали физика, кимё, биология, социология, иқтисод, тарих, санъатда рўй бераётган жараёнларни тушунтириш мумкин эканлиги аниқланди. Ана шу жараёнлар физикани ўқитиш жараёнига ҳам киритилиши, шунингдек, XXI асрда ёзиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларда юқорида айтилган фикрлар ўз аксини топиши керак, деб ўйлайман. Афсуски, ҳозирги кунгача бу масала юзасидан юртимиз олимлари, ўқитувчилари сезиларли ишларни қилмаяптилар.

XXI асрда физиканинг табиий ва гуманитар фанлар билан интеграцияси янада чуқурлашади. Ана шу интеграция жараёнини ҳисобга олиб, замонавий билимларни эгаллаган мутахассисларни тайёрлаш муаммоси ҳам юзага келади. Бу масалани ечиш учун муаллиф томонидан республикамизда физика-техника йўналишидаги университет очиш таклиф қилинади. Бундай университет зарурлигини эса ҳаёт тақозо қилмоқда. Масалан, биотехнология, медицина техникаси, янги материалшуносик, мудофаа саноатининг энг янги технологиялари, иқтисодиёт йўналишларида кенг билимга эга бўлган мутахассислар зарур. Ишлаб чиқариш, фан ва техниканинг интеграцияси натижасида тор доирада фикрлайдиган мутахассисларга талаб камаяди. Муаллиф томонидан мақолада кўрсатилган Москва физика-техника университети каби мутахассислар тайёрловчи олий ўқув юрти бизнинг давлатимиз учун ҳам жуда зарур. Бундай олий ўқув юртларини ташкил этиш учун давлатимизда моддий-техник база ва илмли кадрлар етарли. Ҳозирги кунда мазкур фан бўйича мавжуд таълим стандартлари ҳам қайта кўриб чиқилиши лозим. Бизнингча, ҳозирги таълим стандартларида назарий дарсларга соатлар кўпроқ ажратилган ҳолда амалий дарслар учун соатлар кам. Масалан, ҳаёт учун жуда зарур бўлган радиоэлектроникага амалий машғулот учун 60 соат, электротехника эса умуман назарга олинмаган. Электромагнитизм курсларида уй электр жиҳозлари бўйича умуман дарс соатлари ажратилмаган. Университетни битирган физик уйга электр симлари ўтказиш, радиоқурилма ва телевизорлар билан ишлаш кўникмасига эга эмас. Англияда ўрта мактабларда бундай тушунчалар кенг ўргатилади. Ана шу йўналишда мутахассислар тайёрлаш физикага бўлган қизиқишни янада оширади ва унга оммавий қизиқиш ортади.

Дарҳақиқат, ҳозирги вақтда олий ўқув юртларига қабул тест асосида амалга оширилмоқда. Буни биз ижобий деб ҳисоблаймиз, чунки бу усул абитуриентлар билимини холис баҳолайди. Лекин тест саволларидаги баъзи бир масалаларни физикани яхши бйлган ҳар қандай киши ҳам 1,5 минутда еча олмайди. Бизнингча, тест саволлари мантиқий характерга эга бўлиши керак.

Маълумки, физика тажрибалар фанидир. Машҳур инглиз физиги К.Максвелл Лондон коллежи талабаларига сўзлаган нутқида: "Физикани амалиётсиз (намойишсиз) ўқитишдан кўра уни ўқитмаган маъқулдир", деб айтган эди. Қабул жараёнида физика мутахассислигига даъвогар абитуриентлардан энг содда радиоқурилмаларнинг ишлашини тажрибада намойиш қилиш талаб этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Тажрибалардан маълумки, олий ўқув юртларига кирган талабаларнинг аксарияти умуман физик асбобларни кўрмаган ва ишлай олмайди. Шунингдек, мақола муаллифи томонидан XXI асрда узлуксиз таълим тизимида физикани ўқитиш концепциясини ишлаб чиқиш керак, деган таклиф жуда тўғри айтилган.

Маълумки, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг иккинчи босқичи вазифаларини амалга оширишга киришилди. Афсуски, бугунги кунгача, бошланғич умумий ўрта таълим, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида физиканинг мазмуни, унинг узвийлигини ўзида акс эттирган ягона концепция ишлаб чиқилгани йўқ.

Тўйчибой ТОШБОЕВ,
физика-математика фанлари номзоди,
СамДУ қошидаги ҳарбий лицей ўқитувчиси,
Гулбуви ЭШНАЗАРОВА,
Самарқанд шаҳридаги 54-мактабнинг физика фани ўқитувчиси

Aks sado

"Маърифат" газетасининг 2001 йил 27 октябрь сонида шу ном билан босилган мақолада қўйилган муаммолар муаллиф (О.Қувондиқов) томонидан ўз вақтида кўтарилган, шунингдек, газетанинг 2002 йил 9 январь сонида мазкур мақола юзасидан билдирилган мулоҳазалар (О.Асқаров, О.Эгамбердиев, Ў.Ўсаров) ҳам жуда ўринли. Ёшларнинг физика фанига бўлган қизиқиши, хусусан, физикани ўқитиш кейинги йилларда жуда сусайиб кетди. Бу эса барчамизга маълум бўлган ҳақиқат. Бундай ҳолатнинг сабабларини билмай туриб, ижобий натижаларни кутиш мантиқан нотўғри деб ҳисоблаймиз. Кўтарилган муаммоларнинг айрим жиҳатларига батафсилроқ тўхталадиган бўлсак, бугунги кунда ўқитишнинг илғор технологиялари (рейтинг тизими, дастурли ўқитиш, интернет, масофадан ўқитиш ва бошқалар) республикамизнинг умумтаълим мактаблари тизимига кириб келмоқда. Бироқ ҳозирги дарслик-қўлланмаларнинг дидактик савияси анча эскирган ва дарсликларни яратишда уларнинг услубий жиҳатлари эътиборга олинмаганлиги ўқувчи, талабаларнинг физикани ўзлаштиришга бўлган қизиқишини сўндирмоқда. Физика экспериментал фан бўлгани учун, амалиётга — практикумларга кўпроқ эътибор берилиши мақсадга мувофиқдир. Ҳатто таълим стандартлари дастуридаги ялпи лаборатория ишларининг бажарилиш тартиби дарсликда ёки алоҳида қўлланмаларда услубий қайта ишланмаган. Бу ҳам ўқитувчи ва ўқувчилар учун кўплаб муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Маълумки, умумтаълим мактабларининг битирувчилари касб-ҳунар коллежлари ёки академик лицейларга ўқишни давом эттириш учун борадилар. Бироқ ўқувчиларнинг кейинги босқичдаги ўқишларини, касб-ҳунарни онгли танлаб олишлари учун дарслик мавзуларининг мазмуни ва ўқитиш услублари нуқтаи назаридан физиканинг амалий масалалари ҳам талаб даражасида эмас. Ёки ўқувчи ва ўқитувчи учун қўшимча қўлланмалар яратилмаган. Физика фанининг дастлабки элементлари қуйи синфдан "Табиатшунослик", "География", "Математика" фанлари таркибида ўқитилади. Ўқувчининг физика фанига қизиқиши 10-12 ёшдан бошланади. Афсуски, бундай ёшдаги болаларбоп оддий, содда, ўзбек тилида физик ҳодисаларни ҳаётга боғлаб ёзилган китоблар ёки журналлар етарли эмас. Бизнингча, мутахассислар, тегишли вазирликлар, илмий-ўқув, услубий ва ташкилий идоралар, ўқув юртлари бу борада самарали иш олиб боришлари лозим.

Шунингдек, республикамизда ҳар йили иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш мақсадида фан олимпиадалари ўтказилади. Бизнингча, олимпиада низоми ҳам ислоҳ қилишга муҳтож. Уни ўтказиш давомида (айниқса, вилоят, республика босқичида) ўқувчиларнинг синов натижаларидан норозиликларига, ишончсизликларига, ҳар хил мулоҳазаларга олиб келмоқда. Умумтаълим мактаблари, лицей, коллежларда, айниқса, шаҳар мактабларида физика ўқитувчилари ниҳоятда кам. Мавжуд ишлаётган ўқитувчиларнинг аксарияти нафақага чиқиб кетганлиги, 1991 йилдан бошлаб физика мутахассислиги бўйича олий ўқув юртларида қабул режаларининг кескин камайганлиги, мутахассис бўлмаган ўқитувчиларнинг дарс беришлари физикага қизиқиш ва физика фанини ўқитиш сифатининг пасайиб кетишининг яна бир омили бўлмоқда. Яна шуни айтиш жоизки, "Физика ва умумтехника фанлари", "Физика ва техника тўгараги раҳбари", "Физика ва мактаб лаборанти" каби факультетлар ташкил қилиниб, уларга талабалар қабул қилинса, бу ихтисосликларни эгаллаган мутахассислар умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежларида физика ва меҳнат таълими, умумтехника фанларидан, синфдан ташқари техник тўгарак машғулотларини замон талаби даражасида олиб борар эдилар.

Физика фанига қизиқтиришнинг муҳим йўлларидан яна бири, қуйи синфдан бошлаб олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларигача унинг оммавийлигини таъминлашдир. Мураккаблаштириш, ўта математикалаштириш ўқувчига бир қанча қийинчиликлар туғдиради. Ёшларнинг физика фанига бўлган қизиқишини орттириш ва ўқув юртларида ўқитишни яхшилашга қаратилган республика Физиклар жамияти ва унинг вилоятлар, шаҳар, туманлардаги бўлимлари ташкил этилиб, фаолияти яхши бошланган эди, бироқ кейинги вақтда уларнинг фаолияти айрим шаҳар ва туманларда жуда суст. Жойлардаги мутасадди раҳбарлар, ташкилотлар уюшмани қўллаб-қувватласа, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Негаки, келажаги буюк давлатнинг илмий-техникавий салоҳияти ҳозирги ёшлар зиммасига юкланади.

Э.ДАДАХЎЖАЕВ,
А.ОРТИҚОВ,
Андижон Давлат университети умумий физика кафедрасининг доцентлари

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ СЕМИНАРИ АРАФАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика Таълим маркази, ЮНЕСКО ва ЮНИСЕФ халқаро ташкилотлари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ҳамкорликда жорий йилнинг 29-30 май кунлари Тошкент шаҳрида "Узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш истиқболлари" мавзусида Республика ўқув семинарини ўтказиш режалаштирилган. Семинарда Тошкент шаҳрининг барча туман халқ таълими бўлимлари узлуксиз методик хизматнинг барча йўналишларини ёритиб бериши кутилмоқда. Жумладан, С.Раҳимов туман ХТБ "Методика кабинети кутубхонасини юритиш ва мактаб кутубхоналарига методик ёрдам кўрсатиш" масаласини ишлаб чиқди.

"Туман (шаҳар) Халқ таълими бўлими қошидаги методика кабинети тўғрисида Низом"нинг 4.3.-бандида методика кабинети ҳузурида кутубхона фаолият кўрсатилиши ҳамда уни амалдаги қонунчилик асосида махсус маълумотли кутубхоначи бошқариши кўрсатилган. Ана шундай кутубхона Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлими бошлиғи методика кабинети ҳузурида ташкил этилган.

Кутубхона учун 2 хона: қироатхона ва омборхона ажратилиб, туман халқ таълими томонидан китоблар сотиб олинган, стендлар тайёрланган ҳамда китоб-иллюстратив кўргазмалар ташкил этилган. Кутубхонанинг жамғарма фонди 1500 тани ташкил этади. Унда дарсликлар, ўқув қўлланмалар, методик адабиётлар, бадиий адабиётлар, кўргазмали қуроллар, вақтли матбуот материаллари ва бошқа адабиётлар мавжуд.

Taraddud

— Кутубхона методик кабинетининг тузилма бўлинмаси ҳисобланиб, у методика кабинетларнинг педагогик кадрлар малакасини оширишда ҳамкорлик қилишга, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг ўз устида ишлашларига ёрдам беришга хизмат қилмоқда. — дейди биз билан суҳбатда С.Раҳимов тумани халқ таълими бўлими мудири А.Раҳматуллаев — Кутубхона доимий равишда тумандаги таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар, мураббийлар, тарбиячилар ва бошқа педагогик ходимларга илмий ва методик жиҳатдан амалий ёрдам бермоқда. Методика кабинети ҳузуридаги кутубхона халқ таълими тизими ходимларининг ахборотга бўлган эҳтиёжларига биноан уларга ахборот-библиографик хизматни ташкил этиб, педагогика фанлари, халқ таълими, илғор педагогик тажрибалар, янги педагогик технологиялар асосида таълим ходимларининг касбий ва умумий-маданий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилмоқда.

Кутубхона ўқитувчиларга кутубхона-библиографик хизмат кўрсатиш, педагогик адабиётларни ўрганишда самарадорликка эришиш масалалари бўйича туман мактаблари кутубхоналари ходимларининг малакасини оширишда методик ёрдам кўрсатмоқда. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, бунда Республика Таълим маркази ва Республика илмий педагогик кутубхонасининг методик ёрдами самарали бўлаётир. Хуллас, Республика миқёсида ўтказиладиган ўқув семинарига тайёргарлик ишлари давом этмоқда.

Сайёра ОТАХОНОВА,
РТМ "Ташкилий ишлар ва нашриёт бўлими" бошлиғи муовини

МАХСУС СИРТҚИ БЎЛИМ

Ҳозирги вақтда умумтаълим мактабларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ишлаётган ўқитувчилардан 120 минг нафари ўрта махсус маълумот эгаларидир. Албатта, уларнинг билим даражаларини ошириш олий таълим муассасаларида таҳсил олишларини тақозо этади.

Ана шу мақсадда Вазирлар Маҳкамасининг "2001—2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг махсус сиртқи бўлимларига қабул квоталари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинган эди. Қарорда кўрсатилишича, республикамиздаги 8 та олий таълим муассасаси — ТДПУ, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси, Наманган муҳандислик-педагогика институтлари, Урганч, Қорақалпоғистон, Андижон, Самарқанд ва Фарғона Давлат университетларида махсус сиртқи бўлимлар ташкил этилиши кўзда тутилган эди ва бу ишни амалга оширишга киришилди.

Махсус сиртқи бўлимларда таълим бериш жараёни қандай ташкил этилмоқда? Улар олдида қандай вазифалар турибди, деган саволга жавоб топиш лозим бўлади. Қуйида номлари зикр этилган олий таълим муассасаларининг махсус сиртқи бўлимлари бошлиқлари иштирокидаги давра суҳбатидан ана шу саволга жавоб изладик.

Самихон АШИРБОЕВ — филология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги ТДПУ қошидаги "Олий таълим муассасаларининг махсус сиртқи бўлимларида бакалаврлар даражасида ўқитишнинг илмий-амалий фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш" раиси:

— Шуни айтиш лозимки, собиқ Иттифоқ даврида ҳам ўрта махсус маълумотли шахслар учун муддати қисқартирилган таълим жорий этилган эди. Жумладан, "Бошланғич таълим методикаси", "Меҳнат таълими", "Мактабгача тарбия" ихтисосликлари бўйича кундузги шаклда 3 йил, сиртқи шаклда 4 йил ўқишга мўлжалланган ўқув режалари ишлаб чиқилган ва таълим ташкил этилган эди, лекин кўп ўтмай бундай таълим шакли барҳам топди. Унинг асосий сабаби, таълимни амалга оширувчи меъёрий ҳужжатлар, ўқув адабиётлари ҳамда услуб ва технологияларнинг йўқлиги эди. Республикамизда таълимнинг барча турлари бўйича ўқув-меъёрий базанинг яратилиши ва таълим жараёнига татбиқ этилиши махсус сиртқи бўлимни ҳам янгидан ташкил қилинишини тақозо этар эди. Бакалавриат учун тайёрланган ўқув-меъёрий ҳужжатларнинг махсус сиртқи бўлимга мослаштирилган вариантлари ишлаб чиқилди. Энг муҳими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги махсус сиртқи бўлим тўғрисида Низом қабул қилди. Бўлим талабаларига ўқув режасидаги барча фанлар бўйича ўқув-меъёрий ҳужжатлар, ўқув адабиётлари, уларнинг электрон версиялари, тарқатма материаллардан иборат мажмуа яратилиб, уларнинг кўпроқ билим олишига шароит туғдирилди. Хуллас, махсус сиртқи бўлим таълим мазмуни ишлаб турган ўқитувчиларнинг педагогик фаолияти билан ҳамоҳанг ташкил этилмоқда.

Бу бўлимда аудитория машғулотларини жаҳонда синалган ва эътироф этилган **ҳамкорлик педагогикаси, интерактив технология**лардан фойдаланиб ўтиш тавсия этилмоқда. Бу борада муайян муаммолар мавжуд, яъни олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг аксарияти бундай технологияларда дарс беришга тайёр эмас. Буни ҳисобга олган ҳолда университетимиз қошида фаолият кўрсатаётган "Инновацион технологиялар маркази"да олий таълим муассасаларида махсус сиртқи бўлимга жалб қилинган профессор-ўқитувчиларнинг замонавий метод ва технологияларда машғулот олиб бориши, айни пайтда бунга тайёрланаётган бошқа ўқитувчиларни ўқитиш учун тренерлар тайёрлаш режасини ишлаб чиқяпмиз. Олий таълим муассасаларида махсус сиртқи бўлим талабалари учун дарслик яратиш муаммоси тўла ҳал қилиниши керак. Бу камтикни тўлдириш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ташаббуси бизга қўл келмоқда. Яъни кундузги бўлим талабаларига чиқарилган маъруза матнлари асосида махсус сиртқи бўлимга шундай адабиётлар тайёрланиб уларга тарқатилмоқдаки, бу аксарият талабаларимизга маъқул келиб, мушкуллари осон бўляпти. Бу тадбир дарслик яратилгунча ўта зарур бўлган чора эди. Ўйлаймизки, ҳозирча 8 та олий ўқув юртида махсус сиртқи бўлимлар фаолият кўрсатаётган бўлса, унинг географияси тобора кенгаяди ва республикамизда олий маълумотга муҳтож бўлган 120 мингга яқин педагоглар учун имкониятлар эшиги кенгроқ очилади.

Рашидхон ЙЎЛДОШЕВ — Низомий номидаги ТДПУ махсус сиртқи бўлим мудири:

— Бўлимда ўқиш истагини билдирган абитуриентлардан 405 нафари ўқишга қабул қилинди. Қабулда уларнинг кўп йиллик меҳнат стажлари бўлишига эътибор қаратилди. Бешта — жисмоний тарбия, мусиқа, касбий таълим, бадиий графика ва мутахассислик графикаси, бошланғич таълим ва тарбиявий иш йўналишлари бўйича қабул қилинган талабаларга ўқув режа ва дастурлари тасдиқланди. Махсус сиртқи бўлим қошидаги ўқув-методик комиссияси университетимиз ректори томонидан тасдиқланган режа асосида доимий равишда йиғилиб турибди. Таълимни ташкил этишда дарслик ва ўқув қўлланмаларининг яратилиши жуда муҳим. Университетимиз махсус сиртқи бўлим талабаларининг қўлларига ўқитиладиган фанлар бўйича дастурлар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар етказиб берилди. Бу талабаларнинг мустақил ишлашларида муҳим роль ўйнайди. 1-босқич талабалари учун 100 фоиз, 2-босқич учун 60 фоиз дастурлар тайёр ҳолга келтирилди. Сессия оралиқ топшириқларининг бажарилиши назоратда бўлиб, улар кўп вариантли шаклда тайёрланмоқда. Бундан ташқари, махсус сиртқи бўлимда машғулотларни олиб борувчи профессор-ўқитувчилар таркибини ўрганиб чиқиш вазифаси белгиланган.

Н.АБДУЛЛАЕВ — Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти махсус сиртқи бўлим мудири:

— Камида 3 йиллик педагогик стажга эга бўлган ўқитувчи-мураббийларнинг бакалавр даражасини эгаллашлари таълимдаги ислоҳотларни жадаллаштиради.

Институтимиздаги махсус сиртқи бўлимга давлат гранти асосида қабул қилинган 83 нафар талаба турли вилоятлардан ва улар касбий таълимнинг 14 та йўналиши бўйича олий маълумот ола бошлашди. Ўқув машғулотларини олиб бориш учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатлар тайёрланиб, профессор-ўқитувчиларга тақдим этилди.

Ҳар бир йўналишнинг ўқув режасига кирган фанлардан талабаларга тарқатма материаллар (маъруза матни, сессия оралиғи назорат топшириғи, курс лойиҳаси(иши)ни бажариш учун услубий қўлланма, тажриба машғулотлари тўплами) ҳам тайёрланган бўлиб, булар талабаларга етказилган.

Келгусида талабаларни масофадан туриб ўқитиш вазифалари белгиланяпти. Бунга эса институтдаги автоматлаштирилган бошқариш тизими замин яратади.

З.Гозиев — ФарДУ махсус сиртқи бўлим мудири:

— Махсус сиртқи бўлим талабаларининг умумий хусусияти битта: уларда тажриба етарли. Фақат бакалаврликка қабул қилинган бундай кадрларни педагогика соҳасидаги янги замонавий таълим технологиялари билан таништириш керак. Уларни ўқитиш жараёнини одатдаги сиртқи ва кундузги бўлимлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш фойдадан холи бўлмайди.

Талаба ва ўқитувчи орасидаги муносабатни шакллантиришда **давра суҳбати, ўзаро мулоқот, кўргазмалилик, экспериментал тажрибалар, тарқатма тест ва саволлар, оғзаки суҳбат** жуда катта ёрдам беришига амалиётда ишонч ҳосил қилаяпмиз. Университетимизга қабул қилинган 103 талабага маълум йўналишлар асосида билим беришнинг дастлабки босқичларини бошдан кечиряпмиз. Менимча, тайёрланаётган бакалаврлар ўз меҳнат жамоаларида катта ўзгаришлар ясашига умид билдирамиз.

Б.СУЛТОНОВ — Урганч Давлат университети махсус сиртқи бўлим мудири:

— Вилоятимизда махсус сиртқи бўлим бакалавр даражасига эҳтиёжнинг катта эканлиги тушган аризалар сонидан ҳам билинди; 130 ўринга 586 та ариза, яъни бир ўринга 4,5 та ҳужжат.

Талабалар учун сессия икки муддатда, 2001 йил октябрь ва шу йил январь ойларида ташкиллаштирилди. Уларга ишчи ўқув режалари нусхаси, ўқув жараёни графиги, низом, дастур, маъруза матни ва бошқа зарур ўқув-методик ҳужжатлар пакет ҳамда дискеталар тарзида бериб юборилди. Сессия оралиқ топшириқларини бажаришда ҳар ойнинг шанба кунлари "Талабалар куни" деб белгилангани яхши натижа берди.

Мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, университет. Вилоят миқёсида узлуксиз таълим шахобчалари локал тармоғини ташкил қилиш хусусида ўйлаяпмиз.

Таклифларим, қайси олий ўқув юртида қандай таълим йўналишлари очилгани ва қабул квоталари тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиниши керак. Улар учун бирмунча енгиллаштирилган тест топшириқлари ишлаб чиқилиши зарур.

И.ҲАФИЗОВ — Андижон Давлат университети сиртқи бўлим мудири:

— Ўқув, илмий-услубий муаммоларни ҳал этиш, талабалар билимини замонавий усулларда баҳолаш ва такомиллаштириш ушбу бўлимдаги жараёнлар ҳалқасидир.

Талабалар ҳар бир ўқув сессияси оралиғида кафедра ўқитувчилари томонидан ўтилган фанлар бўйича оралиқ назорат ишларини бажариб топширадилар ва якуний баҳолашга рухсат олишади. Бунда оралиқ баҳолаш фанга ажратилган балнинг 70 фоизини, якуний баҳолаш 30 фоизини ташкил этади.

Вилоятимизда ҳам таълимнинг бу шаклида билим олиш истагида юрган ўқитувчилар кўп. Шуни ҳисобга олиб, таълим йўналишларини кўпайтириш лозим.

М.ЙЎЛДОШЕВ — СамДУ махсус сиртқи бўлим мудири:

— Билим олишнинг эртакечи йўқ. Олий маълумот эгаси бўлишни эса ҳар бир киши, хусусан, ёши ўтганлар ҳам исташади. Университетимизда очилган махсус сиртқи бўлимда ҳозирча тўртта йўналиш қамраб олинган: бошланғич таълим, жисмоний маданият, мусиқа ва информатика.

Махсус сиртқи бўлимга қабул қилинган 141 нафар талаба кундузги бўлим талабалари сингари ўқув жиҳозлари, аудиториялар, лаборатория, кутубхоналардан фойдаланишмоқда. Талабалар битирув малакавий ишларини якунлаш даврида ўқув муассасаси унга иш кунлари учун маоши сақланмаган қўшимча таътил бериши зарур. Бу муддат давомида талабага университет томонидан

Qaror va ijro

умумий тартибда стипендия белгиланади. Бир йўналишдан иккинчисига ўтишга рухсат берилмайди.

Ш. Абдиназимов — Қорақалпоқ Давлат университети махсус сиртқи бўлим мудири:

— Университетимизда талабалар қабулидан сўнг ўқув режасидан ўрин олган фанлар бўйича баҳолаш тизими ишлаб чиқилди. Педагогика соҳасида маълум тажрибага эга бўлган ўрта махсус маълумотли кадрларнинг махсус сиртқи бўлимда билим олишга муносабатларини ўрганиш мақсадида сўровнома ўтказилди. Бундай сўровномалар келгусида ишнинг янгича шакллантирилишига туртки беради.

Талабаларни ўқув адабиётлари билан таъминлашда муаммолар бор. Кўпчилик фанлардан кундузги бўлим учун тайёрланган маъруза матнларидан фойдаланиляпти. Навбатдаги ўқув йилига ҳам қабул яқинлашиб қолди. Шу боис Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимларига хат юборилди. Ҳозирда бу масала ойдинлашмоқда. 1000 дан ортиқ ўрта махсус маълумот эгалари сиртдан ўқиш истагини билдиришмоқда.

Абдусаттор ХОЛМИРЗАЕВ — Наманган муҳандислик- педагогика институти сиртқи бўлим бошлиғи:

— Махсус сиртқи бўлим талабалари учун ҳам рейтинг тизими жорий этилган бўлиб, ушбу тизим оралиқ ва якуний назоратлардан иборат. Сессия оралиғи топшириқларининг натижаси бўйича оралиқ назорат учун балл қўйилиб, у умумий баллнинг 70 фоизини, якуний назорат эса 30 фоизини ташкил қилади.

Талабалар учун сессия оралиғи топшириқлари, ўтилган фанлар бўйича мавзулар, бўлимлар ёки тўла курсни ишлаб чиқувчи амалий ишларни ўз ичига олган бўлиб, уларни бажарган талаба тегишли факультет деканатига келиб уни рўйхатдан ўтказади. Декан муовини ёки деканат методисти уни тегишли фан ўқитувчисига юборади ва талаба унинг натижасини кейинроқ билиб олади. Сессия оралиғи топшириғи ижобий баҳоланган талаба якуний назоратга қўйилади. Махсус сиртқи бўлим талабалари учун давлат таълим стандарти, маърузалар матни, саволномалар тўплами ва сессия оралиғи топшириқларидан иборат тарқатма материаллар мажмуаси тайёрланиб, талабаларга дискеталарда тарқатилди.

* * *

Давра суҳбати иштирокчилари махсус сиртқи бўлимнинг ташкил этилиши, ўқув режа ва дастурларининг яратилиши, талаба ва ўқитувчи орасидаги муносабат хусусида фикр алмашишди, бу яхши. Сиртқи бўлим, ўз номидан ҳам англашиладики, талабанинг ташқарида, яъни олий таълим муассасасидан йироқда таълим олишини билдиради. Демак, илк бор махсус сиртқи бўлимга қабул қилинган талабалардан ҳам худди шу ҳолат талаб қилинади. Умид қилиш керакки, педагогика соҳасида олий маълумот олишга чоғланган талабаларнинг билим даражаси, савияси кундузги бўлимда таҳсил олган йигит-қизларникидан кам бўлмайди.

Давра суҳбатини Ҳулкар ТЎЙМАНОВА ёзиб олди.

МАКТАБИМНИ СОҒИНАМАН

Эсимда, Яккабоғ туманидаги Ойбек номидаги 75-ўрта мактабга илк бор қадам қўяётган кунимда онам мени ўз олдиларига чақириб: "Қизалоғим, бугун сен мактаб остонасига илк бор қадам қўясан. Энди сен ўқувчисан. Бугундан бошлаб китоб сенинг доимий дўстинг бўлсин",— дегандилар. Бу гапларни онгушууримга мустаҳкам жо айлаб, ўз олдимга катта мақсадлар қўйиб мактаб томон йўл олар эканман, кўзларида қувонч билан шахдам қадамлар ташлаб, кўчани тўлдириб кетаётган ўқувчиларга ҳавас ва аллақандай бир ички туйғу билан қараб турган "катта"ларга кўзим тушганди. Ўшанда бу ҳолатга қараб ажаблангандим. Орадан йиллар ўтиб, мактабдан мустақил ҳаёт сари учирма бўлиб кейин билсам, уларнинг қалбини эгаллаган туйғу—мактаб соғинчи экан. Мазкур даргоҳ бағрида синфдошлар билан чопқиллашиб, чақчақлашиб, гоҳида хафалашиб, ниманидир талашиб ўтказган кунлар қандай ажойиб эдия? Ўша кунларда йўлимизни ёритган устозларимиз билан маърифат қасри томон дадил қадам қўйиб, у ерда ҳарфлар, сонлар оламига ошно бўлдик, илм олдик, келгусидаги билимларга пойдевор ҳозирлаб, келажагимизнинг режасини туздик, касб танладик. Йилдан-йилга олган билимларим мустаҳкамланган сари тезроқ мактабни тамомлаб талаба бўлиш, мустақил ҳаётга қадам қўйиш орзуси қалбимда гавдаланаверди. Орзуимга ҳам эришдим. Олтин давр деб аталмиш талабаликнинг, ёшликнинг шўх-шодон кунларини бошдан кечиряпман. Ўқувчилик давримда устозларим одатлантирган китоб мутолаасини канда қилмаяпман. "Ўтган кунлар", "Ўтмишдан эртаклар" каби дурдона асарларни қайта ўқиб чиқдим. Аммо ўқувчилигимнинг мусаффо, покиза, беғубор ва такрорланмас онларига не етсин! Қанийди, ўша кунларга бир зумга қайтсам, синфдошларим, устозларим билан бирга бўлсам! Хуллас, китобхонликка, дарслик билан ишлашга ўргатган устозларимни, мактабимни соғиниб яшаяпман.

Дилдора МЕЙЛИЕВА,
талаба

Ойшахоннинг одати тонг саҳар уйғонибоқ мактабни ўйлайди. Шўх-шодон болалар кўз ўнгига келади. Ва бирдан юрагида ҳаяжон, вужудида туганмас куч-ғайрат кўпиради. Турмуш ўртоғи билан нонушта қилгач, икковлари ҳам ишга отланишади.

— Тартиб-интизом, аввало, озодаликдан бошлангани яхши, поклик кўнгил кўзгуси, поклик барака, муваффақият дебочаси, — дейди у. Ўқувчилари онгида ҳам худди шундай ноёб тушунчани уйғота олган Ойшахон опа шу мактаб сеники, болам, уни кўз қорачиғингдек асра, сенинг келажагинг шу мактабдан бошланади. Мактаб остонасига қутлуғ қалом билан қадам қўй, дея ўргатади ўқувчиларига. Агар бирор ўқувчиси дарс тайёрламай келса, уни ўртоқлари олдида изза қилмай, дарсдан сўнг у билан ёлғиз қолиб, суҳбатлашади. Кўнглига йўл топади. Ўқувчининг фазилатларида ўзгариш ясай олади. Муаллимларга муносабати ҳам ана шундай. Тарих фани ва "Одобнома"дан дарс берадиган Ойшахон майин овози, ширин муомаласи ва мавзуни пухталик билан ўқувчи онгига етказиши, дунёқарашининг кенглиги билан ўқувчиларни ўзига жалб қилади. Республикамизнинг бой тарихи, ота-боболаримизнинг донишмандлиги ҳақида жўшиб, қалби меҳрга тўлиб сўзлайди. Ўқувчиларни эркин фикрлашга, сиёсий-ижтимоий саволларга жавоб беришда доимо тайёр бўлишларини, адабиётларни мустақил ўқиб боришга ўргатади.

Ойшахон Эргашева Фарғона вилояти Фарғона туманининг чекка қишлоғидаги 43-мактабнинг директори. У киши иш бошлаганида мактаб икки хонадан иборат бўлиб, қирқ нафар ўқувчи ўқирди. Ойшахон опа янги мактаб қуришга аҳд қилди. Устознинг заҳматли меҳнатларининг самараси ўлароқ, 360 ўринли мухташам мактаб тантанали равишда ўқувчиларга топширилди. 120 ўринли ошхона, спорт зали, кенг, ёруғ синфхоналари бўлган янги мактаб нозик дид билан жиҳозланди. Манзарали суратлар, ўқитиш услубига оид кўргазмалар, энг яхши ўқитувчиларнинг иш тажрибасига оид ҳикоялар, энг муҳими, саришталик, поклик, тартиб-интизом ва гуллар ташриф буюрган кишининг ҳавасини келтиради.

— Бизнинг жуда аҳил, меҳнатсевар, изланувчан ўқитувчилардан ташкил топган ажойиб оиламиз бор. Ана шу оила аъзоларининг орасидаги муносабати, бир-бирига бўлган юксак ҳурмат, вазифаларга қатъий масъулият билан ёндашиши ютуқларимизнинг асоси бўлмоқда, — дейди биз билан суҳбатда О.Эргашева.

Санъат МАҲМУДОВА

САХОВАТПЕША ҲОМИЙЛАР

Яқинда туман халқ таълими бўлимига қарашли 25-мактаб ўқувчилари ҳаётида яна бир қувончли воқеа бўлди. Андижон бурғулаш-портлатиш махсус бошқарма бошлиғи Тўлқин Қораев мактабга 809 600 сўмлик ҳомийлик ёрдамини кўрсатди. Мактабнинг 40 нафар ўқувчиси кийим-кечаклар, ўқув қуроллари билан таъминланди. Мазкур мактабнинг директори Ш.Бердиқулов биз билан суҳбатда ҳомийларнинг ўқувчиларга кўрсатаётган ёрдамидан мактаб жамоаси хурсандлигини айтиб, шундай деди:

— Қораевлар оиласи тумандаги энг тадбиркор оилалардан. Улар доимо ўқувчиларимизга турли тадбирларда ҳомийлик ёрдамини кўрсатадилар.

Тўлқинжон аканинг турмуш ўртоғи Машҳура Расулова ҳам мактабнинг илғор информатика ўқитувчиси. 2000-2001 ўқув йилида математика ўқитувчиси Ҳабиба Эшматова раҳбарлигида ал-Хоразмий номидаги "Иқтидорли ўқувчиларнинг кичик академияси" ташкил қилинган эди. Машҳура опа шу академияни ахборотномалар, тест билан таъминлаш, ўқувчиларни мунтазам олимпиадага тайёрлашда зарур қўлланмаларни етказиб бериш, юқори рейтинг кўрсаткичига эга бўлган ўқувчиларни рағбатлантириб боришни ўз зиммасига олган. Фаррух Ойбишев, Сардор Каримов, Мансур Маҳмудовлар махсус гуруҳ томонидан академиянинг энг фаол аъзолари ҳисобланиб, юқори натижаларга эришганликлари туфайли эсдалик совғаларини олишга муяссар бўлдилар. Бугунги кунда бу оиланинг кўрсатаётган ёрдамидан мактаб аҳли ҳам, ота-оналар ва ўқувчилар ҳам хурсанд.

У.ЮСУПОВА,
Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси

АЖОЙИБ ОИЛАМИЗ БОР

«Ma'rifat»ga maktublar



ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Қишлоғимиз болаларининг севимли маскани мактаб яроқсиз аҳволга келиб қолганда мактаб директори А.Ваҳобов ва мураббийлар хавотирга тушишди. Чунки мактабимиз биносининг анча эскирганлиги ўқувчиларнинг пухта таълим-тарбия олишлари учун қатор қийинчиликларни юзага келтирди. Томдан ўтган чакка машғулотларга путур етказибгина қолмай, ўқув жиҳозларининг ишдан чиқиши, деворларнинг нурашига олиб келди. Бу ташвиш жамоатчиликни эътиборсиз қолдирмади. Иқтисодий масалани ҳам ҳамжиҳатлик билан ҳал этиб, ҳашар йўли билан бинонинг томини янгилашга қарор қилдик. Мактабда ҳозир таъмирлаш ишлари тўлиқ тугатилди. Бу борада Навоий номидаги ширкат хўжалиги бош ҳомий сифатида 600 туп терак берди. Ота-оналар, қишлоқ аҳли ҳашар йўли билан 1 млн 300 минг сўм пул йиғиб беришди. Мингбулоқ тумани молия бўлими эса усталар учун 250 минг сўм миқдорида маблағ ажратди. Уюштирилган ишлар эса барчани қувонтирди. Туман ҳокимлигида ўтказилган фаоллар йиғилишида эса вилоят халқ таълими бошқармаси мактаб учун 450 та шифер ажратиб, 25 миллиондан зиёд мактаб жиҳозларини ҳадя этди. Бу қўллаб-қувватлаш ишчиларга зўр шижоат берди. Ишлар эса кундан-кун авж олиб, катта уста А.Шаропов раҳбарлигида А.Саримсоқов, Й.Муллабоев, Т.Арапов ва бошқа уста ходимлар ғайрат ҳамда якдиллик билан меҳнат қилишди. Ишлар белгиланган муддатдан илгари сифатли қилиб бажарилди ва келажагимиз бўлган ёшлар олдида юзимиз ёруғ бўлди. Шинам, кўркам қилиб таъмирланган синфхоналарни ўқитувчилар ДТС асосида жиҳозлашди. Ҳозирда мактабда 64 нафар педагог меҳнат қилиб, мингдан зиёд ўқитувчиларни жисмонан соғлом, маънавий баркамол қилиб вояга етказиш учун тинмай меҳнат қилмоқдалар.

Дурдона КУЧМАНОВА

МАЛАКА ОШИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

"Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ўқув жараёнига татбиқ этилиши таълим тизимини ислоҳ қилиш сари қўйилган дадил қадам бўлди. Бу борада амалга оширилаётган ишлар самараси бугунги таълим жараёнида ўз аксини топмоқда. Ютуқлар билан бир қаторда муаммолар ҳам мавжудки, уларнинг ечимини топишда, жумладан, миллий дастурни рўёбга чиқаришнинг II босқичдаги вазифаларини амалга оширишда раҳбарлар тайёргарлиги ва малакаси муҳим ўрин тутади. Бу борада А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОИ тоифалар бўйича курслар машғулотларини бошлади. Институтда тингловчиларни қабул қилиш ва жойлаштиришдан бошланган ташкилий ишларнинг даражаси дастлабки кунданоқ руҳиятимизга кўтаринкилик бағишлади. Таниқли педагог ходимлар, олимлар дарслик ва ДТС ўқув дастурлари муаллифлари томонидан олиб борилган машғулотлар юқори самара бераётганлиги ҳамда тингловчиларда катта қизиқиш, қониқиш уйғотаётганлиги алоҳида эътиборга лойиқдир. Бинобарин, ҳозирги кунда мактабларимиз олдида турган кўпгина муаммоларни муҳокама қилиб, уларга жавоб топишнинг имкони туғилди.

Айниқса, таълим соҳасидаги муҳим ўзгаришлар, ислоҳ қилишнинг илмий-педагогик асослари, воситалари, механизмлари, маркетинг хизмати, педагогик сервис, бозор иқтисодиёти шароитида мактабни бошқариш, II босқичдаги асосий вазифалар каби масалаларнинг таҳлили биз мактаб раҳбарлари учун айни муддао бўлди. Бундан ташқари педагогика, психология, миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, давлат ва ҳуқуқ асослари, информатика ва ЭҲМ асослари, математика, мактаб бошқарувига доир машғулотларда ҳам тингловчиларнинг кейинги иш фаолиятида жуда муҳим бўлган масалалар ёритилди.

Очиқ жамият институти "Кўмак" жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонасида ташкил этилган ўқув семинарига тингловчилар танлов асосида олиниб, уларга семинар якунида халқаро сертификатлар топширилди. Шунингдек, амалий машғулотлар гуруҳимиз тингловчиси Д.Мавлонова раҳбарлик қилаётган пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 152-ўрта мактабда ўтказилди. Унда мактаб ҳаёти, шўъба йиғилишлари, мониторинг хонасида, мактаб ўқув-педагогик ва қатъий назоратдаги ҳужжатларнинг юритилиши билан танишиб, ўтилган дарсларни таҳлил қилдик.

Ўқув машғулотлари билан биргаликда А.Авлоний уй-музейига, Темурийлар тарихи Давлат музейига саёҳат, Хотира майдонига, Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуига зиёратлар, Муқимий, Миллий академик драма театрлари томошаларини кўриш тингловчиларга маънавий озуқа берди.

Қисқаси, бу курслардан олган малакаларимиз, руҳиятимиздаги тетиклик "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга оширишимизда бизга катта ёрдам беради.

Фурқат БЎТАЕВ,
Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги 22-мактаб директори

Саҳифани Райҳон ХОЛМУРОДОВА тайёрлади.

ТАРИХИЙ ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ



Москвага ташриф буюрган АҚШ президенти Жорж Буш Кремлда Россия Федерация раҳбари Владимир Путин билан музокаралар олиб борди ва икки давлат ўртасида ядро қуролларини қисқартириш тўғрисидаги тарихий шартнома имзоланди. Лекин, Эрон давлатининг ядро дастурини Россия томонидан қўллаб-қувватланиш масаласи очиқ қолди. Бинобарин, бугун Қўшма Штатлар Эрон давлатини оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқаришда айбламоқда.

КАШМИР УРУШ АРАФАСИДА

Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги ўзаро низо тобора кескинлашиб бормоқда. Ҳиндистон Бош вазири Атал Бихари Важпаи куни кеча мамлакатнинг ҳарбий-сиёсий раҳбарлари билан Кашмирдаги вазият борасида йиғилиш ўтказди. Покистон эса БМТ номи остида Сьерра-Леонеда ўз вазифаларини ўтаган тинчликпарвар кучларини заҳирадан чақириб олди. Айрим манбаларга кўра, бугун Кашмирдаги ўз чегараларига Ҳиндистон 750 минг, Покистон эса 250 минг ҳарбий хизматчисини келтириб қўйган. Ҳозирда ўзаро отишмалар тез-тез бўлиб, ҳар икки томондан ҳам курбонлар берилмоқда.

ЯНА ТЕРРОР АКТИ

Куни кеча Исроилдаги йирик нефт сақлаш жойида ёқилғи ташувчи машина портлаган бўлса, Тель-Авив яқинидаги Ришон-Лесционе шаҳарчасидаги террор оқибатида 2 нафар исроиллик ҳалок бўлиб, 10 дан ортиқ киши жароҳатланган. Гарчи, ушбу террор жавобгарлигини "Ал-Ақсо жафокашлари бригадаси" ўз зиммасига олган бўлса-да, расмий Тель-Авив мазкур терроргa қарши жавоб беришга тайёргарлик кўрмоқда. "Ассошиэйтед пресс" агентлигининг хабар беришича, Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги Хеврон шаҳрига Исроил танклари бостириб кирганлар.

МУДДАТ УЗАЙТИРИЛДИ

БМТ Хавфсизлиги Кенгаши Афғонистондаги халқаро тинчликпарвар кучларнинг мамлакатда туриш муддатини 6 ойга узайтирди. Аммо, уларни Қобул шаҳридан ташқарига чиқариш масаласи очиқ қолган. Резолюцияда ёзилишича, гарчи Афғонистонда барқарорлик ўрнатилаётган бўлса-да, лекин афғонларнинг ўзлари қонунлар ижросини ва ички тартибни таъминлашлари керак. Муваққат ҳукумат раҳбари Хамид Карзайнинг эса, тинчликпарвар кучларни Қобулдан бошқа шаҳарларга ҳам жойлаштириш тўғрисидаги чақириқлари ҳали самара берганича йўқ. Айни шу вақтда генерал Абдулрашид Дўстум Шибарғон қамоқхонасида сақланаётган 500 нафардан ортиқ толибларни озод этган.

География фанлари доктор, профессор Суюн Қораев — меҳнаткаш олим. Адабиётнинг чин ихлосманди. Оламни, Одамни, Ўзини англашга интилаётган олим улуғ адиб — Чингиз Айтматовнинг "Кассандра тамғаси" романини ўзбек тилига таржима қилган. Қуйида унинг ушбу роман таассуротлари ила йўғрилган битигини Сизга тақдим қилмоқдамиз.

Чингиз Айтматов

"ОХИР ЗАМОН НИШОНАЛАРИ"

Чингиз Айтматовнинг шу номли романининг бош қаҳрамони, осий Ерда ўз лабораториясида ота-онасиз, қариндош-уруғларсиз манқуртлар авлодини яратиш устида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш соҳасида талайгина ютуқларга эришиб, ўз қилмишларидан минг пушаймон бўлган, осмону фалакка кетишдан бошқа иложини топмаган генетик олим-академик Андрей Крильцов космосдаги халқаро илмий станцияда ўзининг биологик илмий изланишларини давом эттиради ва кексайгач, тавба-тазарру йўлига кириб, роҳиб Филофей лақабини қабул қилади ҳамда улкан кашфиётни қўлга киритади: гуноҳи азим соҳибларига — бўлажак каллакесарлар, қонхўрлар, террористлар, мутантларга — психик-физиологик ногиронларга, мазохчиларга — иккинчи жинс вакили бўлган шеригини қийнаш, ахлоқий хўрлаш-таҳқирлаш йўли билан шаҳвоний лаззат оладиган жинсий бузуқилар, ашаддий фоҳишаларга ва ҳар қандай имонсизларга ҳомиладор бўлган аёлларнинг қошлари орасида иккиқатлиликнинг дастлабки ҳафталарида холга ўхшаган қизғиш доғнинг нишон беришини аниқлайди. Бу медицина-биология фанлари вакиллари учун фантастик мавзу эди. Маълумки, ҳозирги кўпгина техникавий ютуқлар — самолётлар, компьютерлар, ракеталар, лазер, атом бомбалари ва бошқа-бошқалар дастлаб фантаст ёзувчиларнинг асарларида тилга олинган.

Энг муҳими олим ўзи "Кассандра тамғаси" деб атаган холга ҳомиладан келиб турадиган импульсларнинг моҳиятини тушуниб етади — ҳомила-эмбрион ноинсоний сифатларга эга шахс бўлиб дунёга келгандан кўра туғилмасликни афзал билади ва ўзини нобуд қилишларини ўтиниб сўрайди.

Чингиз Айтматов генетика фанининг буюк кашфиётчиларига ишонган ва бани башар зотини тозалаш йўлларидан бирини шипшитиб қўйиб эди.

Бани Одам тобора айнияпти. Мингларча йиллардан бери инсон зоти амал қилиб келган идеаллар ва муқаддас бурчлар нарига итариб қўйилмоқда. Бир неча асрдирки, дунёнинг уйғунлиги, инсонийлик принципларидан узоқлашилмоқда, оқибатда бутун Ер куррасининг ахборот (информацион) майдони негатив (салбий) дастурларга тўлиб-тошиб ётибдики, инсоннинг ягона абадий гўзал ватани бўлмиш Ер юзида рўй бераётган офату фалокатлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ.

Ёзувчи осмону фалакда олам кезиб юрган роҳиб Филофей тили билан бундай дейди: "Ҳар сафар космосдан булутлар пардаси орқали ерга боқар эканман, таҳсинлар ўқийман: ё Раббим, қандай буюк бир самовий хилқат Ер ўзи. Қуёш ҳам инсоният маскани бўлмиш Ер учун яратилган бўлса ажаб эрмас, йўқса буларнинг ҳаммаси на даркор? Дунё инсон учун керак — одам унинг асл моҳиятини тушуниб олиши учун яратилган. Шу боис ҳам дунё турибди. Бўлмаса бутун бошли галактикаси нимага керак, акс ҳолда на мазмуни бор, на мундарижаси бор бу дунёсининг!? Худо ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин! У одам учун зарур, шунинг учун ҳам у Худо, шунинг учун ҳам у барҳақ! Лекин инсон шу коинотга, дунёвий қонун-қоидаларга муносибмикин!" Ана шу улкан очунга арзирмикин? Оламнинг жумбоғи ана шунда!"

Чингиз Айтматов ҳамма соҳада инсонларнинг ноинсоний хатти-ҳаракатларини, Очуний адолатнинг бузилаётганлигини ботин кўзи билан яхши кўриб билганидан шундай саволни ўртага ташлашга журъат этди. Гуноҳи кабираларнинг болалаб кетаётганлиги оқибатида охир замоннинг яқинлашиб келаётганлиги тўғрисидаги назария асли илоҳий хилқат бўлмиш инсониятнинг ноинсоний саъй-ҳаракатларининг исботидир. Фазовий роҳиб, асли улкан олимнинг кассандра-ҳомилалар ва кассандра тажрибаси тўғрисидаги буюк кашфиётининг бутун дунёда рад этилиши, бу кашфиётни ёқлаб чиққан футуролог, жамият истиқболларидан башорат қилувчи олим Роберт Боркнинг ваҳшиёна ўлдирилиши, инсониятнинг келажаги учун муҳим бўлган ғоясининг барбод бўлишидан азият чеккан Филофейнинг ўз жонига қасд қилиб ҳаво кемасидан ўзини очиқ космосга улоқтириб вафот этиши — буларнинг ҳаммаси одамларнинг ўз дунёвий бурчларини ҳали англаб етмаганидан, ҳақиқатдан, эзгуликдан юз ўгираётганидан нишонадир.

Очуний (космик) илоҳий адолат, юксак ҳақиқат дунёдаги сабаб-оқибат қонунига асосланган дир. Ана шу адолат ва ҳақиқат бўлмаганда Коинотнинг ўзи бўлиши ҳам мумкин эмас экан.

Ана шу илоҳий адолатни бузадиган, издан чиқарадиган куч нима экан ўзи? Бу биринчи галда ёвузликдир. "Азал-азалдан инсониятга нозил қилинган эзгулик энергиясини ва шу билан бирга эзгуликка қарши ёвузлик энергиясини ҳеч ким ўзгартира олмади. Булар бир-бирига тенг миқдорлардир" дейди ёзувчи роҳиб Филофей номидан Рим папасига ёзган хатида.

Ёвузлик — бу коинотни бошқариб турадиган уйғунлик қонунининг бузилиши деган сўз: ана шу ёвузлик жазосини уни амалга оширган киши тортиши шарт.

Хўш, ёвузлик ҳам эзгулик каби абадий бўлса, Чингиз Айтматов айтганидек, (баъзан) ёвузлик баъзан эзгулик устидан устунлик қилиб ҳам турса, қўлни қовуштириб тураверишкеракми?

Йўқ... инсонга абадийликнинг битмас-туганмас ҳаракатини ўзида мужассамлаштирган ақлий афзалликлар ато қилинган ва инсон омон қолишни истаса, тараққиётнинг чўққилари сари кўтарилишини хоҳласа, у ўзидаги ёвузлик устидан ғалаба қилмоғи зарур. Ахир кишиларнинг бутун умри бу йўлда шундай тинимсиз уринишлардан ўтадики, бизнинг (яъни инсониятнинг) асосий бурчимиз ҳам шундадир".

Хўш, инсон боласини йўлдан оздирадиган, унинг кўзини очирмасдан бўйнига тавқи лаънатдай миниб олиб билганини қилдирадиган ўша фалокату иллатлар, ёвузликлар нима экан ўзи?

Ҳозирги даврда барча ёвузликлар орасида энг даҳшатлиси, энг хавфлиси терроризмдир. Террор сўзини эшитганда бир сесканиб тушмайдиган одам бўлмаса керак. Қарангки, дастлабки террористлар бундан 10 аср олдин Эронда пайдо бўлган экан, шароб ва қора дорига тўйдирилган каллакесарлар ҳукуматни бошқарувчи бош вазирларни катта маблағ эвазига бирин-кетин гум қилаверар экан. Ҳозирги террорчилар мамлакатга ғулғула солиб жамиятчиликни қўрқитиб олишни мақсад қилиб қўядилар, қўрқиб-титраб қолган халқ "бизни ҳимоя қилолмайдиган бўлсанг, туёғингни шиқиллатиб қол", деб ҳукуматни сиқувга ола бошлайди. Фуқаролар ҳимоясиз қолиб безовталана бошлаши, ҳукуматдан норози бўлиши — террористларнинг бош муддаосидир. Мутахассислар биринчи номерли терроpчи деб атаган Бин Лоден аслида биринчи эмасга ўхшайди, туядан катта филлар бор дейишмоқда.

Чингиз Айтматов бутун-бутун мамлакатлар террорчиларнинг ботиний ҳукмронлиги остида инграмоқда деган эди.

Халқаро террористик ташкилотлар ўнг-сўлга сочиб юрган беҳисоб долларнинг ҳар бир центи ҳам "шудгорда қуйруқ на қилур" дегандай бекорга сарф қилинмайди. Терроризмнинг пайпаслагичлари етиб бормайдиган гўша йўқ. Огоҳ бўлинг — соқ бўлсангиз хўр бўлмайсиз (соқ "огоҳ" сўзининг асл туркий варианти, соқчи истилоҳи шундан).

Айтматов айтганидек, "Ҳаёт шундай қурилганки, эзгулик ҳар доим тақчил, ёвузлик эса мўл-кўл, ошиб-тошиб ётибди". Масалан, жиноятчилик, фоҳишабозлик, гиёҳвандлик ва наркомафия каби гуноҳи кабиралар, аслида илоҳий хилқат бўлмиш инсон номига номуносиб даҳшатли иллатлар кундан кунга авж олиб чуқур илдиз отиб бормоқда. Бу иллатлардан ҳар бири кишилик жамиятини ичидан кемириб, охир замоннинг бостириб келишига шароит ҳозирламоқда.

Жамият тараққиётининг келажагидан башорат қилувчи футуролог олим Роберт Борк Филофей назариясининг моҳиятига етиб, она қорнидаги ҳомилаларнинг туғилмаслик учун нишон беришининг сабабларини бундай изоҳлайди: "Яшашга бўлган хоҳишнинг сўниши жаҳон цивилизациясининг сўнишидир. Ана шу охир замон демакдир. Бошқача айтганда, охир замон ўзимизда воқеадир. Инстинктив сезиш қобилиятига эга бўлган кассандра-эмбрионлар ана шуни илғаб олади ва дунёни қамраб оладиган компьютер экранига ўхшаб, ҳомиладор аёллар манглайида нишон берадиган кассандра тамғаси орқали ҳаётдан қўрқаётгани ҳақида хабар қилади. Кассандра тамғасининг ўзидан эмас, балки генетика қаърида ана шу охир замон ўпирилишига олиб келадиган сабаблардан қўрқмоқ керак. Биз мислсиз хатога йўл қўяётирмиз... Филофей иғвогар эмас, у — самовий пайғамбар..."

Келажакда тақдири азали ёмон кечадиган кассандра-ҳомилалар нишонасини — кассандра тамғасини кашф этган олим — фазовий зоҳид Филофей ўз кашфиётига якун ясар экан, космосдан туриб бундай дейди: "Мен одамларга ёмонлик соғинмоқчи эмас эдим... Яхши ният ёмонликка айланиб кетди. Энди ҳаммамиз ана шу ёвузлик қаршисида ожизмиз. Бироқ мен кашфиётнинг ўзидан, кассандра-эмбрионлар феноменидан, улар дунёнинг охир бўлиши хабарчиси деган фикримдан ҳеч воз кечмайман; кишилар билиб қўйишсин: охир замон ўзимизда ёвузликнинг муттасил жамғарилиб боришидан, ўзларимизнинг қилмиш-қидирмишларимиздан, ниятларимизу мақсадларимиздандир; буларнинг ҳаммаси одамнинг генетик кодига таъсир этиб бўҳронни яқинлаштиради.

Qonun va fuqaro

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН

12-МАҚОЛА

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги қонун 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган ва шу санадаги мазкур қонунни амалга киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарорига мувофиқ қабул қилинган кундан бошлаб амалга киритилган. Қонун 13-моддадан иборат.

Унинг мақсади республика давлат суверенитетининг рамзи ҳисобланган Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишдир. Маълумки, қадимқадимдан ҳар бир юрт, мамлакат ўз байроғига, туғросига, пул бирликларига эга бўлган. Улар озодликнинг, мустақилликнинг ўзига хос атрибутлари ҳисобланган. Уларга чексиз ҳурмат ва муҳаббат ила муносабатда бўлинган, эъзозланган. Ҳозирга келиб, улар билан боғлиқ муносабатлар барқарор сурьатда ўз такомилига етди. Ушбу қонун орқали қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини ҳам ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, тарихий заминда ва шароитда яратилди, қабул қилинди.

Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи халқаро майдонда: Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафарлари чоғида, халқаро ташкилотларда, конференцияларда, жаҳон кўргазмаларида, спорт мусобақаларида Ўзбекистон Республикасининг тимсоли бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи — байроқнинг бутун узунлиги бўйлаб ўтган тўқ мовий ранг, оқ ранг ва тўқ яшил рангли учта эндан иборат тўғри тўртбурчак шаклидаги матодир.

Байроқнинг узунлиги — 250 сантиметр, кенглиги — 125 сантиметр. Мовий ранг, оқ ранг ва яшил рангларнинг энлари кенглиги бир хилдир. Ҳар бир эн — 40 сантиметр, байроқнинг ўртасидаги оқ рангли эннинг четларидаги қизил ҳошияларнинг кенглиги — 2,5 сантиметр. Байроқнинг юқори қисмидаги мовий рангли эннинг юз томони ва орқа томонида дастага яқин жойида оқ рангли янги ой ва унинг ёнида ўн иккита оқ рангдаги беш қиррали юлдуз тасвирланган.

Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи доимий сурьатда — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг биносида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биносида, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг биносида, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва ҳукуматининг биносида, Ўзбекистон Республикаси маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг биносида, судларнинг биносида кўтарилади. Шунингдек, халқ депутатлари Кенгашларининг сессиялари ўтказилаётган бинолар ва уйларда — бутун сессия давомида; Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланган байрам кунларида, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари, бошқа давлат ва жамоат идоралари биноларида, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда, турар жой биноларида — соат 6 дан 22 гача; сайлов ёки референдум кунларида овоз бериш ўтказилаётган биноларда ва уйларда — сайлов ва референдум вақти давомида; Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатия, савдо ваколатхоналари ва консуллик муассасалари биноларида ва ҳаракатланиш воситаларида — дипломатия протоколининг халқаро қонун-қоидаларига мувофиқ; чет элдаги Республикага қарашли бўлган, расмий шахслар сифатида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазири, Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа вазири, Ўзбекистон Республикаси дипломатия ва консуллик ваколатхоналарининг бошлиқлари тушган денгиз кемаларида ва дарё кемаларида ва бошқа ҳаракатланиш воситаларида; Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг фармойишига мувофиқ, республикасининг давлат ва жамоат идоралари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ўтказадиган маросимларда, тантанали тадбирларда, спорт майдонларида — Ўзбекистон Республикаси чемпионатлари ва биринчиликлари, миллий терма командалар иштирокида халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш чоғида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг спорт терма командаларидан вакил бўлган халқаро мусобақа ғолибларини мукофотлаш муносабати билан маросимлар ўтказиш вақтида кўтарилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи билан бир вақтда бошқа давлатнинг байроғи кўтарилса, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи (бинонинг олд томонига қараб турганда) ўнг томондан, бошқа давлатнинг байроғи чап томондан кўтарилиши керак.

Мотам муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи мотамга мослаб кўтарилади.

Ушбу қонуннинг аниқ бажарилишини кузатиб бориш вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимликларига ва Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатия ваколатхоналарига юклатилади. Айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда турган бошқа шахслар Давлат байроғини ҳурмат қилишлари шарт. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини беҳурмат қилганлик Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда жазоланади.

Дилрабо ЙЎЛДОШЕВА

ИЖРО ИНТИЗОМИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Расмий давлат хужжатлари билан ишлашни тўғри ташкил этиш катта аҳамият касб этиши, шубҳасиз. Негаки, ҳар бир ҳужжат замирида ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсатнинг у ёки бу кўриниши ўз аксини топади. Бундай расмий давлат ҳужжатлари аввало Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги, юрт осойишталиги, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш каби масалаларни қамраб олганлиги билан янада қимматлидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги "Ижро интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида"ги Қарори ҳам ана шу мақсадга йўналтирилгандир.

Ҳукуматимизнинг мазкур қарорини амалга ошириш учун бугун жойларда қизғин ишлар қилинмоқда Ҳар бир расмий давлат ҳужжати билан ишлашда мутасадди ходимлар ўз зиммасидаги катта масъулиятни тўғри англаб етмоғи керак. Бу борада Жиззах вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тизимидаги ўқув муассасаларида бир қатор ишлар қилинмоқда. Мавжуд 14 та касб-ҳунар коллежлари ва 2 та академик лицейларда ижро интизоми ва расмий давлат ҳужжатлари билан ишловчи масъул ходимлар ҳукуматимизнинг юқоридаги қарорининг ижросига асосий эътиборни қаратмоқдалар.

Давлат ҳужжатлари билан ишлаш борасида амалий кўрсатма ва йўл-йўриқлар кўрсатиш мақсадида бошқарма раҳбарияти томонидан катта амалий ёрдам кўрсатилиб, жойларда тез-тез кўчма семинарлар ўтказилмоқда. Амалий учрашув ва ўзаро баҳс-мунозара тарзида ўтказилаётган бундай анжуманларда давлат ҳужжатлари билан ишловчи масъул ходимлар ўзлари қизиққан саволларга адлия бошқармаси ходимлари ва ҳуқуқ-тартибот посбонларидан етарли даражада жавоб олмоқдалар.

Бугунги кунда меҳнаткашларнинг хатлари, шикоят ва аризалари билан ишлашни такомиллаштиришни ҳам давр тақозо этмоқда. Кундалик турмуш ва иш жараёнида турли англашилмовчилик, баъзан ноҳақлик бўлиши табиий. Ана шундай пайтда ҳар бир фуқаро ўзи яшаётган, ишлаётган ташкилотга мурожаат қилади. Агар унинг хатига бевосита ана шу жойда эътибор билан қаралиб, ўз вақтида жавоб берилса, ортиқча оворагарчиликларга ҳожат қолмайди. Афсуски, баъзан бундай бўлмайди. Натижада ўз шикояти ёки аризасидан қаноат ҳосил қилмаган фуқаро юқори ташкилотларга мурожаат қилишга мажбур бўлади. Бу эса бир неча кишининг вақтини олиб, текшириш ишлари ўтказиш, масалага ойдинлик киритиш учун югур-югурларга сабаб бўлади.

Шуни унутмаслигимиз керакки, ҳар бир хат ортида одам бор, унинг тақдири бор. Шундай экан, меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига бефарқ муносабатда бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Қаерда ана шундай масъулиятсизлик рўй берса, у жойда меҳнат интизоми бўшашади, ёза-ёз кўпаяди. Бунинг олдини олиш учун барча коллеж ва лицейларимизда ишчи-хизматчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат интизомининг барқарор бўлиши, меҳнат муҳофазаси ва бошқа жиҳатларга катта эътибор билан қарамоқдамиз. Натижа эса ёмон бўлмаяпти. Барча ўқув юртларида мустаҳкам меҳнат интизоми қарор топмоқда, педагогларнинг самарали меҳнат қилишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Жойларда меҳнат интизомининг мустаҳкамланиши, таълим-тарбия ишларининг юқори савияларда амалга оширилиши, унда таҳсил олаётган йигит-қизларнинг барча фан сирларини мукаммал эгаллаб, касб маҳоратларини оширишига замин яратмоқда. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган ўқувчиларимиз республика миқёсида ўтказилаётган фанлар олимпиадаси, турли кўрик-танловларда юқори ўринларни қўлга киритмоқдалар. Албатта, бунда ижро интизомига катта эътибор берилаётганлиги ўз самарасини кўрсатаяпти.

Шуҳрат АНҚАЕВ,
Жиззах вилояти ЎМКҲТ бошқармаси назорат гуруҳи мутахассиси

"Агар кавушдўз ўз касбини билмаса, бу хавфли эмас, нари борса халқ оёқ кийимига ёлчимайди. Борди-ю, муаллим нодон бўлса, бу — фожеа, бу давлат илдизига болта урган билан баробар, чунки у нодонлар сонини кўпайтиради"

Ma'rifat

АФЛОТУН ҲИКМАТИ ДИЛИДА

Ёдимда, эндигина иш фаолиятимни бошлаган пайтларим эди. Навбатдаги педагогика кенгашининг бирида Ахборхон ака Ҳайдаровга сўз берилди:

— Афлотун: "Агар кавушдўз ўз касбини билмаса, бу хавфли эмас, нари борса халқ оёқ кийимига ёлчимайди. Борди-ю, муаллим нодон бўлса, бу — фожеа, бу давлат илдизига болта урган билан баробар, чунки у нодонлар сонини кўпайтиради" деган экан, — дея ўз сўзини бошлади ва фикрларини давом эттирдилар. — Яхши устоз зилол сувлари мавж уриб турган чашмага ўхшайди. Ундан қониб-қониб сув ичинг келади. Биз, ўқитувчилар шогирдларимизга шундай шифобахш сув берайликки, токи бу ҳаёт сувини ичган ўқувчиларимиз келажакда имон-эътиқодли, меҳр-шафқатли, сабр-бардошли, Ватан ва халқига муҳаббатли ўғил-қизлар бўлиб етишишсин.

Мен она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси бўлсалар керак, дея ўйлаган нотиқ — Ахборхон ака Ҳайдаров иш фаолиятларини қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган Мирзачўлда бошлаган бўлиб, кимё фани муаллими эканлар.

Ахборхон ака Ҳайдаровни моҳир кимё фани ўқитувчиси, адабиётнинг жонкуяри деб тан олади эл-юрт. Чунки 203-мактабдаги фаолиятлари давомида ўқитувчиликни ҳам, сухандонликни ҳам дўндириб бажарган эдилар. Домланинг ҳар бир дарси мазмунли ўтар, ўқувчилар иқтидорини, ташаббусини тарбиялашга йўналтирилган эди.

Ахборхон ака газета ва журналларни мунтазам мутолаа қиладилар ва шу билан бирга ўз иш тажрибалари, одоб-ахлоқ мавзуларидаги мақолалари, мактаб ҳаётидаги янгиликлар тўғрисидаги хабарлари билан шаҳар, вилоят ва республика газеталарида қатнашганидан хабардормиз.

Донишмандларнинг фикрича, дунёда яхши одамдан учта нарса қолар экан: яхшилик, яхши фарзанд, яхши шогирд.

Ахборхон ака бугунги кунда ана шу бахтга том маънода эга бўлган инсондир. Умр йўлдошлари, моҳир математика фани ўқитувчиси Ҳадича ая Қодирова билан 5 нафар фарзанд—шогирд тарбиялашди. Ота-она касбини эъзозлаган, бу касбнинг туб моҳиятини тушуниб етган фарзандлари: Сурайёхон математикадан, Нигорахон хорижий тиллардан, Музайянахон ва келинлари Ферузахонлар кимё фанидан ёш авлодга ҳозирги замон талаблари даражасида билим бермоқдалар.

Рўзигул КАРИМБЕКОВА,
Акмал Икромов туманидаги 203-мактаб ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси

ЯХШИЛАРНИНГ МЕҲРИ УНУТИЛМАЙДИ

Дунёда эзгу амаллар, хайрли ишлар кўп. Ана шу ишларни меҳр-муҳаббат, ширинсўзлигу камтаринлик каби хусусиятларни қалбида жо қилган ўз касбининг фидойиси бўлган инсонлар амалга оширадилар. Бу инсонлар ўзларидан кейин ҳам яхши ном қолдириб, келажак авлод уларни меҳр билан тилга олишларини чуқур ҳис қилган ҳолда тинимсиз меҳнатлари туфайли юксакликка интиладилар.

Уз ҳаёти давомида эли учун ғайрат-шижоат билан меҳнат қилган, фақат яхшилик билан эсланадиган инсонлардан бири — Мусурмон Норматовдир.

М.Норматов 1934 йил 9 майда Самарқанд вилояти, Нурота туманидаги Тим қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. Зеҳни ўткирлиги туфайли 5 ёшида мактабга борди. Мактабнинг 7-синфини тугатиб, Каттақўрғон педагогика билим юртига ўқишга кирди. 1952 йилда ушбу билим юртини тугатиб, илк бор сабоқ олган мактабида бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлай бошлади. Ҳарбий хизматда ўз йигитлик бурчини ўтаб қайтган Мусурмон билимини чуқурлаштириш, олий маълумотли бўлиш мақсадида Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг ўзбек филологияси факультетининг талабаси бўлди. Ўқиш билан бир вақтнинг ўзида ўқитувчилик фаолиятини ҳам давом эттирди. Мусурмон Норматов ўқитувчилик, синф раҳбарлик даврида ўқувчилан ишлаш, жамоага раҳбарлик қилиш сир-асрорларини ўрганди. Сўнгра ўзи истиқомат қилаётган Тим қишлоғидаги 35-ўрта мактабга илмий бўлим мудири этиб тайинланди. Ёш ўқитувчидаги ғайрат-шижоатни, ташаббускорликни кўрган туман халқ таълими бўлими раҳбарияти уни назоратчи қилиб ишга олди. ХТБда меҳнат фаолиятини назоратчиликдан бошлаган М.Норматов туман халқ таълими бўлими мудирлигигача бўлган вазифаларда ишлаб, ўз касбининг фидойиси, жонкуяри эканлигини исботлади.

Мусурмон Норматов мудир бўлиб ишлаган 12 йил муддат ичида Нурободда мактаблар сони 18 тага, мактабдан ташқари муассасалар 3 тага, боғчалар сони 5 тага кўпайди. 28 та мактаб, 2 та боғча учун янги бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди. 9 та мактабда янги бино учун қурилиш ишлари бошланди. Бундан ташқари тумандаги жами мактабларнинг 80 фоизига қўшимча бинолар қуриб берилди. Бир сўз билан айтганда, мактаблар ва мактабдан ташқари муассасаларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди, ўқимишли ва тажрибали педагог ходимлар билан таъминланди.

Ана шу хизматлари учун М.Норматов ҳукуматимизнинг бир қанча орден ва медаллари, "Мустақиллик" нишони ҳамда юқори ташкилотларнинг ўнлаб фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланган. Бир неча бор туман ва қишлоқ кенгашларига депутат бўлиб сайланган.

Бугун Мусурмон Норматов орамизда бўлмаса-да, ўзи тарбиялаган юзлаб шогирдлари, сафдошлари уни меҳр билан хотирлашади. Туман ХТБда унинг эзгу ишлари, тажрибалари ўрнак сифатида тилга олинади.

А.ИСЛОМОВ

Ta'lim fidoyilari

ХОТИРА ТУРНИРИ

26-ўрта мактаб Сирдарё туманидагина эмас, балки вилоятда ҳам ўз ўрни, нуфузига эга бўлган пешқадам билим масканларидан биридир.

Мактабнинг донг қозонишида ўқитувчиларнинг ўзаро аҳиллиги ва жамоага раҳбарлик қилишда йиллар давомида катта тажриба тўпланганлиги жуда қўл келяпти. Жумладан, мана шу аҳил жамоага Нурмуҳаммад Умаров, Умматқул Элмуродов, Мирбобо Соатов, Мелиқўзи Темиров каби фидойи педагоглар маълум йиллар бошчилик қилганлар.

Хусусан, юқорида номлари тилга олинган мактаб директорларидан бири Мелиқўзи Темировнинг умрини ёниб турган шамга қиёслайман. Афсуски, бешафқат ўлим у кишини ҳаётдан олиб кетди. Бироқ устоз ўзининг қисқа умри давомида яхши ном қолдиришга улгурди, кўплаб шогирдлар тайёрлади. Мелиқўзи Темиров 1961 йилдан бошлаб Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида сиртдан ўқиш билан бир қаторда 13-мактабда етакчи бўлиб ишлади. Кейинроқ тил ва адабиёт ўқитувчиси, директорнинг маънавий-маърифий, тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари сифатида ҳам фаолият кўрсатди.

Яқинда 26-мактабда устознинг хотира кечаси бўлиб ўтди. М.Темиров хотирасига бағишлаб футбол турнири ўтказилди. Унда 26 ва 14-мактаб ёш футболчилари ўзаро куч синашдилар. Турнир ғолибларига М.Темиров фарзандлари томонидан қимматбаҳо совринлар топширилди.

Ҳабибулло ХЎЖАЕВ,
Сирдарё туманидаги 26-ўрта мактаб директори ўринбосари

ЎҚИТУВЧИ ШОДЛИГИ — ШОГИРДЛАР КАМОЛИДА

Ўқитувчи, муаллим, устоз, мураббий сўзларини халқимиз ўзгача ҳурмат билан тилга олади. Мана шундай шарафга лойиқ бўлган фидойи ўқитувчилар сони Жиззах вилоятидаги Бахмал тумани таълим муассасаларида ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда. Шулардан бири ўз касбининг фидойиси Бахмал туманидаги 4-лицей-интернатнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Исмат Исрофиловдир.

И.Исрофилов бошланғич синфда таҳсил олаётган даврданоқ ўқитувчиларига ўзгача ҳурмат билан қараб, дарсларни қунт ила ўрганишга ҳаракат қилди. Талабалик йилларида ҳам устозларидан ўқитувчилик касбининг сир-синоати, унинг масъулиятли вазифалари ҳақида таълим олар экан, унинг нақадар машаққатли, шу билан бирга шарафли иш эканлигини тўла англаб етди. 1974 йили институтни муваффақиятли тугатгач, Бахмал туманидаги 47 - ўрта мактабга ишга келди. Исмат Исрофилов ўз тиришқоқлиги боис ўқувчиларга пухта билим бериш мақсадида туманда биринчилардан бўлиб, лингафон кабинетини ташкил қилган. Иқтидорли ўқитувчининг изланиш ва интилишларини кўрган Жиззах вилояти ХТБ ходимлари у кишини 1998 йилда вилоятдаги 4 - лицей-интернатга ишга таклиф этишди. Ҳозирда устоз ўз меҳнат фаолиятини ушбу масканда муваффақиятли давом эттирмоқда.

И.Исрофилов лицейда ўқувчиларга хорижий тилларни ўқитишда чуқур ва асосли билим бериш мақсадида изланувчи, тажрибали ўқитувчи сифатида вилоят ва республика миқёсида ўтказилиб келинаётган методик тадбирларда доимо фаол иштирок этиб, яхши натижаларга эришмоқда. 1999 йилдан буён ўқитувчи ўзининг бир неча ўқувчилари билан биргаликда АКСЕЛС ташкилотининг танловида қатнашиб келмоқда. 2001 йил 10-синф ўқувчиси Лочин Эсонов ушбу ташкилот танловининг 3-босқич имтиҳонларини муваффақиятли топширди ва АҚШда ўқиш имкониятини қўлга киритди. Ҳозирги кунда И.Исрофиловдан таълим-тарбия олган ўқувчиларнинг кўпчилиги юртимизнинг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олаётганлиги ўқитувчини ҳам шодлантиради.

Д.МИРЗАЕВА,
Бахмал тумани ХТБ услубчиси

ЕТМИШ ЁШДАГИ САРҲИСОБ

Умрни оқар дарёга менгзашади. Дарё эса ўз оқими давомида қанчадан-қанча ниҳолларни суғориб, уларнинг улғайишига замин яратади. Ўқитувчилик касбини ҳам дарёга қиёсласак арзийди. Зеро, бу касб эгаси ҳам ўз умри давомида кўплаб ниҳолларнинг тўғри ўсиб-улғайишига муносиб ҳисса қўшади. Аслида ўқитувчилик касбига ҳар қандай таъриф ярашади ва ҳар бирининг замирида ширин машаққат ётади. Машарип Жумабоевнинг бу касбга бағишлаган қирқ йиллик умри ҳам ана шундай ширин машаққат билан кечди.

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги 64-мактаб жамоаси М.Жумабоевни 1992 йилда тантанали равишда нафақага кузатган бўлсада, устоз-мураббий мактаб ҳаётидан тўла узилиб кетгани йўқ. Яъни, у шу кунга қадар қадрдон мактабига бориб шогирдларига йўл-йўриқ кўрсатишни канда қилмайди. Машарип Жумабоев бугунги кунидан хурсанд. Чунки унинг фарзандлари — шогирдлари бугун мамлакатимизнинг турли бурчакларида давлатимиз тараққиётига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келаётирлар.

Эртасини ўйлаган киши борки, эзгулик қилишга чоғланади. Умри давомида ўзига савол беради: "Нима қилишга улгурдиму..." Таъкидлаш жоизки, бугун ўзининг қутлуғ етмиш ёшини нишонлаётган устоз-мураббий Машарип Жумабоев ўтган умрига мамнуният билан назар ташлашга ҳақлидир. Зеро, бугунги кунда ҳам унинг меҳр зиёсидан кўплаб шогирдлари, невaралари баҳраманд бўлмоқда. "Қарияларни қадрлаш йили"да улар кекса мураббийга янада бардамлик, узоқ умр тилайдилар.

Ш.НИШОНОВ

ТЕСТ ТИЗИМИДА ЯНГИ ЖАРАЁН

Таълим тизимида рўй бераётган ислоҳотларнинг натижаси ўлароқ, ёшларимизда кундан-кунга билим олишга бўлган қизиқиш тобора ортмоқда. Республика мактаблари ва лицейлари ўқувчилари учун дарсликлар, қўлланмаларнинг камлиги, баъзи ҳолларда уларнинг номукаммал эканлиги ҳамда уларни республикамизнинг узоқ вилоятларида жойлашган мактаб ва лицейларга ўз вақтида етказиб беролмаслик ҳоллари кузатилмоқда. Шу сабабли ҳамда ўқувчиларни ўқитиш сифатини юқори даражага кўтариш, ёшларимизнинг мустақил билим олишини қўллаб-қувватлаш, ёшларга ва умуман, ҳар қандай шахсга ўз билим даражасини назорат қилиш имкониятини яратиб бериш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказида мактаб, лицей ўқувчилари ва малака ошириш институтлари ўқитувчилари ва умуман, ўз билимини оширмоқчи бўлган ҳар бир шахс учун мўлжалланган компьютер технологияларининг барча талабларига тўлақонли жавоб берувчи "Талаба", "DataCollect" ва бошқа махсус дастурлар яратилди. Бу дастурнинг яратилишидан асосий мақсад, фойдаланувчиларга тест топшириқлари орқали мустақил таълим беришдир. Шу билан бирга бу дастур олий ўқув юртларига кирувчилар учун беминнат репетитор вазифасини ҳам ўтайди.

Дастур барча фанлар кесимида фан бўлимлари бўйича яратилган махсус маълумотлар базаси билан ишлайди. Маълумотлар базаси давлат стандартларига мос келувчи дарсликлардан, методик қўлланмалардан тўпланган билимлар мажмуасидан, кўп йиллик тест синовлари натижалари асосида ишлаб чиқилган дидактик материаллардан, тестлардан иборат бўлиб, мазмун ва кўламига кўра ноёб ҳисобланади. Дастурга ҳар бир фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўқув материаллари, ёрдамчи маълумотлар ва тест топшириқлари киритилган. Ўқув материаллари мактаб дарслигидан фарқли ўлароқ қисқа ва лўнда бўлишига ҳаракат қилинган. Дастурда баъзи бир ўқув материаллари (масалан, физик қонуниятлар ва ҳодисалар, кимёвий реакциялар, биологик жараёнлар) ҳаракатли тасвирларда ҳам берилади. Ўқув материалининг баёнида ўқитувчининг тажрибаси, малакаси ва педагогик маҳорати ҳисобга олинган. Шунингдек, дастурда ишлаш жараёнида фойдаланувчилар учун Давлат тест марказида тузилган фанлар бўйича дам олиш ўйинлари, мусиқалар ҳам таклиф қилинади.

Келгусида дастурни янада такомиллаштириш назарда тутилган. Бунинг учун дастурдан ИНТЕРНЕТ тармоғи орқали фойдаланишни йўлга қўйиш, мультимедия имкониятларидан кенг фойдаланиш, фойдаланувчиларнинг Давлат тест маркази сервери билан боғланиши, Давлат тест марказида ягона интеллектуал базани тўплаш, тўпланган база асосида қобилиятли ёшларни ўқув юртларига йўллаш учун сертификатлар бериш режалаштирилган. Ушбу тадбирларнинг барчаси мамлакатимиз тест тизимининг янги жараёнга кираётганлигидан далолат беради.

Абдулҳамид АБДУАҲАД ўғли

ТАЛАБАЛАР АНЖУМАНИ

Яқинда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультети талабалари иштирокида "Маънавият, тасаввуф ва мафкура" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ушбу анжуманни ўтказиш учун тўрт ой давомида пухта тайёргарлик кўрилди, илмий маърузалар ҳамда турли музейларда олиб борилган амалий машғулотлар анжуман учун асқотди.

Анжуман эркин баҳс ва қизиқарли мунозаралар билан қизғин тус олди. Талабалардан Нилуфар Саидованинг "Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир" номли асарида маънавиятнинг ифодаланиши, Дилдора Аҳадованинг "Алишер Навоийнинг "Насойимул муҳаббат" асарида тасаввуфнинг инъикос этиши", Гулчеҳра Баратованинг "Абу Лайс Самарқандийнинг "Танбеҳул ғофилун" асарида маънавият ва тасаввуф", Мамаюсуф Дониёровнинг "Мирзо Абдулқодир Бедил ижодида тасаввуф манзараси" сингари илмий маърузалари дўстона тортишувларга сабаб бўлди.

Ушбу ёш файласуфлар анжумани бизга бегона бўлган ҳар хил мафкураларни танқидий инкор этишга асос ҳосил этиши билан биргаликда маънавият, маърифат, тасаввуф ва мафкура тушунчаларининг бир-биридан тафовутли жиҳатларини пайқаб олишга алоҳида эътибор тортганлиги билан ибратлидир.

Назира МАДИЁРОВА,
талаба

Tashabbus

Улар тақдим этган лойиҳалар замонавийлиги, даромад келтириш даражаси, ижтимоий соҳага йўналтирилганлигига кўра аҳамиятлидир. Натижаларга кўра, водий шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини Андижон Давлат тиллар педагогика институтининг "SIFE-АДТПИ" жамоаси қўлга киритди.

ТАДБИРКОРЛИК ТАЛАБАГА ҲАМ КЕРАК

"SIFE" сўзи қисқартирилган инглизча ибора бўлиб, "Эркин тадбиркорликдаги талабалар" деган маънони англатади. "SIFE" халқаро ҳаракатдир. У дунё талабаларини эркин тадбиркорликка чорлайди. Бу ҳаракат XX асрнинг 80-йиларида АҚШда ташкил топган бўлиб, ҳозирда умумжаҳон доирасида иш олиб бормоқда.

"SIFE" жамоаларининг сони жаҳоннинг 32 давлатида 1200 тага етди. Шундан 750 таси АҚШ олий ўқув юртларидадир. Демак, "SIFE" ҳаракати тобора оммалашмоқда.

"SIFE" ҳаракатининг Ўзбекистондаги бошқармаси Тошкент шаҳрида 2000 йилда очилган. Икки йилдан буён ўзбекистонлик талабалар ҳам АҚШ ва Буюк Британия давлатларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиб келмоқдалар.

Шу кунларда "SIFE" ҳаракатини вилоятларда ҳам кенг ёйишга эътибор кучаймоқда. Жорий йилнинг апрель ойида Фарғона Давлат университетида ўтказилган водий биринчилиги ҳам фикримизнинг далилидир. Унда Андижон, Наманган ва Фарғона институтларидан 4 та жамоа иштирок этди.

Бизнес-лойиҳаларни тақдим этиш ва ҳимоя қилишда жамоанинг А.Юсупов, Н.Исмоилова, А.Жўраев, Г.Толипова, Ж.Бегматов, Ж.Давронов каби аъзоларининг чиқишлари ўз самарасини берди. Улар ўз лойиҳаларини инглиз тилида баён қилиб, юксак мақсадларни кўзлаётганликларини намойиш қилдилар. Ушбу жамоа 2002 йил февраль ойида Андижон халқаро "Rotazact" клуби асосида вужудга келган эди. Ҳозиргача жамоа катта ва кичик, тижорат ва нотижорат йўналишида 10 га яқин лойиҳаларни амалга оширган. Айни вақтда бир қанча лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда.

О.СИДДИҚОВ

ТАБИАТНИ АСРАШ БАРЧАНИНГ ВАЗИФАСИ

Биз ўқувчиларнинг дарсдан кейинги бўш пайтларимизни мазмунли ташкил этишда тўгаракларнинг аҳамияти беқиёс. Ўша тўгаракларга қатнашиш учун бизларда ҳафсала ва қунт бўлса бас. Шунинг билан биргаликда тўгараклар томонидан қизиқтириш ва тарғибот қилиш ишлари ҳам амалга оширилганда унинг ҳам самараси ўзига яраша бўларди. "BIOEKOSAN" Республика ўқувчи ёшларининг ўқув-услубий мажмуасида ташкил этилган тўгаракларда шундай ташвиқот ишлари олиб борилганки, Тошкент шаҳридаги турли хил мактаб ўқувчилари бу ердаги атроф-муҳит муҳофазасига йўналтирилган тўгаракларга ҳам қатнашдилар. Яқинда ушбу тўгаракларга келаётган зукко ўқувчилар ташаббускорлигида Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида давра суҳбати ўтказилди. Анжуманда иштирок этган А.Жабборов, Н.Пенкова, С.Тошмуҳамедова, С.Позилова, М.Саидаҳмедова ва М.Зоидова каби пиру бадавлат қариялар кекса авлоднинг ёшлик чоғидаги табиатга муносабати ва бугунги кундаги экологик муаммоларнинг ечимига биз ёшлар қандай ёрдам беришимиз мумкинлиги ҳақида маслаҳатлар беришди. Айниқса, кексаларимиз ўз ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб жонли табиатимизга боғлиқ бўлган қизиқарли воқеаларни эслашганда йиғилган ўқувчилар давраси жонланиб кетди. Уларнинг илмий, мураккаб тилдан холи бўлган табиий насиҳатлари барчамизга ёқиб тушди.

Зеро, бундай учрашув ва суҳбатлар нафақат тўгаракларга қатнашадиган қизиқувчилар балки барча мактаб ўқувчилари ўртасида ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Малоҳат ЭРХОНОВА,
Тошкент шаҳридаги 9-тарих фанига ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси

61-АНЖУМАН

Талабаларнинг ўз устида тинимсиз ишлашлари, мустақил изланишлари уларнинг келажакда етук кадр сифатида шаклланишига замин ҳозирлайди. Шу маънода 1-Тошкент Давлат тиббиёт институтида бўлиб ўтган талабаларнинг 61-илмий анжумани муҳим аҳамиятга эга. Бой тажрибалар асосида ташкил қилинган бу анъанавий тадбир ҳам тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларини фаннинг янги-янги йўналишларида изланишлар олиб боришга чорлайди.

Институт ректори Т.Даминов тадбирнинг амалий аҳамияти ҳақида гапирар экан, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг навбатдаги сифат босқичида кўрсатилган вазифаларни адо этишда талабаларнинг ташаббуслари юқори натижалар беришини ҳамда келгусидаги илмий изланишларига туртки бўлишини таъкидлади.

Шундан сўнг талабалар тиббий биология, терапия, стоматология, жарроҳлик йўналишлари бўйича тўрт тармоққа бўлинган ҳолда маъруза қилдилар ва улар юзасидан муҳокамалар бўлиб ўтди.

Икки кун давом этган анжуманда тиббиётнинг турли соҳаларига оид мавзулар қамраб олинди. Шунингдек, ОИТС ва гиёҳвандликка қарши қаратилган, ёшларни ёмон иллатлардан сақланишга ундовчи тарбиявий мазмундаги чиқишлар ҳам эътибордан четда қолмади.

Айтиш мумкинки, 130 дан ортиқ маърузалар орасида тиббиёт фанига янгилик сифатида киритиш мумкин бўлганлари ҳам бор эди. Энг яхши маърузалар аниқланиб, муаллифлар сертификат ва диплом билан тақдирландилар.

Фаррух БЎТАЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

Энг асосий сабаб аттестатга баҳони орттириб қўйиб, адолат мезонининг бузилганлиги, таълим сифатининг пастлиги, абитуриентнинг касб танлашдаги камчилик ва тест технологияси талабларини билмаслиги бўлиши мумкин. Бундай абитуриентларнинг бир гуруҳи ҳақидаги маълумот қуйида келтирилган.

КЎЗГУДА АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Андижон ёшларга илм бериш бўйича катта салоҳиятга ва имкониятга эга вилоят ҳисобланади. Вилоятда бешта олий ўқув юрти мавжуд бўлиб, 2001 йилда 12409 абитуриентдан ариза тушган. Улардан 1076 таси давлат гранти бўйича ўқишга қабул қилинган.

Абитуриентларнинг тестдаги самарадорлиги 1999 йилда 35,64% бўлиб, 6 ўринга, 2000 йилда 32,65% бўлиб, 8 ўринга ва 2001 йилда 33,36% ни ташкил этиб 3 ўринга тўғри келган. Вилоятнинг ўтган йилга нисбатан самарадорликда 5 поғона кўтарилиши жуда катта ютуқ ҳисобланади. Лекин таълим тизимида, тестга тайёрланишда маълум камчилик ва фойдаланилмаган имкониятлар мавжуд.

Вилоят абитуриентларининг 2001 йилдан фанлар бўйича жавоблар самарадорлиги ўрганилганда ўзбек гуруҳлари бўйича деярли барча фанларда ўсиш кузатилган. Фақат француз тилидан вилоят ўтган йили 7 ўринни олган. Ўзбек гуруҳлари бўйича аниқ маълумот қуйида келтирилган:

(ўзбек гуруҳлари)

Фан номи	2000 йил		2001 йил	
	Самарадорлик	Ўрин	Самарадорлик	Ўрин
Ўзбек тили ва адабиёти	28,50	8	27,22	7
Математика	34,88	8	37,62	7
Физика	27,35	10	27,45	9
Биология	34,48	9	37,94	3
Кимё	31,99	11	32,74	3
Тарих	31,88	10	31,00	7
География	40,92	6	41,52	4
Инглиз тили	33,93	10	34,99	9
Немис тили	32,05	3	33,16	1
Француз тили	30,55	7	29,91	7

Рус гуруҳларида 2 та фандан (кимё ва немис тили) ўсиш ва 4 фандан пасайиш (математика, биология, инглиз ва француз тили) содир бўлган.

Вилоятнинг тест имтиҳонида энг юқори натижага эришган туман ва шаҳарлари республикадаги илғор туман ва шаҳарларга таққосланганда, Шаҳрихон шаҳридан тестда қатнашган абитуриентлар тарих фанидан 48,53% самарадорлик билан Республикада энг юқори ўринни эгаллаган. Биология, кимё, немис тилидан ҳам самарадорлик юқори бўлган. Лекин фойдаланилмаган имкониятлар ҳам мавжуд. Чунки математика, физика фанлари бўйча илғорлардан 5-6% гача кам натижага эришилди. Аниқ маълумот қуйида келтирилган:

(ўзбек гуруҳлари)

Вилоят кўрсаткичлари				Республика кўрсаткичлари			
Фан	Туман ёки шаҳар номи	Қатнашган	Самарадорлик	Вилоят номи	Туман ёки шаҳар номи	Қатнашган	Самарадорлик
Она тили ва адабиёти	Шаҳрихон шаҳри	36	30,56	Бухоро вилояти	Тўқимачилик тум.	284	33,26
Математика	Қорасув шаҳри	37	44,44	Самарқанд вилояти	Боғишамол тумани	356	50,98
Физика	Хонобод шаҳри	17	36,76	Қашқадарё вилояти	Баҳористон тумани	16	47,57
Биология	Қорасув шаҳри	13	44,66	Бухоро вилояти	Пешку тумани	253	46,97
Химия	Шаҳрихон тумани	137	41,48	Қашқадарё вилояти	У.Юсупов тумани	81	42,32
Тарих	Шаҳрихон шаҳри	17	48,53	Андижон вилояти	Шаҳрихон шаҳри	17	48,53
География	Жалақудуқ тумани	45	51,73	Тошкент шаҳри	С.Раҳимов тумани	17	57,10
Инглиз тили	Хонобод шаҳри	48	42,48	Бухоро вилояти	Когон шаҳри	47	53,13
Немис тили	Булоқбоши тумани	62	42,38	Самарқанд вилояти	Боғишамол тумани	50	44,17
Француз тили	Булоқбоши тумани	122	35,66	Бухоро вилояти	Ромитон тумани	54	46,60

Вилоятнинг тест имтиҳонида энг паст натижага эришган туман ва шаҳарлари ўрганилганда, Бўз тумани физикадан 20,98% самарадорлик кўрсатиб, Республика бўйича энг паст ўринни эгаллаган. Вилоятнинг тестда энг паст натижага эришган туман ва шаҳарлари Республикадаги шундай туман ва шаҳарлардан 5-7% гача фарқ қилса ҳам, мамлакат бўйича паст кўрсаткичга эришган туманнинг мавжудлиги таълим ишларида абитуриентларни тестга тайёрлашда камчилик борлигини кўрсатади. Аниқ маълумот қуйида келтирилган:

(ўзбек гуруҳлари)

Вилоят кўрсаткичлари				Республика кўрсаткичлари			
Фан	Туман ёки шаҳар номи	Қатнашган	Самарадорлик	Вилоят номи	Туман ёки шаҳар номи	Қатнашган	Самарадорлик
Она тили ва адабиёти	Жалақудуқ тумани	777	25,88	Қорақалпоғистон Рес.	Бўзатов тумани	22	21,34
Математика	Шаҳрихон шаҳри	13	30,56	Навоий вилояти	Томди тумани	27	25,51
Физика	Бўз тумани	56	20,98	Андижон вилояти	Бўз тумани	56	20,98
Биология	Балиқчи тумани	262	32,93	Сирдарё вилояти	Сайхунобод тумани	122	27,14
Химия	Хўжаобод тумани	89	28,34	Сурхондарё вилояти	Шеробод тумани	108	23,77
Тарих	Хўжаобод тумани	234	28,79	Қорақалпоғистон Рес.	Хўжайли шаҳри	25	26,11
География	Бўз тумани	12	35,19	Сурхондарё вилояти	Қумқўрғон тумани	31	28,05
Инглиз тили	Жалақудуқ тумани	188	29,42	Сурхондарё вилояти	Бандихон тумани	74	22,67
Немис тили	Улуғнор тумани	11	22,22	Фарғона вилояти	Сўх тумани	12	19,21
Француз тили	Олтинкўл тумани	35	23,73	Қашқадарё вилояти	Нишон тумани	14	20,44

Вилоят туманлари бўйича абитуриентларнинг самарадорлик кўрсаткичи ўрганилди. Вилоятнинг 15 та тумани 37,91 дан 32,35% гача самарадорлик билан Республика

DTM tahlili

бўйича 4 дан 91 гача бўлган ўринни эгаллаган. Лекин 4 та туманнинг самарадорлиги бирмунча паст эканлиги кўзга ташланди. Аниқ маълумот қуйида келтирилган:

(Олий ўқув юртларининг кундузги, ўзбек гуруҳлари)

т.р	Туман ёки шаҳар номи	Самарадорлик 2001	Республикада тутган ўрни
1.	Хонобод шаҳри	37,91	4
2.	Андижон шаҳри	36,25	17
3.	Шаҳрихон шаҳри	34,86	34
4.	Булоқбоши тумани	34,6	36
5.	Қорасув шаҳри	34,24	40
6.	Асака шаҳри	33,53	52
7.	Шаҳрихон тумани	33,43	55
8.	Андижон тумани	33,35	58
9.	Хўжаобод тумани	33,18	63
10.	Пахтаобод тумани	32,88	72
11.	Қўрғонтепа тумани	32,77	76
12.	Жалақудуқ тумани	32,71	80
13.	Олтинкўл тумани	32,62	83
14.	Марҳамат тумани	32,56	85
15.	Избоскан тумани	32,35	91
16.	Балиқчи тумани	31,24	131
17.	Улуғнор тумани	30,96	142
18.	Бўз тумани	30,96	143
19.	Асака тумани	30,47	158

Вилоят абитуриентларининг тестда тўплаган баллари бўйича тақсимланиши ўрганилди. Чунки бу маълумот абитуриентларнинг тестда жавоблар самарадорлигини, тестга тайёрлаш сифатини чуқурроқ ўрганиш имкониятини беради. Натижа шуни кўрсатадики, 0 дан 30% самарадорликка эришган абитуриентлар 5568 нафар бўлган. Тестда юқорироқ кўрсаткичга, яъни 70 дан 100% самарадорликка 274 абитуриент эришган. Демак, жами абитуриентлар орасида бўшроқ билимга эга бўлганлар сони кўпдир.

Абитуриентларнинг таълим йўналишлари бўйича тақсимланиши таҳлил этилганда, иқтисодиёт, педагогика ва бошланғич таълимга қизиқиш устунлиги кўзга ташланади. Айниқса математика ва техникага, юриспруденцияга қизиқиш кучайганлигини ижобий ҳол сифатида таъкидлаш керак.

Вилоятнинг ўқувчилари фанлар бўйича тестда юқори натижа кўрсатган мактаблари ўрганилди. Пахтаобод туманидаги 21 мактаб ўқувчилари немис тилидан 68,29%, Жалақудуқ туманидаги 18 мактаб ўқувчилари географиядан 68,25%, Марҳамат туманидаги 7 мактаб ўқувчилари инглиз тилидан 60,65%, Балиқчи туманидаги 5 мактаб ўқувчилари математикадан 67,04% самарадорлик кўрсатиб, энг юқори кўрсаткичларга эришганлар.

Вилоятда тест бўйича паст натижага эришган мактаблар ҳам мавжуд. 117 та мактабдан ўқишга кириш учун ариза топширган 1089 абитуриентлардан бирортаси ҳам тестда тегишли балл тўплаб ўқишга кира олмаган. Андижон туманидаги 2 мактабдан 20, Асака туманидаги 2 мактабдан 20, 35 мактабдан 19, Шаҳрихон туманидаги 13 мактабдан 27, 45 мактабдан 22, Пахтаобод туманидаги 7 мактабдан 43, Балиқчи туманидаги 3 мактабдан 25 нафар абитуриент ўқишга ҳужжат топшириб бирортаси ҳам етарли балл тўплай олмаган.

Тест имтиҳонида Шаҳрихон туманидаги 13 мактаб ўқувчилари немис тилидан 14,58% , Андижон туманидаги 2 мактаб ўқувчилари математикадан 13,89%, Андижон шаҳридаги 27 мактаб ўқувчилари биологиядан 13,19% самарадорлик кўрсатиб, паст натижага эришган.

Вилоят абитуриентларининг аттестат бўйича ўртача баллари тест натижаларига таққосланиб ўрганилди. Аттестат бўйича 4,7 дан 5 баллгача бўлган кўпгина абитуриентлар тестда ҳам юқори балл тўплаб, ўз мақсадларига эришганлар. Улар вилоятдаги ва Тошкентдаги энг нуфузли олий ўқув юртларига кира олганлар. Бу аттестатга қўйилган баҳонинг реаллигини, ўқиш даврида абитуриент чуқур ва пухта билим олганлигини кўрсатади. Бундай абитуриентларнинг бир гуруҳи ҳақидаги маълумот қуйида келтирилган.

(ижобий ҳол)

Т.р.	Тестда топширилган ўқув юрти	Туман	Мактаб рақами	Аттестат ўртача баҳоси	Тестда олган бали
1.	Тошкент давлат иқтисодиёт университети	Андижон шаҳри	1	5	211
2.	Тошкент давлат иқтисодиёт университети	Балиқчи тумани	8	5	208,4
3.	Тошкент юридик институти	Пахтаобод тумани	20	5	207,5
4.	Тошкент давлат иқтисодиёт университети	Пахтаобод тумани	3	5	206,7
5.	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети	Андижон шаҳри	1	4,9	206,5
6.	Тошкент давлат иқтисодиёт университети	Булоқбоши тумани	10	5	206,3
7.	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети	Андижон шаҳри	1	5	203,2
8.	Андижон муҳандислик иқтисодиёт институти	Андижон шаҳри	1	5	202,5
9.	Андижон давлат тиллар педагогика институти	Андижон шаҳри	14	5	201,1
10.	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети	Шаҳрихон шаҳри	2	4,9	200,2

Аттестатининг ўртача баҳоси 4,6 дан 5 баллгача бўлиб, тестда жуда паст натижа кўрсатган абитуриентлар ҳам бор. Бунинг жуда кўп сабаби бўлиши мумкин. Энг асосий сабаб аттестатга баҳони орттириб қўйиб, адолат мезонининг бузилганлиги, таълим сифатининг пастлиги, абитуриентнинг касб танлашдаги камчилик ва тест технологияси талабларини билмаслиги бўлиши мумкин. Бундай абитуриентларнинг бир гуруҳи ҳақидаги маълумот қуйида келтирилган.

(салбий ҳол)

Т.р.	Тестда топширилган ўқув юрти	Туман	Мактаб рақами	Аттестат ўртача баҳоси	Тестда олган бали
1.	Андижон давлат университети	Бўз тумани	1	4,7	22,3
2.	Андижон давлат тиллар педагогика институти	Пахтаобод тумани	9	4,8	23,3
3.	Андижон давлат университети	Избоскан тумани	8	5	24,5
4.	Андижон муҳандислик иқтисодиёт институти	Қўрғонтепа тумани	5	5	25,3
5.	Андижон давлат университети	Андижон шаҳри	27	5	26,4
6.	Андижон қишлоқ хўжалик институти	Олтинкўл тумани	21	4,6	26,5
7.	Андижон қишлоқ хўжалик институти	Қўрғонтепа тумани	2	5	27,3
8.	Тошкент Иккинчи тиббиёт институтининг Фарғона филиали	Асака тумани	42	4,6	27,4
9.	Андижон қишлоқ хўжалик институти	Олтинкўл тумани	31	5	27,4
10.	Фарғона давлат университети	Шаҳрихон тумани	11	5	27,5
11.	Андижон давлат университети	Асака тумани	2	4,8	27,6
12.	Фарғона политехника институти	Марҳамат тумани	3	4,8	27,7
13.	Фарғона политехника институти	Марҳамат тумани	6	4,8	27,8
14.	Андижон давлат университети	Олтинкўл тумани	25	4,9	28,3
15.	Андижон давлат университети	Шаҳрихон тумани	1	4,6	28,3

Андижон вилоятида таълимни мукаммаллаштириш, касб танлаш, ўқувчиларни ўқишга қизиқтириш бўйича маълум ишлар олиб борилганлиги кўзга ташланади. Шунинг натижасида вилоят тест натижасига кўра юқори ўринга кўтарила олган.

Тестга абитуриентларни тайёрлаш, унинг технологиясини ўргатиш, бу натижаларни таълим жараёнини мукаммаллаштиришга жорий этиш бўйича тегишли ишларни олиб бориш зарур.

М.МУҲИТДИНОВ,
Давлат тест маркази директори

"Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар"

ФАНИНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИДА ЎРГАНИШ БЎЙИЧА МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМА

Мазкур методик қўлланма ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда яратилган бўлиб, унда 24, 18 ва 12 кунлик ўқишга мўлжалланган курс режалари ва "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани машғулотларининг мазмуни ўқитувчиларга тавсия этилган.

Қўлланмада "Ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун кураш" алоҳида бўлим сифатида ифодаланган. Дунёнинг ҳозирги ғоявий-мафкуравий манзараси, бунёдкор ва тажовузкор ғоялар, мафкуралар, уларнинг инсон қалби ва онги-миллий истиқлол ғоясини сингдиришнинг дифференциал педагогик-психологик дастурини яратиш, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида ўқувчи-талабалар онгида миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини шакллантириш ишларини узлуксиз тарзда олиб бориш, ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларда уни теран акс эттириш, мактаб, лицей, коллеж, институт ва университетларда мафкуравий тарбияни бугунги кун талаблари даражасига кўтариш, педагог кадрларнинг мафкура борасидаги билимларини чуқурлаштириш каби ўқитувчиларнинг вазифалари кўрсатилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказий институти олимлари томонидан тайёрланган ўқув қўлланмаси ўқитувчи орқали таълим-тарбия жараёнида миллий истиқлол ғоясини ўқувчилар онги ва қалбига етказишда манба бўлиб хизмат қилади.

У.МАҲКАМОВ,
педагогика фанлари доктори,
профессор,

М.ШОХЎЖАЕВ,
Фарғона вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори

ЎҚИТУВЧИ — АСОСИЙ ТАРҒИБОТЧИ

Бугунги кунда ўсиб келаётган ёш авлодни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш руҳида тарбиялаш — миллий истиқлол мафкурасининг бош ғоясидир.

Миллий истиқлол ғояси тушунча ва тамойилларининг маъно-моҳиятини ўқувчилар қалби ва онгига сингдириш мақсадида С.Зияев, Н.Ремеев, С.Усмонов томонидан тайёрланган "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанини халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида ўрганиш бўйича методик қўлланма муҳим аҳамиятга эга.

Унда — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарларида миллий истиқлол мафкурасининг илмий, назарий ва амалий асослари;

— Миллий ғоя ва мафкура тушунчалари, уларнинг халқлар ва давлатлар тарихига таъсири, глобаллашув жараёнлари кечаётган ҳозирги шароитда мафкуравий сиёсатнинг ўрни;

— Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият ва бу жараёнда миллий истиқлол ғоясининг қандай аҳамият касб этиш ва бошқа йўналишлар илмий-методик жиҳатдан ишлаб чиқилган.

ға таъсири, XX асрда дунёда ғоявий қарама-қаршиликларнинг кескинлашуви, жаҳондаги мафкуравий манзара ва маънавий муҳитдаги ўзгаришлар, жаҳонни мафкуравий бўлиб олиш ва ўз таъсирига тортишга уринишлар, буюк давлатчилик шовинизми ва зарарли ғоялар моҳияти ҳамда уларга қарши кураш зарурлиги ҳақида методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Қўлланманинг назарий аҳамияти шундаки, унда XXI асрда Ўзбекистон тараққиётининг истиқболлари бўлган Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби асосий ғоялар асосида таълим муассасаларида болалар ва талабаларнинг ёшига мос равишда



КЕРАКЛИ КИТОБ

Орзиқиб кутилган сўнгги қўнғироқ онлари ҳам етиб келди. Ўқув йили тугаши билан одатдагидек ёзги таътил бошланади. Уйларида дам олаётган аксарият ўқувчилар эса бир қадар назоратсиз қолишади. Пировардида улар томонидан содир этиладиган йўл ҳаракати қоидабузарликларининг сони нисбатан ортади.

Бундай нохушликларнинг олдини олиш мақсадида мактаб дастурларига йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш соатлари киритилган. Бироқ, маълумки, унга бошқа асосий фанларга нисбатан анча кам соат ажратилган. Шу билан бирга, болаларнинг йўл ҳаракати қоидаларини мустақил ўрганишлари учун зарур бўлган қўланмаларнинг, айниқса, лотин алифбосидаги ўйинлар ва бошқа дидактик материалларнинг етишмаслиги ўқитувчилар ва ота-оналарга яхши маълум. Назаримизда, Р.Диметов ва Р.Тумпаровлар томонидан яратилган "Йўл ҳаракати хавфсизлиги алифбоси" бу бўшлиқни тўлдиришга бир қадар хизмат қилади.

Рангли суратлар билан безатилган мазкур китобча кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга мўлжалланган бўлиб, унда йўл ҳаракати қоидалари содда ва равон тилда ҳикоя қилинади. Ўқувчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини пухта ўзлаштириб олишига ёрдамлашиш, уларнинг қизиқишларини орттириш мақсадида муаллифлар китобчада "Светофор викторинаси" деб аталган ўйинни болалар ҳукмига ҳавола қилишади. Бундан ташқари, китобчада берилган йўл белгиларининг ўқувчилар томонидан бўялиши, йўл ҳаракати қоидаларига оид турли саволлар ва бошқотирмалар ҳам уларнинг йўл белгилари элементларини мукаммал эгаллаб олишига хизмат қилади.

Рисоланинг ранг-баранг чиқишида муаллифлар билан бирга нашриёт рассом ва дизайнерлари ҳам фаоллик кўрсатишган. Натижада ҳар бир ўқувчининг шуурига етиб борадиган, унинг йўл ҳаракати қоидаларини мукаммал эгаллашида кўмаклашадиган, энг муҳими, лотин ёзувига асосланган янги алифбодаги қизиқарли ва фойдали китобча яратилган.

Илк муваффақиятлардан илҳомланган муаллифлар яна бир хайрли ишга қўл уришди. Энди улар "Аълочи пиёда" ("Йўл ҳаракати қоидаларини биласизми?") мавзуидаги стол ўйинини тайёрлашга киришдилар. Ўйлаймизки, муаллифлар Р.Диметов ва Р.Тумпаровларнинг бу янги қўлланмаси ҳам ўқувчилар учун ғоятда фойдали бўлади.

Саноатхон ҚУРБОНОВА

ЭЗГУЛИК ДУНЁСИНИ ЯРАТИШ

Адабиёт дарсларининг бош мақсади ўқувчилар қалбида эзгулик дунёсини яратиш экан, демак, муаллимнинг ўзи аввало, ижодкор, изланувчан, қўлидан келганча инсонларга яхшилик қила билиши лозим. "Шарқ" нашриёт матбаа акциядорлик компанияси томонидан чоп этилган "Дарс ҳам ижод" методик тавсияномаси ва ундаги ижодий дарс матнлари она тили ва адабиёт ўқитувчиларига сабоқ бериш жараёнида жуда қўл келади. Китобча муаллифи, Юнусобод туманидаги 260-мактаб муаллимаси Хилола Алимова "Мумтоз адабиёт ва миллий истиқлол мафкураси" дарсига Демокритнинг "Мен бирор бир гўшада эмас, жумлаи жаҳонда яшамоқ учун туғилганман", "Жасорат — инсоний фазилат" дарсига эса Цицероннинг "Қисқа ифодаланган ўткир фикрлар ҳаётни яхшилашга кўп хизмат қилади" каби пурҳикмат сўзларини шиор қилиб олади.

Ёзувчи Тоҳир Малик, Ўткир Ҳошимов, шоира Зулфия ижодига бағишланган дарс ишланмалари ҳам янгича педагогик технологияга ижодий ёндошган ҳолда адабиёт дарсларини ташкил этишда ёрдам бериши билан аҳамиятлидир. Китобчани ўқир экансиз, ҳар бир дарс учун шиор, исбот этиладиган ҳақиқат танланиб, ўқувчилар турли гуруҳларга бўлиниб фикр алмашишларига гувоҳ бўласиз. Гуруҳлар билан ўтказиладиган лаҳзалик савол-жавоблар ўқувчиларни топқирликка, зукколикка, ҳозиржавобликка ўргатади. Асосийси, баҳс-мунозара тарзидаги бу дарслар ранг-баранг фикрларга, теран мушоҳадаларга бойлиги биз ни қувонтиради.

Адабиёт дарсларида юқоридаги ноанъанавий усулларни қўллай билиш ўқувчиларда боболаримиз меросини қадрлаш, инсоний фазилатларни эъзозлаш, тинчлигимизни ҳимоя қилиш каби тушунчаларни шакллантира боради. Демак, "Дарс ҳам ижод" китобчаси ҳар биримизга ҳамроҳ ва маслаҳатчи бўла олади.

Маҳмуда ВАЛИЕВА

"БИР ҚАДАМ" — ЙЎЛНИНГ БОШИ

Шеър йўли умр йўли каби узундир. Бу йўлнинг ўнқир-чўнқир, паст-баланд сўқмоқлари ҳам борки, унга тушганлар ҳамиша сергак нигоҳ, теран туйғулар билан қадам ташлаши лозим. Йўқса, тойилиб ёки адашиб кетиши ҳеч гапмас... Ғиждувонлик Негмурод Гулиев бу ҳақиқатни яхши англаган қаламкашлардан. У тумандаги 57-мактабда ёшларга математикадан дарс бериш билан бирга бадиий ижодда қобилияти борлигини исботлаётган ўқитувчи-ижодкордир. 2000 йилда "Бухоро" нашриётида Н.Гулиевнинг қизиқарли математикага бағишланган "Сеними, шошмай тур!" номли китоби нашр этилган бўлиб, унда ўттизга яқин масала, топишмоқ ва муаммолар асосан шеърий тарзда баён этилган эди. Яқинда "Бухоро" нашриёти ижодкор ўқитувчининг яна бир тўпламини босмадан чиқарди. "Бир қадам" деб номланган бу китобда Н.Гулиевнинг "Адашма, одам", "Чин дўст", "Умрим ўтар" каби ўнлаб, она-юртга садоқат, меҳр-оқибат, дўстлик мавзуларидаги шеърлари берилган. Айтиш ўринлики, мазкур тўпламда ижодкор ўқитувчининг бир неча ғазаллари, таниқли шоирлар Эркин Воҳидов ва Тошпўлат Ҳамид ғазалларига мухаммаслар ҳамда бадиий адабиётнинг туюқ жанрида битилган машқлари ҳам ўрин олган.

Албатта, ҳар бир нарсанинг биринчиси камчиликдан холи бўлолмайди. Бу ҳақда Н.Гулиевнинг ўзи ҳам бир сатрида "довонлардан дарак бермас йўлнинг боши", дея айтиб ўтади. Хулоса сифатида Н.Гулиевнинг "Бир қадам" билан йўлнинг бошида турганини айтиш ўринлидир. Кейинги қадамлари салмоғи эса ижодкор ўқитувчининг маҳорати қай даражада юксалишига боғлиқ.

БИЛАСИЗМИ?..

1970 йилги Мексика жаҳон чемпионатида илк бор ҳакамлар "сариқ" ва "қизил" карточкаларидан фойдаланишди. Ушбу биринчилигда олти футболчи огоҳлантирилди. "Қизил"га харидор топилмади.

✲✲✲

Бразилия терма жамоаси барча ўн олти ЖЧ да қатнашган ягона давлат ҳисобланади.

✲✲✲

Мексика терма жамоаси дарвозабони Антонио Карбахал беш (ЖЧ—50, 54, 58, 62, 66) та финал турнирида иштирок этган.

✲✲✲

Жаҳон чемпионати оммавийлигини оширши мақсадида Англия футбол лигаси 1966 йилги ЖЧ учун махсус эмблема таклиф қилди. Британия арслони тасвири кўрсатилган ушбу расм "Вилли" деб аталди ва биринчи марта чемпионат тимсолига айланди.

✲✲✲

Чемпионлик учун кечган финал беллашувида ГФР футболчилари бошқаларга нисбатан кўпроқ майдонга тушишган — 6 марта. Тенг ярмида чемпионлик насиб этган.

✲✲✲

ЖЧ тарихида энг тезкор гол муаллифи англиялик Брайан Робсондир. "Испания—82" чемпионатида у французлар дарвозасини 27-сониядаёқ забт этган.

✲✲✲

Бир финал турнирида энг кўп тўп киритган футболчи ЖЮСТ ФОНТЕН (Франция) ҳисобланади. 1954 йилги жаҳон чемпионатининг финал учрашувида у рақиблар дарвозасига 13 бор тўп йўллаган.

✲✲✲

Ўтказилган ўн олти ЖЧдан 6 тасида майдон эгалари чемпионлик шоҳсупасига кўтарилишган.

✲✲✲

Европа қитъасида уюштирилган биринчиликларда жанубий америкаликлар бор-йўғи бир марта голиб чиқишган. Бундай шарафга 1958 йилги Швеция ЖЧда Бразилия терма жамоаси мушарраф бўлган.

✲✲✲

Стадионга мухлисларни жалб қилиш борасида Рио-де-Жанейро шаҳридаги "Маракана"га тенг келадигани топилмаяпти. 1950 йилги ЖЧдаги Уругвай – Бразилия (2:1) финал учрашувига 199.854 шиқирроз йиғилган.

✲✲✲

"АҚШ—94" биринчилигидан бошлаб, жамоаларга галаба учун 3 очкодан бериш жорий қилинди.

✲✲✲

Финал турнирида қатнашиш насиб этган тўртта — Голландия, Ҳиндистони (1938), Австралия (1974), Заир (1974) ва Канада (1986) жамоалари рақиблар дарвозасини бир марта ҳам нишонга ола билмаган.

✲✲✲

Викторио Поццо — ўз жамоасини чемпионлик шоҳсупасига икки марта олиб чиққан ягона мураббийдир. Унинг раҳбарлигида Италия терма жамоаси 1934 ва 1938 йилларда дунёнинг энг кучли жамоаси номини олган.

✲✲✲

Бразилиялик Марио Загало ҳам футболчи, ҳам мураббий сифатида жаҳон чемпиони бўлган биринчи кишидир. ЖЧ—58 ва ЖЧ—62 да майдонда тўп суриб ва ЖЧ—70 да Бразилия терма жамоаси мураббийси сифатида бундай унвонни қўлга киритган.

✲✲✲

Энг қисқа турнир 1934 йилги чемпионатга тўғри келади—15 кун. Узоқ давом этган жаҳон чемпионати "АҚШ—94" (31 кун) ҳисобланди. "Франция—98"да бу борада рекорд қўйилди — 32 кун.

✲✲✲

1974 йилда чемпионатнинг "Энг яхши ўйинчиси" илк бор журналистлар сўрови асосида аниқланди. Энг кўп овоз голландиялик Йоханн Кройффга берилди — 372 очко. Иккинчи ва учинчи ўринларни немис Франц Беккенбауэр (278) ва поляк Казимеж Дейну эгаллади.

✲✲✲

"Франция—98" ЖЧда илк бор рекорд ҳисобда жамоа қатнашди — 32 та.



ТУРНИР ТАҚВИМИ

«A» ГУРУҲИ
ФРАНЦИЯ, СЕНЕГАЛ, УРУГВАЙ, ДАНИЯ

1.31 май	13.30	Франция-Сенегал	__:__	Сеул
3.1 июнь	13.00	Уругвай-Дания	__:__	Ульсан
18.6 июнь	10.30	Франция-Уругвай	__:__	Пусан
20. 6 июнь	14.30	Дания-Сенегал	__:__	Тэгу
33.11 июнь	10.30	Дания-Франция	__:__	Инчхон
34.11 июнь	10.30	Сенегал-Уругвай	__:__	Сувон

«B» ГУРУҲИ
ИСПАНИЯ, СЛОВЕНИЯ, ПАРАГВАЙ, ЖАР

6. 2 июнь	11.30	Парагвай-ЖАР	__:__	Пусан
8. 2 июнь	15.30	Испания-Словения	__:__	Кванжу
22. 7 июнь	12.00	Испания-Парагвай	__:__	Чонжу
24. 8 июнь	10.30	ЖАР-Словения	__:__	Тэгу
39.12 июнь	15.30	ЖАР-Испания	__:__	Тэжон
40.12 июнь	15.30	Словения-Парагвай	__:__	Чежу

«C» ГУРУҲИ
БРАЗИЛИЯ, ТУРКИЯ, ХИТОЙ, КОСТА-РИКА

10. 3 июнь	13.00	Бразилия-Туркия	__:__	Ульсан
12. 4 июнь	10.30	Хитой-Коста-Рика	__:__	Кванжу
26. 8 июнь	15.30	Бразилия-Хитой	__:__	Соппиво
28. 9 июнь	13.00	Коста-Рика-Туркия	__:__	Инчхон
41. 13 июнь	10.30	Коста-Рика-Хитой	__:__	Сувон
42. 13 июнь	10.30	Туркия-Хитой	__:__	Сеул

«D» ГУРУҲИ
КОРЕЯ, ПОЛЬША, АҚШ, ПОРТУГАЛИЯ

14. 4 июнь	15.30	Корея-Польша	__:__	Пусан
16. 5 июнь	13.00	АҚШ-Португалия	__:__	Сувон
30. 10 июнь	10.30	Корея-АҚШ	__:__	Тэгу
32. 10 июнь	15.30	Португалия-Польша	__:__	Чонжу
47. 14 июнь	15.30	Португалия-Корея	__:__	Инчхон
48. 14 июнь	15.30	Польша-АҚШ	__:__	Тэжон

«E» ГУРУҲИ
ГЕРМАНИЯ, САУДИЯ АРАБИСТОНИ, ИРЛАНДИЯ, КАМЕРУН

2.1 июнь	10.30	Ирландия-Камерун	__:__	Ниигата
4.1 июнь	15.30	Германия-С.Арабистон	__:__	Саппора
17.5 июнь	15.30	Германия-Ирландия	__:__	Касима
19.6 июнь	13.00	Камерун-С.Арабистон	__:__	Саитама
35. 11 июнь	15.30	Камерун-Германия	__:__	Фукурай
36.11 июнь	15.30	С.Арабистон-Ирландия	__:__	Йокогама

«F» ГУРУҲИ
АРГЕНТИНА, НИГЕРИЯ, АНГЛИЯ, ШВЕЦИЯ

5. 2 июнь	10.30	Англия-Швеция	__:__	Саитама
7. 2 июнь	13.30	Аргентина-Нигерия	__:__	Касима
21.7 июнь	10.30	Швеция-Нигерия	__:__	Кобе
23.7 июнь	15.30	Аргентина-Англия	__:__	Саппоро
37. 12 июнь	10.30	Швеция-Аргентина	__:__	Сендай
38.12 июнь	10.30	Нигерия-Англия	__:__	Осака

«G» ГУРУҲИ
ИТАЛИЯ, ЭКВАДОР, ХОРВАТИЯ, МЕКСИКА

9. 3 июнь	10.30	Хорватия-Мексика	__:__	Ниигата
11. 3 июнь	15.30	Италия-Эквадор	__:__	Саппоро
25.8 июнь	13.00	Италия-Хорватия	__:__	Касимо
27.9 июнь	15.30	Мексика-Эквадор	__:__	Сендай
43. 13 июнь	15.30	Мексика-Италия	__:__	Оита
44.13 июнь	15.30	Эквадор-Хорватия	__:__	Йокогома

«H» ГУРУҲИ
ЯПОНИЯ, БЕЛЬГИЯ, РОССИЯ, ТУНИС

13. 4 июнь	13.00	Япония-Бельгия	__:__	Саитама
15. 5 июнь	10.30	Россия-Тунис	__:__	Кобе
29. 9 июнь	15.30	Япония-Россия	__:__	Йокогама
31. 10 июнь	13.00	Тунис-Бельгия	__:__	Оита
45. 14 июнь	10.30	Тунис-Япония	__:__	Осака
46. 14 июнь	10.30	Бельгия-Россия	__:__	Фукурой

1/8 ФИНАЛ

49.15 июнь	10.30	1/E-2/B	__:__	Соппиво
50.15 июнь	15.30	1/A-2/F	__:__	Ниигата
51.16 июнь	10.30	1/F-2/A	__:__	Оита
52.16 июнь	15.30	1/B-2/E	__:__	Сувон
53.17 июнь	10.30	1/G-2/D	__:__	Чонжу
54.17 июнь	15.30	1/C-2/H	__:__	Кобе
55.18 июнь	10.30	1/H-2/C	__:__	Сендай
56.18 июнь	15.30	1/D-2/G	__:__	Тэжон

1/4 ФИНАЛ

57.21 июнь	10.30	Голиб 50 - Голиб 54	__:__	Фукурой
58. 21 июнь	15.30	Голиб 49 - Голиб 53	__:__	Ульсан

59. 22 июнь	10.30	Голиб 52 - Голиб 56	__:__	Кванжу
60. 22 июнь	15.30	Голиб 51 - Голиб 55	__:__	Осака

1/2 ФИНАЛ

61. 25 июнь	15.30			
Голиб 58 - Голиб 59			__:__	Сеул
62. 26 июнь	15.30			
Голиб 57-Голиб 60			__:__	Саитама

3-ЎРИН УЧУН ЎЙИН

63. 29 июнь	15.00			
Мағлуб 61— Мағлуб 62			__:__	Тэгу

ФИНАЛ

64. 30 июнь	15.00			
Голиб 61-Голиб 62			__:__	Йокогама

(Кўрсатилган вақтлар маҳаллий вақт ҳисобида)

БИЛАСИЗМИ?..

ТЎПУРАРЛАР

Финал турнири рекордчиси

ЖЧ финал турнирининг бир учрашуви давомида энг кўп тўпни собиқ СССР терма жамоаси ҳужумчиси Олег Саленко киритган. У АҚШда бўлиб ўтган 1994 йилги биринчиликда камерунликлар дарвозасини беш бор аниқ нишонга олган. Ушбу ўйинда россиялик-лар 6:1 ҳисобида ғалаба қучишган.

Бир ўйинда тўрт гол муаллифлари

1. Виллмоски, Польша (ЖЧ—38, Бразилия — Польша — 6:5) — 53, 59, 90 ва 119-дақиқалар.
2. Леонидас да Сильва, Бразилия (ЖЧ—38, Бразилия — Польша — 6:5) — 18, 33, 70, 114-дақиқалар.
3. Ademир Маркес де Менезес, Бразилия (ЖЧ—50, Бразилия — Швеция — 7:1) — 17, 37, 50, 60.
4. Шандор Кочиш, Венгрия (ЖЧ-58, Венгрия — ГФР — 8:3) — 3, 21, 68, 77.
5. Жюст Фонтен, Франция (ЖЧ—58, Франция — ГФР — 6:3) — 15, 36, 77, 89.
6. Эйсебио да Сильва — Феррейра, Португалия (ЖЧ—66, Португалия — КХДР — 5:3) 27, 43, 57, 60.
7. Бутрагеньо, Испания (ЖЧ—86, Испания — Дания — 5:1) — 43, 66, 79, 89.

Бир бўлим давомида қаторасига уч тўп ("хет трик") киритган футболчилар

1. Конен, Германия (ЖЧ—38, Германия—Бельгия — 5:2) — 65, 70, 89-дақиқа.
2. Вентерстрем, Швеция (ЖЧ—38, Швеция—Куба — 8:0) — 23, 37, 45.
3. Пробст, Австрия (ЖЧ—54, Австрия—Чехословакия—5:0) — 4, 21, 23.
4. Пеле, Бразилия (ЖЧ—58, Бразилия — Франция — 5:2) — 53, 64, 76.
5. Герхард Мюллер, ГФР (ЖЧ—70, ГФР—Перу — 3:1) — 18, 25, 39.
6. Гари Линекер, Англия (ЖЧ—86, Англия—Польша—3:0) — 8, 14, 36.
7. Олег Саленко, Россия (ЖЧ—94, Россия—Камерун — 6:1) — 15, 42, 45.

Жаҳон чемпионати финал учрашувларининг энг кўп тўпурарлари

1. Герхард Мюллер (ГФР ЖЧ—70—74) — 14 тўп (13 учрашувда).
2. Фонтен Жюст (Франция, ЖЧ—58) — 13 тўп (6 учрашувда).
3. Пеле (Бразилия, ЖЧ—58, ЖЧ—66, ЖЧ—70) — 12 тўп (14 учрашув).
4. Кочиш Шандор (Венгрия, ЖЧ—54) — 11 тўп (5 учрашувда).
5. Ран Хельмут (ГФР, ЖЧ—54, ЖЧ—58) — 10 тўп (10 учрашувда).
6. Линекер Гари (Англия, ЖЧ—86, ЖЧ—90) — 10 тўп (12 учрашувда).
7. Кубильяс Аризага Теофило (Перу, ЖЧ—70, ЖЧ—74, ЖЧ—82) — 10 тўп (13 учрашувда).
8. Лято Гжегож (Польша, ЖЧ—74, ЖЧ—78, ЖЧ—82) — 10 тўп (20 учрашувда).

СЕРМАҲСУЛ УЧРАШУВААР

Жаҳон чемпионати ўйинларида ўрилаб ўтирик ҳисоблар қайд қилинган. Бир учрашув давомида дарвозаларга "шода-шода" голлар ўтказилган беллашувлар ҳам анчагина. Шулардан, сермаҳсулларини эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

12 та гол
26.06.54. Лозанна. Австрия —Швейцария—7:5
11 та гол
05.06.38 Страсбург—Бразилия—Польша—6:5
20.06.54 Базель. Венгрия—Германия—8:3
15.06.82. Эльче.Венгрия — Сальвадор 10:1.
10 та гол
08.06.58. Норченинг. Франция—Парагвай—17:3
9 та гол
19.07.30. Монтевидео. Аргентина—Мексика—6:3
17.06.54. Шорих. Венгрия—Жан.Корея 9:0
23.06.54. Шорих. Германия—Туркия—7:2
28.06.58 Гётеборг. Франция—Германия—6:3
18.06.74. Гельзенкирхен. Югославия—Заир—9:0.

31 МАЙ — 30 ИЮНЬ 2002 ЙИЛ

БАРЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТЛАРИ

1-ЖЧ. Уругвай.
1930 йил 13-30 июль.

Голиблар:
1. Уругвай
2. Аргентина
3-4. Югославия, АҚШ
Финал. Уругвай-Аргентина — 4:2.
Чемпионат тўпурари:
Стабиле (Аргентина) — 8.

Жаҳон чемпионатларининг тарихий биринчи голини Франция-Мексика (4:1) ўйинида французлик Люсьен Лоран 19-дақиқада киритди.

2-ЖЧ. Италия.
1934 йил 27 май — 10 июнь
Голиблар:
1. Италия
2. Чехословакия
3. Германия
4. Австрия
Финал. Италия-Чехословакия 2:1 (қўшимча вақтда) чемпионат тўпурари: Олдржих Неедли (Чехословакия) — 5.

3-ЖЧ. Франция.
1938 йил 5-19 июнь
Голиблар:
1. Италия
2. Венгрия
3. Бразилия
4. Швеция
Финал. Италия-Венгрия — 4:2
Чемпионат тўпурари:
Леонидас да Сильва (Бразилия) — 8.

4-ЖЧ. Бразилия
1950 йил 24 июнь-16 июль
Голиблар:
1. Уругвай
2. Бразилия
3. Швеция
4. Испания
Финал. Уругвай-Бразилия — 2:1
Чемпионат тўпурари:
Адемир (Бразилия) — 9
Ушбу чемпионат финал ўйинига Рио-де-Жанейродаги "Маракана" стадионига 199854 томошабин ташриф буюрган. Бу рекорд ҳалигача янгиланган йўқ.

5-ЖЧ. Швейцария.
1954 йил. 16 июнь-4 июль
Голиблар:
1. Германия
2. Венгрия
3. Австрия
4. Уругвай
Финал. Германия-Венгрия — 3:2
Чемпионат тўпурари:
Кочиш (Венгрия) — 11

6-ЖЧ. Швеция.
1958 йил 8-29 июнь
Голиблар:
1. Бразилия
2. Швеция
3. Франция
4. Германия
Финал. Бразилия-Швеция — 5:2
Чемпионат тўпурари:
Жюст Фонтэн (Франция) — 13.

7-ЖЧ. Чили.
1962 йил 30 май — 17 июнь
Голиблар:
1. Бразилия
2. Чехословакия
3. Чили
4. Югославия
Финал Бразилия-Чехословакия — 3:1
Чемпионат тўпурарлари:
Гарринча (Бразилия), Иванов (СССР), Альберьт (Венгрия), Вава (Бразилия), Санчес (Чили), Еркович (Югославия) — 4 тадан.

8-ЖЧ. Англия.
1966 йил 11-30 июнь
Голиблар:
1.Англия
2. Германия
3. Португалия
4. СССР
Финал. Англия-Германия — 4:2 (қўш вақтда)
Чемпионат тўпурари:
Эйсебио (Португалия) — 9.
Ушбу ЖЧ финалида англиялик Хёрст "Хет-трик"ка эришди. Бу ҳозирча ЖЧ финалидаги ягона "хет-трик" бўлиб турибди.

9-ЖЧ. Мексика.
1970 йил 31 май-21 июнь
Голиблар:
1. Бразилия
2. Италия
3. Германия
4. Уругвай
Финал. Бразилия-Италия — 4:1
Чемпионат тўпурари:
Герд Мюллер (Германия) — 10

10-ЖЧ. Германия.
1974 йил
Голиблар:
1. Германия
2. Голландия
3. Польша
4. Бразилия
Финал. Германия-Голландия — 2:1
Чемпионат тўпурари:
Лято (Польша) — 7
Энг яхши ўйинчи:
Йоханн Круифф (Голландия)

11-ЖЧ. Аргентина.
1978 йил 1-25 июнь
Голиблар:
1. Аргентина
2. Голландия
3. Бразилия
4. Италия
Финал Аргентина-Голландия — 3:1 (қўш. вақтда)
Чемпионат тўпурари ва энг яхши ўйинчи:
Марио Кемпес (Аргентина) — 6

12-ЖЧ. Испания.
1982 йил 13 июнь — 11 июль
Голиблар:
1. Италия
2. Германия
3. Польша
4. Франция
Финал. Италия-Германия — 3:1
Чемпионатнинг энг яхши ўйинчи ва тўпурари:
Паоло Росси (Италия) — 6

13-ЖЧ. Мексика.
1986 йил 31 май-29 июнь
Голиблар:
1. Аргентина
2. Германия
3. Франция
4. Бельгия
Финал. Аргентина-Германия — 3:2
Чемпионат тўпурари:
Гари Линекер (Англия) — 6
Энг яхши ўйинчи:
Диего Марадона (Аргентина)

14-ЖЧ. Италия.
1990 йил 8 июнь-8 июль
Голиблар:
1. Германия
2. Аргентина
3. Италия
4. Англия
Финал. Германия-Аргентина — 1:0
Чемпионат тўпурари:
Скиллачи (Италия) — 6

15-ЖЧ. АҚШ.
1994 йил 17 июнь-17 июль
Голиблар:
1. Бразилия
2. Италия
3. Швеция
4. Болгария
Финал. Бразилия-Италия — 0:0 пенальти: 3:2
Чемпионат тўпурарлари:
Стоичков (Болгария),
Саленко (Россия) — 6 тадан
Энг яхши ўйинчи:
Ромарио (Бразилия)

16-ЖЧ. Франция.
1998 йил 10 июнь-12 июль
Голиблар:
1. Франция
2. Бразилия
3. Хорватия
4. Голландия
Финал. Франция-Бразилия — 3:0
Энг яхши ўйинчи:
Зидан (Франция)
Чемпионат тўпурари:
Давар Шукер (Хорватия) — 6

Aruzni o'zbek bolalar adabiyotiga ilk bor turkum tarzida olib kirgan Anvar Obidjon o'quvchilarda bu vaznga yoshlikdanoq loaqal shaklan ko'nikma hosil qildirishni asosiy vazifa deb bilgan va shu bois ularni «G'azal shaklidagi she'rlar» deb atagan.

BULBULNING CHO'PCHAKLARI

Avvalo, Anvar Obidjonning bugungi kunda mamlakatimiz bolalar adabiyotining zabardast vakili ekanini ta'kidlash joiz. Serqirra ijodkor asarlari qahramonlari bo'lgan usta Gulmat, Meshpolvon, Sotti Sagatovichlarni kim tanimaydi, deysiz. «Bulbulning cho'pchaklari» hikoyalar va she'rlar to'plami («Sharq» NMAK nashriyoti, Toshkent-2001 y) ham shoirning ko'p qirrali ijodkor ekanini yana bir bor isbotlagan. Bu kitob nafaqat bolalarga, katta yoshdagilarga ham yoqib qolishiga shubha qilmaymiz. Chunki undagi quvnoq va ibratli hikoyalar, she'rlar bolalar tiliyu didiga xos tarzda bayon etilgan. Kitobda jamlangan g'azallar esa, o'quvchini goh yayratib kuldirsa, goh o'ylantirib qo'yadi. Ma'lumki, ajdodlarimizdan qolgan adabiy merosning ko'pchiligi aruz vaznida bitilgan. Aruzni o'zbek bolalar adabiyotiga ilk bor turkum tarzida olib kirgan Anvar Obidjon o'quvchilarda bu vaznga yoshlikdanoq loaqal shaklan ko'nikma hosil qildirishni asosiy vazifa deb bilgan va shu bois ularni «G'azal shaklidagi she'rlar» deb atagan. Bir o'qishdayoq dilga joylanadigan bu she'rlar yosh qalbni adabiyotga oshno qila oladi. Zero, adabiyotga, so'z san'atiga oshno qalb mudom ezgulik urug'i sochishga intilib yashaydi.Lotin yozuviga asoslangan yangi o'zbek alifbosida berilgan «Bulbulning cho'pchaklari» farzandlari kelajagi uchun qayg'uradigan barcha ma'rifatli xonadonlar kutubxonasidan joy olishi, shubhasiz.

Husan KARVONLI

Dam olish kunlari qo'shnimizning besh yashar o'g'li oldimga kelardi-da, ertak aytib berishimni so'rardi. Unga bilgan va bilmagan ertaklarni aytib berardim. Qizig'i shundaki, u bir ertakni ikki-uch marta eshitishni xush ko'rardi. Bir kuni odatdagidek kelib «mashg'ulotimiz»ni boshlashimizni so'radi. Men boshim og'riyotgani, shuning uchun bugun ertak aytib berolmasligimni aytdim. U biroz indamay turdi-da... yig'lab yubordi. Uning ertak eshitishga shunchalik mehr qo'yganidan kitobdan hikoya o'qib berishga jazm qildim.

O'zbekiston xalq shoiri Anvar Obidjonning yangitdan bosmadan chiqqan «Bulbulning cho'pchaklari» kitobi ertaksevar bolalar uchun yaxshigina sovg'a bo'ldi.

Uni hamma Usta buva deydi. Haqiqiy oti Hikmatulloligini yaqinda dadamdan eshitib qoldim.Uning yog'ochdan qurilgan oynavand ustaxonasi To'rtko'cha guzaridagi ariqning yoqasiga joylashgan. Uch mahallaning bolasi uch tomondan yoprilib kelib, xuddi shu guzarda birlashgach, taxta ko'prikni taqira-tuqur tepalab o'tib, maktab sari eltuvchi terakzor ko'chani to'zitganlaricha darsga oshiqishadi.

Odatiga ko'ra, biron-bir narsani yamab-chatib, agar qo'lida ish bo'lmasa, qandaydir eski-tuski kitoblarni titkilab o'tiruvchi Usta buva ko'prik taraqlay boshlashi bilan ochiq derazadan shoshib tashqariga mo'ralaydi.

Durbinsimon ko'zoynagi orqali bolalarning oyog'iga ukkidek chaqchayib tikiladi. Birorta bolaning poyabzali jo'yasizroq ko'rinsa, «hov ko'k ishtonli bola, o'qishdan keyin menga birrov uchrab o't», deb qattiq tayinlab qoladi.

Bu cholni qariyb har kuni ko'rib yursam-da, sira yuzma-yuz o'tirib gaplashmagan edim. Zarurat tufayli, bir marta suhbatdosh bo'ldimu, o'zim sezmagan holda unga elikdim-qoldim.

O'shanda biz — «B» sinfdagilar ikkinchi «A»dagi tengqurlarimiz bilan qasdma-qasdiga futbol o'ynadik. Yutib, rosa quvondik.

Ko'pchilik qatori quvonishga quvondimu, hovrim bosilgandan keyin oyog'imga boqib, dod deb yuborishimga oz qoldi. Oyoq-yalang to'p tepganlar suvga bir oyoq tiqib olishib, hech narsa bo'lmagandek uy-uylariga tarqalishdi. Men tagi ko'chgan yap-yangi sandalimga tikilib, turgan joyimda so'rrayib turaverdim. Hujumda o'ynab, o'n to'rtta gol urgan Berdivoyning botinkasi tugalay majaqlanib ketganini ko'rganimdan keyin, meniki hartuguri evidaroq ekanligidan ko'nglim ko'tarilib, sal o'zimga keldim.

Mana, Usta buvaning oldida o'tiribmiz. Yaxshi tomoni shundaki, agar yosh bola bo'lsang, poyabzalni o'nglatish uchun bu cholga pul to'lashing shart emas. Kimning o'g'li ekanligini aytsang bas, mog'or daftarchaga arab harfida nimanidir yozib qo'yib, indamasdan ishingni bitirib beraveradi. Boshqalar aytsa, ishonmay yurardim, endi o'z ko'zim bilan ko'rib bildim. Chol to'g'ri qiladi, hammaning dadasi ham bir kunmas bir kuni shu ko'chadan o'tadi-da.

Usta buva sandalimni qo'liga oliboq: «Voh-h» — deb yubordi.

— Bu ulovchani juda qiynab tashlabsan-ku, — deya menga ko'zoynagining ustidan qiyalab boqdi u. — Kasalni do'xtirga, poyabzalni yamoqchiga vaqtida ko'rsatish kerak. Qancha kech olib kelinsa, tuzatish shuncha qiyin bo'ladi.

Usta buva, oldiniga sandalimning tagiga yelim surtdi, temirtirnoqqa kiydirib, bolg'ada urib-urib jipsladi. So'ng ipga mum surtib, chetlarini bigizlab tikishga tushdi. Qo'li ishda, og'zi esa gapda bo'ladi.

— Qo'l bo'shaganda, tez-tez guzarga chiqib turinglar, bolajonlarim. Guzar «kezar» degan gapdan olingan. Goh-goh shu atrofda kezib tursalaring, ham bahri-dillaring ochiladi, ham poyabzallaringni ko'rigimdan o'tkazib turasizlar. Do'st boshga qaraydi, dushman — oyoqqa. Bu gapni men to'qiganim yo'q, donolar topishgan. Yirtiq poyabzalda yurish-ku — G'irt uyat, hatto butuniniyam tez-tez moylatib turgan tuzuk. Etikdan «nechchi yilga chidab berasan», — deb so'rashsa, «yog'lashingga qarab», deb javob qilgan ekan. Endi kap-katta bola bo'ldilaring, bunaqa gaplarni bilvolishlaring kerak...

Bekorchilikdan zerikkan Berdivoy dadasi Toshkentdan olib kelgan qalin muqovali kitobini jilddan sug'urib, asta varaqlashga kirishdi.

Vatanimiz tarixi va mustaqilligimiz ramzlariga bag'ishlangan bu sifatdor kitobni sinfdagi bolalarga qo'shilib o'nlab marta ko'zdan kechirgan bo'lsam-da, undagi chiroyli-chiroyli rasmlarga boshqatdan mahliyo bo'lib, sinfdoshimning pinjiga suqildim. Sahifalardan birini ochayotganimizda, Usta buva «nimani tomosha qilayapsizlar», deb so'rab qoldi.

— O'zbekistonning gerbi bu, — dedi Berdivoy, suratni cholga ko'z-ko'zlab.

— Manavi yonida — bug'doy. Bu tomonida — paxtalar. O'rtadagisi — Humo qush...

— Humo qush baxt keltiradi degani rostmikin? — deb so'radim men.

— Bu to'g'ri gap, — dedi Usta buva, sandalimga bigiz suqayotib. — Yaydoqi tilda bu qushni Humoy deyishadi. Kimningdir birdan ishi yurishib ketsa, «boshiga Humo qo'nib qoldi», deb qo'yishlari bejizmas.

Ana, mahallamizdagi taqachining oti ham Humoyiddin. Qo'shni mahallada Humoy xola degan kampir bor...

Shundan so'ng, Usta buva, eng og'ir paytda ajdodlarimizga bir ko'rinish berib, qayta yuz ko'rsatmagan bu tabarruk qush haqida rivoyat aytib berdi.

Uning aytishicha, Nuh payg'ambardan keyin yer yuzida yana odamlar ko'payib, aslida yaqin qarindoshlar ekanligini borgan sari esdan chiqara boshlashibdi. Bir-birining mulkiga, bir-birining kentiga ko'z olaytirishlar avjga minibdi. Chin xoqoni ham ochko'zlik qilib bizning o'lkamizga qo'shin tortibdi, boyliklarimizni talab, elatimiz boshiga ajal yog'diribdi. Qirondan omon qolganlar, qocha-qocha tog'dan oshib o'tishib, kimsasiz bir vodiyga borib qolishibdi. Yovdan qutilgan bo'lsalar-da, oziq-ovqatlari tugagani bois, endi ochlikdan qirila boshlashibdi.

Ana shunday ayanchli kunlarning birida olis daralar tarafdan alla aytayotgan onaning tovushidek tiniq va o'ta yoqimli ovoz taralishga tushibdi:

— Hu-u, moy! Hu-u, moy!

Oqsoqollardan birovi bunda qandaydir sir borligini payqabdiyu, bir necha yigitni yoniga olib, «Hu-u, moy!» degan ovoz tinimsiz takrorlanib turgan yoqqa yetaklabdi. Ular botqog'u qamishzorlardan o'tishib, azamat daraxtlar undabunda bo'y cho'zib turgan keng o'tloqqa yetib borishibdi.

Qarashsa, hamma yoqni qoplab olgan yovvoyi arpa va zig'irlar pishib-yetilib yotganmish. Allaqachon pishib to'kilgan zig'irlar oftobda erib, moy bo'lib oqib turganmish. Baland qayrag'ochning uchiga qo'nib, to'xtovsiz sayrayotgan, boshida zar popildirig'i bor go'zal qush och odamlarni shu

Anvar OBIDJON

TEKIN TOMOSHA

Jonivorlar qishloqda tsirk ochishdi kengashib,
Tuya yemni chuqurdan olvolarmish engashib.

Yuguroqmish Qoramosh, bo'lar qiziq tomosha,
Quvlar uni Kuchuklar Olaparga ergashib.

Puxta yog'och oxurni pachoqlar Ot shattalab,
Ma'rar dorvoz To'xliqo'y simyog'ochga tirmashib.

Polvon Buqa siltanib uzib tashlar zanjirin,
O'tar shovvoz Serkalar to'siqlardan sakrashib.

Ko'zboylog'ich Bo'taloq sim o'tkazar burundan,
Kurash tushar Eshaklar qayish belbog' boylashib.

Epchil Buzoq bir paytda emar to'rtta Sigirni,
Uloq oshgay umbaloq, arqonchaga chirmashib.

Qiziqchisi yo'q-ku deb Bulbul hayron turgan choq,
Chiqib keldi Cho'chqalar betga balchiq surkashib.

MUSIQA DARSI

Eshitildi qo'ng'iroq — «jiring-jiring»,
Tugab qoldi tanaffus, yuring-yuring.

Tayyor turar sinfda g'ijjagu nay,
Musiqadan dars bo'lar, kiring-kiring.

Torni oldi go'zichoq, nayni Xo'tik,
Uloq chaldi rubobni «tiring-tiring».

Novvos karnay pufladi, Mushuk — surnay,
Muallim der: «Doirani uring-uring».

Dutor chertdi Bo'taloq, chang chaldi Toy,
Zo'r san'atchi jamoa, ko'ring-ko'ring!

Bulbul yozdi she'rini jilmayvolib,
Koshki o'qib kulsangiz «hiring-hiring».

KEKSA



KO'NGILXUSHLIK

Yonboshladi shahzoda Sher, yostiqlarin qalashtirib,
Ko'nglini xush qildi picha, ikki Itni talashtirib.
Hakam bo'lib so'ngra Quyon, chirillatdi hushtakchasin,
Kirpi bilan Ilonni u jangga soldi so'rashtirib.

Dumin qamchi qilib Ilon Kirpijonni savay ketdi,
Bir bor urdi Quyonni ham, raqib bilan adashtirib.

Qiy-chuv bilan qarsak chalar yayrab barcha tomoshabin,
Kikboksingchi Maymunlarni sulayguncha savashtirib.

Shahzoda Sher farmon qildi: «Bellashsin zo'r polvonlar» deb,
Rohat qildi Eshak bilan Karkidonni kurashtirib.

Bo'ri tishni G'ijirlatib der: «Davraga chiq-chi, Shoqol!»
Qon to'kilmay turib, Bulbul, qo'ymoq kerak yarashtirib.

AJOYIBXONAGA MARHAMAT

Ana qo'pol Begemot, burni qumg'onni ko'ring,
Chaynab yotar tekin o't, Jiraf narvonni ko'ring.

Yegan kabi qalampir beti bujmoq, qarang bir,
Og'zida tish yo'q «kampir» — Baqa
shodonni ko'ring.

Shoxda karnay chaladir, to'ni ola-buladir,
Nomi Xakka xoladir, gapi yolg'onni ko'ring.

O'tdan gulni ajratmas, ko'proq narsa yesa bas,
Esi kirsa ajabmas, Echki nodonni ko'ring.

Kamzulchasi zap tarang, kiyim-boshi
rango-rang,
Tumshug'i o'tkir-zarang, Jiblajibonni ko'ring.

Sher — narigi xonada, Shoqol nega panada?
Kuch bo'lmasa tanada, zo'rdan gumonni ko'ring.

Bo'rsiq so'rar barmog'in, Suvsar qashlar
qulog'in,
Qoplon charxlar tirnog'in, yaxshi-yomonni
ko'ring.

Bulbul to'kin yoz chog'i ochdi jonzotlar bog'in,
Qushlarning yo'q sanog'i, har xil hayvonni
ko'ring.

OVCHINING JO'YI

Ovchi Sher to'y qilibdi, Yumron kelibdi,
Yumrondan so'ng bir gala Qobon kelibdi.

Chiyabo'ri chiyillab, raqs tushib Maymun,
Karnay chalib Fil og'a shodon kelibdi.

Ayiq bilan davrada bellashay deb bir,
Belin bog'lab Chumoli polvon kelibdi.

Turar savat ko'tarib Kalamush novvoy,
Yertandirda yopilgan shirmon kelibdi.

Eshik qolib, devordan kirgan Mushukning
Panjasida chiyillab Sichqon kelibdi.

Sigarali Begemot o'tsa, der Qunduz:
«Vo! Xorijdan g'alati hayvon kelibdi!»

To'y oxirlab qolganda, shovqin solgancha —
Quvlab semiz Bo'rsiqni Qoplon kelibdi...

Boshi qotdi ovchining, qara, ey Bulbul,
To'yonaga to'qsonta qopqon kelibdi.

OLAMDA NIMA GAP?

Qarg'a qo'shiq boshladi o'z vaqtini chog' qilib,
Shoqol yig'lab, yolg'izlik yurak-bag'rin dog' qilib.

Zebra ola to'n bichar, Ayiq yuvar po'stinin,
Pingvin qora shim tikar, kamzulini oq qilib.

Do'xtir bo'lib Echkivoy dori berar Qo'ylarga,
Otdan rahmat olibdi Toybolani sog' qilib.

Moyshishadan termilar durbin deya Kuyoncha,
Ranjitdi u oyisin oq ko'ylagin yog' qilib.

Tulkichaga qir aziz, To'ng'iz sevar to'qayni,
Echkiemar sayr etar yantoqzorni bog' qilib.

Shinni yig'ib chechakdan uyga uchar Bolari,
Qaytib kelar u yana xumchasini qoq qilib.

Bo'ri quvar Kiyikni, Cho'rtanchani — Chag'alay,
Lochin poylar Maynani ko'zlarini zog' qilib.

Yozdi Bulbul bu she'rin o'qisin deb Bulbullar,
So'ylab yurmang Eshakka, toqatini toq qilib.

YAMOQCHI

Yurtimizga tajovuz solgan forslarning bir qarashda po'mqarg'aga o'xshab ketuvchi, lekin jussasi tovuqdan ikki baravar katta qushlari bo'lib, ular jang vaqtida raqib askarlarning boshidan tosh yog'dirishga o'rgatilgan ekan. Ochiq jangda yengilish nimaligini bilmaydigan Turon lashkari qushlar hujumidan katta talofat ko'ra boshlabdi.

Qutli ota degan avliyosifat qariya bo'lar ekan. U tap-taqir dashtda bog' yaratib, daraxtlarni o'zi qazigan quduq suvida sug'orib, mevalarga almashib olingan narsalar bilan tirikchilik o'tkazar ekan. Turon jangchilarining boshiga tushgan kulfatni bilgach, ich-ichidan ezilib: «E, qodir egam, tug'ilgan uyini qo'riqlashga jon tikkan, ko'ksini tishlab qonatgach, ular mittigina qushning yoniga bir-bir kelishib, qonlarni uning patlariga surtib o'ta boshlashibdi. Qonlar surtilgani sayin, mitti qushcha kattalasha borib, oxiri ulkan qushga aylanibdi.

Bosqinchilarning toshotar qushlariga havoda qiron solib, turonliklar g'alabasiga yo'l ochib bergan nihoyatda kuchli, o'ta tezuchar bu qush so'nggi jangdan keyin o'lkamiz uzra tinimsiz charx uribdi, tog'larni burgut shakliga kirib, sahrolarni lochinga aylanib, daladashtlarni turna bo'lib kezib chiqibdi. Oxiri gutli otaning bog'ida bir kecha bulbul bo'lib sayrabdi. Erta saharda yana o'z shakliga qaytib, ko'kka parvoz qilibdi, shu zayl yuqorilab kelding? — deya Berdivoyni o'dag'ayladi u, botinkani olgisi kelmay. — Buningni tuzatish o'likni tiriltirishdek gap-ku! E-e...

Berdivoy nima deyishini bilmasdan, shumshayganicha turib qoldi.

O'rtoqchilik hurmati o'rtaga tushmoqchi bo'lib, endgina yalinishga chog'langanimda, Usta buvaga tuyqus insof kirdi, «uzat buyoqqa», deya tumtaygan ko'yi botinkaga qo'l cho'zdi. Ishga kirishib ham anchagacha qovog'i ochilmadi. Chamasi, botinkani «tiriltirish» juda og'ir kechayotgandi.

Bu ahvolda choldan sado chiqishi mushkulligini sezganimizdan so'ng, o'zaro g'o'ng'ir-g'o'ng'ir qilib yana kitob varaqlashga tushdik.

«Semurg' — afsonaviy mo'jizakor qush» degan gapni eshitganman xolos. Usta buva esa, bu qush haqida ajoyib hikoyat so'zlab berdi.

Qadimda Turon bilan Eron o'rtasida juda ko'p urushlar bo'lgan ekan.

Rivoyatga ko'ra, Semurg' voqeasi hali To'maris momomiz bosqinchilar shohi Kurushning kesilgan kallasini qonli meshga tiqishidan ham, dovyurak cho'ponimiz Shiroq forslarning butun boshli lashkarini hiyla bilan sahroda tor-mor qilishidan ham ancha ilgari bo'lib o'tgan ekan.

Suratlar ostidagi qisqa-qisqa yozuvlardan Kushonu Eftalitlar haqida tushuncha hosil qilishga tirishdik. Qon tusini olgan maydondagi qizg'in jang tasvirlangan qo'shsahifani ochib, uzoq termulib qoldik. Kutilmaganda, Usta buva tag'in tilga kirdi.

— Kim u... otda savalashib turgan?

— Spitamen! — deya negadir quvonib javob qaytardi Berdivoy.

— Spitamen nima degani o'zi, bilasizlarmi?

Biz cholning ko'ziga jovdirab boqdik. Qiziq savol bo'ldi-ku. Spitamen — barchamizga qo'yiladigan otga o'xshash bir ot-da.

Paydo bo'lgan jimlik uzoqqa cho'zilmadi. Usta buva yangi rivoyatni boshladi. Rivoyatdan ma'lum bo'lishicha, tovushi yo'g'onlashib qolgan o'spirinlarning turli qishloq-ovullardan yaylovga chiqib kelib, kuchini sinash uchun zo'rni qidirib kurashish odati qadim zamonlardan qolgan ekan. Yilqichilar ovulidan keladiganlar orasidagi novcha o'spirinni hech bir ovulning kurashchisi yengolmas ekan. Oxiri unga qattiq alamzada bo'lgan echkiboqarlar uzoq bir ovuldan nomdor kurashchi yigitchani topib kelishib, bizning kurashchimiz deya novcha yilqiboqarni bellashuvga chorlashibdi.

Kuchlar teng kelib, bellashuv uzoqqa cho'zilib ketibdi. Bir mahal shamol turib, to'zon ko'tarilibdi. Tomoshabinlar changga ko'milgan kurashchilarni ko'rolmay qolgan bo'lsa-da, olishuv to'xtamabdi. Talay vaqt o'tgach, «Hayt!» degan qichqiriq yangrab, kimningdir gursillab yerga yiqilgani eshitilibdi. Tomoshabinlar kim yiqitganini bilolmay turishganda, yilqichilarning novcha kurashchisi to'zon ichidan ovoz qilibdi:

— Ustindamen! Ustindamen!

Shu-shu, bu novcha o'spirin borliq ovullardagi kurash ishqibozlariyu taniqli kurashchilar orasida «Ustindamen» nomi bilan tobora mashhurlashib boraveribdi. Yillar o'tib Iskandarning lashkarlari yurtimizga bostirib kirganida, o'limdan qaytmas qilichboz saklar, tug'ma kamonchi so'g'dlar, nayzada tuxumni uradigan otliqlari bilan mashhur massagetlar bu pahlavon atrofida bir tan, bir jon bo'lib birlashibdilar va forslar mamlakatini uch oyda yanchib o'tgan qudratli yunon qo'shinlariga uch yil mobaynida ayovsiz qirg'in solishibdi. Jasur askarboshining ismi yunonlar tilida «Spitamen»ga aylanib, bu nomni eshitganda yuraklarini vahima qoplaydigan bo'libdi...

O'tmishimiz, kimligimiz haqida qiziq-qiziq gaplarni so'zlab beradigan shunaqa bobom yo'qligidan o'shanda anchayin afsuslanganimdanmi, har gal maktabga borayotib, guzardagi yog'och do'koncha tomonga orziqib qarayman.

Derazadan ukkidek mo'ralab turgan Usta buvaga quyuq salom berib, e'tiborini tortishga urinaman. Ammo, urinishlarim doimgidek yelga sovriladi. Chunki, mening va boshqa bolalarning salomiga shunchaki bosh qimirlatib qo'yish bilan kifoyalanuvchi bu ajabtovur cholning butun diqqati shu tobda o'tkinchilarning oyog'iga qaratilgan bo'ladi. Ba'zan, sandalim yana yirtilsaydi, deb o'ylab qo'yaman.

Келининг қандайлиги никоҳ куни ҳам билинади. Лекин 3х3х3х3 рақамларида ҳам бир сир бўлса, ажаб эмас.

УЧ КУН, УЧ ОЙ, УЧ ЙИЛ...

Ҳали-ҳали ёдимда... Янги келин эдим. Ора-чора қайнона ойимлар "Келинлар уч кунлик, уч ойлик, уч йиллик бўлади" деб қўяр эдилар. Ҳамма суҳбатларига аралашмаганим учун бу ибораларини унчалик тушунмас эдим. Ҳар ҳолда янги оила, янги аъзолар. Орадан уч йил ўтди. Ўтган вақт ичида албатта, мен бу оилага жуда мослашиб олдим. Қариндош-уруғ, маҳалла-кўй дегандай сингишиб ҳам кетдим. Улар ҳам мен билан яқин бўлиб кетишди. Мен бу оилада ўзимни эркин сезар эдим. Бир куни ойимлар: "Болам, энди сизни ҳақиқий келиним десам бўлади", дедилар. Мен ҳайрон бўлиб қолдим ва саволомуз тикилдим:

— Бу нима деганингиз, ойи, тушунмадим?

— Синовдан яхши ўтдингиз, болам.

— Синовдан?! Шу вақтгача синовдамидим, ҳали? Вой...

Қайнона ойимлар ўз ҳаёт йўлларини, тажрибаларини, келинлар билан (овсинлари билан) бўлган мулоқотларини ҳикоя қилиб бердилар. Мен уларнинг ҳар бир гапини диққат билан тинглар эканман, қайнона-келин муносабати ҳам оиланинг энг муҳим, қийин, ўта мураккаб жараёни эканлигини ҳис қила бошладим. Улар куйиб-пишиб гапирар эканлар, мен ҳам гапларини тинглаб, маъқуллаб ўтирар эдим.

Орадан йиллар ўтди. Фарзандларимиз туғилди, ўсишди, унишди. Бирин-кетин тўйлар қилиб, келинлик, куёвлик ҳам бўлдим. Ҳозир эса бувиман. Неваралар катта бўлишяпти. Кечагина келин эдик, бугун қайнона. Келин бўлиш осон кечмаганидек, қайнона бўлиш ҳам хамирдан қил суғургандек силлиқ кечмас экан. Оиланг-га бировнинг боласини фарзанд қилиб олиб келиш, унга оналик қилиш, кўнглига йўл топиш... Унинг ҳаёт йўлига назар солиб, бир хулоса чиқарасан. Йўл бошида хато қилмасин, деб камчиликларини тузатишга ҳам ҳаракат қиласан.

Албатта, ҳеч бир она фарзандига ёмонликни раво кўрмайди, лекин хато ва камчиликларни кўриб жим ҳам ўтира олмайди. "Бўзчи билганини тўқийди", деганларидек, улар йиллар давомида шаклланган хулқ-атворларига таяниб, келинларга баъзан босиқлик, баъзан тезкорлик билан муносабатда бўлишади ва йўл-йўриқ беришади. Келин ҳам 18-20 (25) ёшгача уйида тарбия олади. Оила муҳитида унинг турмуш қуришга тайёргарлик даражаси уч хил бўлади: **жуда яхши, яхши, ёмон...**

Муносабат масаласида яна оила муҳити катта ўрин тутади. Эркаклар ҳукмронлиги сақланган, хушхулқ онадан туғилган оиладаги қизлар турмуш чорраҳаларида қоқилмайдилар. Афсуски, оилада озгина бўлса ҳам кўникма орттирмаган, яхши тарбия кўрмаган, қийинчиликларсиз улғайган қизлар кўпроқ

Talqin

панд ейишади.

Қайнона ойимларнинг "Келинлар уч кунлик, уч ойлик, уч йиллик" деган ҳикматнамо сўзларига "Уч соатлик" сўзини ҳам қўшиб қўйгим келади. Чунки келинларнинг қанақалиги уч кунда эмас, уч соатда ҳам маълум бўлар, яъни билинар экан.

Бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди. Яқин бир дугонам ўғлини уйлантирадиган бўлди. Тўй баҳона тез-тез кўришиб турдик. Биласиз, тўйнинг "бўлади-бўлади"си қизиқ. Югур-югуру бозор-ўчарнинг ҳам қизиғи шунда. Ҳали келинга сарпо, ҳали куёвга.

Ниҳоят, тўй куни ҳам етиб келди. Тўй оқшоми мен негадир келинни кузата бошладим. Келиннинг деярли ўзбек дугоналари йўқ эди. Ҳайрон бўлдим, талаба бўлмаса, катта корхонада ишламаса, ўзбек дугоналари деярли йўқ. Ҳа дедиму, қўйдим. Тўй тугаб, келин-куёвга рухсат берилди.

Бир вақт дугонам мени чақирди-да, "Сиз куёв янгасисиз, янги келин ҳали бу уйни билмайди. Ҳовлини бир айлантириб чиқинг", деб қолди. Секин келин ўтирган уйга кирдим. Келин бир чеккада ўтирган экан, янгаси ёнида. Қўшни аёл пардаларни тўғрилаш билан овора. Қуда билан сўрашган бўлдим ва мақсадга ўтдим:

— Келинпошша, ёпинчиғингиз тайёрми? Ҳовлиларни таништириб келай! Энди ўргилай, шу хонадоннинг гулдай бекаси бўласиз.

— Қанақа ёпинчиқ? Менда ёпинчиқ йўқ!!

— Бу қанақа жавоб? — мен ҳам келиннинг зардали жавобидан қоним қайнаб кетди.

— Уни сизлар қилишларингиз керак эди! Мен олмаганман.

Жаҳлим чиқди-ю, ўзимни бостдим.

— Сиз жуда ажойиб экансизу! Ким қилиш-қилмаслигини сиздан биров сўраётгани йўқ-ку?

— Келинликнинг илк кунида бундай чақчайиб жавоб беришга уялмайсизми?

Келиннинг опаси хижолат бўлиб, узр сўрай бошлади:

— Биз билмай қолдик, шошилинчда уйда қолиб кетибди, узр.

Менга эса барибир эди, ҳафсалам пир бўлиб қайнона бўлмиш, яъни ўртоғимнинг олдига қайтиб келдим.

— Ўртоқжон, "тушибсиз". Бу келин сизга тўғри келадиган туридан эмас. Шу ёшга кириб бу қадар бетга чопарини энди кўришим.

Гап келиннинг ҳаёсида эди. Агар у хаёли келин бўлса, тишини тишига қўйиб жим туриши керак эди. Чораси топилар эди. Топилди ҳам. Лекин беҳаёнинг чораси топилмади. Бор-йўғи 3 соатдан кейин келин ўзининг одобсизлигини намойиш қилди. Ҳаёт сўқмоқларида эса, бу тўла исботланди.

Келиннинг қандайлиги никоҳ куни ҳам билинади. Лекин 3х3х3х3 рақамларида ҳам бир сир бўлса, ажаб эмас.

Салтанат КАРИМОВА,
1-Тошкент педагогика коллежининг психология ўқитувчиси

Тақдир экан-да, ривоят қилишларича, бир йигитнинг пешонасига ёмон хотин битибди. Уларнинг биргаликдаги умри ҳеч ҳам ширин эмас, фақат аччиқ кунларда, яъни аёлнинг жанжалию, эрнинг муроса йўлини танлаши билан ўтаверибди.

"Бу ҳам Оллоҳнинг ҳукми-да, бандасининг қўлидан не келарди" дея йигитнинг ичини афсус ўртаса ҳам тишини тишига қўйиб чидар, бир кун келиб хотинининг инсофга кириб қолишига умид қилар экан.

Кунларнинг бирида узоқ юртдан йигитни йўқлаб, фозил дўстлари излаб келишибди. Уй эгаси бадфеъл хотинининг буйруғига кўра далага — ўтин теришга кетган эди.

Олис йўлдан ҳориб-чарчаб келган йўловчилар табиийки, уй бекасининг қовоқ-тумшуғидан чўчиб тушишибди. Алқисса, меҳмонлар уйга қабул қилинмади. Қадрдонлар гапни бир жойга қўйишиб, дўстларини даладан излаб топадиган бўлишди.

Дўстлар дийдоридан азизроқ туйғу



йўқ. Улар даладан бирга қайтишди. Шунда мезбон азиз меҳмонларни уйига таклиф қилди. Лекин меҳмонлар рад жавобини беришди: "Тақсир, жуфти ҳалолингиз бизни умуман хушламадилар".

Узоқ тортишувлардан сўнг бешовлон ўтинчининг кетидан эргашишди. Қайтиб келган меҳмонларни кўриб, хотиннинг кўзи косасидан чиққудек бўлди. Эр эса унинг бундай феъл-атворига кўникма ҳосил қилганидан ул-бул ташкиллаштиришини уқтирди шекилли, ҳаял ўтмай дастурхон ясатилди.

Эр қанчадир фурсат ўтиб, ҳовлига чиққанида, меҳмонларнинг шивир-шивири бошланиб қолди: "Эри-ку, тилла одам, лекин хотини дўзахи экан. Худойим бир яхшига бир ёмонни йўлиқтираркан-да".

Бу гапни эшик тирқишидан эшитиб турган бадфеъл хотиннинг кўнглида тасодифан тавба қилиш ҳисси уйғонди ва меҳмонлар кетгунига қадар уларнинг атрофида парвона бўлди. Зиёратчиларни кузатишдан сўнг хотин эри олдида ҳам тавба-тазарру қилди: "Мени авф этсинлар. Шу вақтга қадар сизга нисбатан кўпдан-кўп гуноҳлар қилибман".

Назм:

Тавба ўт, барча гуноҳлар ўтин,
Ўтга ўт тушса, қоларми бутун?

САБЗАВОТЛАРНИ ҚАНДАЙ ПИШИРИШ КЕРАК?

Сабзавотлар — инсон организми учун бой озуқа манбаи ҳисобланади. Ундан тайёрланадиган таомларда углеводлар, минерал тузлар ва дармондорилар тўлиқ сақланади. Танада тез ва осон ҳазм бўлувчи сабзавотлардан қай тарзда фойдаланиш мумкин?

Сабзавотларни қайнатиш, қовуриш, димлаш ва духовкада пиширишмумкин. Сабзавотли таомлар алоҳида овқат сифатида, гўштли, балиқли таомлар билан гарнир сифатида ҳам истеъмол қилинади.

Картошка, карам, лавлаги, сабзи каби пиширибейиладиган, бодринг, помидор сингари хомлигича ейиладиган сабзавотларни қандай тайёрлашга кўпчилик уй бекалари аҳамият беришмайди. Арчилган сабзавотларни узоқ вақт сувда сақламаган маъқул, чунки унинг таркибидаги минерал модалар, "С" дармондори эриб, сувга чиқиб кетади. Сувда пишиш муддатини чамалаган ҳолда уларга мумкин қадар камроқ сув солиш керак.

Пишганда уларнинг табиий ранглари сақланиб қолишига аҳамият бериш лозим. Масалан, яшил сабзавотларни шарақлаб қайнаб турган сувга солинса, улар ўз рангини сақлаб қолади.

Лавлагининг ёркин қизил туси сақланиши учун сирка билан димланади. Сабзавотларнинг сариқ, тўқ сариқ ва қизил ранги каратиноидларнинг пигментларига боғлиқ бўлиб, улар сувда эмас, ёғда яхши эрийди ва ёғни ҳам тўқ сариқ ёки қизғиш рангга киритади. Нўхат, лавлаги, сабзи тузсиз сувда пиширилади, чунки нўхат тузли муҳитда қаттиқ бўлиб пишади, сабзи ва лавлагининг сифати бузилади.

Сабзавотларни ичи сирланмаган, занглайдиган ёки мис идишларда қайнатиш мумкин эмас.

"Пазандалик сирлари" рисоласидан.

ҚАЛБ ГАВҲАРИ

Паёз Мусаев — 43 йилдан бери халқ таълими соҳаси ривожи учун хизмат қилиб келаётган олим ва тажрибали ўқитувчи. ЎЗПФИТИ катта илмий ходими П.Мусаев билан бўлган суҳбатимиз таълим-тарбия соҳасидаги бугунги кун ислоҳотлари ҳақида бўлди.

— Тушунишимча, баъзи мутахассис педагоглар миллий тарбияни эътироф этсалар-да, миллий педагогика фанини инкор қилишади. Аксинча, айрим мутахассис педагоглар эса миллий педагогика фанини эҳтирос билан ҳимоя этишади. Шунга муносабатингиз қандай?

— Мустақиллик шарофати ўлароқ, "ягона педагогик макон"га интилиш бир қадар сусайиб, миллий тарбия ҳақида эмин-эркин гапирилмоқда, фикр юритилмоқда. Аммо бунда миллий тарбия билан миллий педагогика фанини чалкаштирмаслик лозим. Айни вақтда бизда ҳам миллий (этно) педагогика бўйича илмий изланишлар жонланиб кетди. Зотан, миллий педагогика учун озуқа бўла оладиган қадриятларимиз, кўҳна маданий меросимиз, эмпирик далилу ашёлар хилма-хил ва бой. Педагог олимлар, шарқшунослар уларни синчиклаб ўрганиб, моҳият ва замон ўлчамлари бўйича гуруҳлашмоқда, тизим шаклига солишмоқда. Аммо унинг илмий тушунчалари, қонуниятлари, атамалари ҳозирча ўзининг аниқ таъриф ва изоҳига эга эмас. Қонуниятлар фан талаби даражасига келтирилгани йўқ..

— Домла, инсон маънавияти, ички олами, руҳияти, уларни баҳолаш мезонлари, умуминсоний қадриятлар ва албатта, улар билан боғлиқ ҳолда тарбияга оид мулоҳазалар ҳақида ҳам фикрлашсак.

— Инсон маънавияти бамисоли узукка қўйилган кўздек. Одамзод мавжуд экан, маънавиятсиз яшолмайди. "Агар бизда инсонийлик бор экан, унда бутун дунёда инсонийлик бордир", деганида шоир ҳақ эди. Худди шунга ўхшаб, ҳар бир халқ, миллат маънавий ва руҳий оламини бойита бориб, ўз тажрибаларини бутун оммага улашади. Умуминсоний деган номни шундан олади.

"Дунёнинг серқирралигини инкор этиш зулмнинг бошланишидир" деган эди тарихчи Якоб Бурхард. Шу маънода фарзандларимизни бутун инсоният цивилизацияси яратган маънавиятдан баҳраманд этиш, дунёнинг серқирралиги руҳида тарбиялаш биз, педагог-олимларнинг энг асосий вазифаларидан бири. Ички оламимиз, руҳиятимиз сарҳадлари айниқса, XX асрда жуда кенгайди. Биз "Қобуснома"дан тортиб то "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ"қача бўлган асарларни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ўргана бошлаганимизга кўп вақт бўлмади. Ҳолбуки, ижодидан Беруний, Форобий, Ибн Сино каби минг йиллик бобокалонларимиз илҳом олган Суқрот, Афлотун, Арасту сингари энг қадимги мутафаккирлар, қолаверса, улардан то Кант, Гегелгача бўлган бутун Ғарбнинг донишмандлари меросидан ҳозиргача чинакамига баҳраманд эмасмиз, коммунистча ва атеистик ғайриллий сиёсат таъсирида бузилган талқинларни бугун ҳеч ким тушунмайди. Модомики, эски ғоялардан узоқ эканмиз, табиийки, улар ўрнини янги ғоялар билан тўлдиришга эҳтиёж сезилади. Бироқ, тўлдираверса, ўзи, оиласи ёки дўстларига оид воқеликни тушуниши ҳам чек-чегарали бўлади. У ярим мудроқ ҳолда юради, ҳар томондан келаётган фикрларни кўр-кўрона қабул қилиш ва уларга ишонишга тайёр ҳолда яшайди, таклиф қилинган уйдирмаларни ҳақиқат деб билади."

таассуфки, янги даврга хос тафаккур, инсон маънавияти, руҳиятига оид бемисл кашфиётлар муаллифлари — тиббиёт, фалсафа, психология, социология, улар орқали қарийб барча ижтимоий фан соҳаларига катта таъсир кўрсатган Зигмунд Фрейд, Фридрих Нитше ва бошқаларнинг асарларидан бехабармиз. XX асрнинг энг йирик мутафаккирларидан бири Эрих Фромм шундай деб огоҳлантиради: "Агар маълум жамият кишиси ижтимоий воқеликни идрок этолмаса, бунинг ўрнига миясини ҳар хил хаёллар билан

— "Ташқи олам ва инсон ички дунёси ўртасидаги уйғунлик" тушунчасини олиб кўрайлик. Немисларга хос ҳисоб-китоб, инглизларга хос тадбиркорлик, америкаликларга хос бемисл қийинчиликларни енгишга иштиёқ, французларга хос шахс озодлиги, ҳур фикрлиликка интилиш... Шарқда-чи? Шарқда нечоғлик...

— Халқимизнинг келгуси, истиқболи XXI аср мактабига ҳам тегишли. Бу мактабда таълим-тарбия олган ўқувчи "ўзбек мўъжизаси"нинг яратувчилари бўлади. Миллий ўзига хослигимиз, қадриятларимизни қалбига, шуурига жо этган, маънавияти бой, айни пайтда илм-фанни ҳаётга татбиқ эта оладиган, уддабурон, топқир, етук мутахассислар бўлиб етишадики, буларга ҳозирдан тамал тоши қўйилмоқда.

Эртанги кунда маънавияти бой, имони бутун, баркамол авлодни тарбиялашда зиёлиларимизнинг роли катта. Шу ўринда идеалдаги зиёли ҳақида Эркин Воҳидовнинг ибратли сўзлари ёдга тушади: "Зиёли — нур эгаси демакдир. Бу нур илм нури, теран маданият, олий тафаккур, мустаҳкам ички интизом, собит эътиқод, салим руҳият нуридир. Бу нур манбаи инсон қалбида. Қалб гавҳарини асраб-авайлаган инсон бахтиёр ва олижанобдир. У ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам қадр-қимматини билади. Зиёли инсонга манманлик бегона, ўз халқини қандай иззат қилса, бошқа халқларни ҳам шундай ҳурмат қила олади, ички маданияти унчалик ривожланмай қолган одамларга нисбатан кечиримли бўлади". Ҳа, бундай баркамол зиёлилар билан давлатчилигимиз янада ривож топади, истиқболимиз ишончли қўлларда бўлади.

Суҳбатдош
САИД МУРОД

Бухоро вилояти зиёлиларининг "Бухоро муаллими" газетаси таҳририяти кўп сонли муштарийлари номидан "Универсиада—2002" қатнашчиларини қизғин қутлайди. Бухоройи шарифда кечган кунлар улар учун серзавқ, унутилмас ва таассуротларга бой бўлиб қолсин!

Пешона деворга текканидан кейин кеч бўлади".

Филофей кашфиёти жаҳон цивилизациясининг инқирозини шипшитиб қўйган эди. Футуролог Роберт Боркнинг ҳамфикри, Филофей назариясининг ҳимоячиси ёш олим Антони Юнгер Боркка йўллаган факсида бу ҳақида шундай дейди: "Ахир, дунёдаги воқеалар, ҳатто ҳар куни матбуотда хабар бериб туриладиган ҳодисалар ҳам цивилизациянинг таназзулга юз тутаётганидан гувоҳлик бермоқда. Ана шундай шароитда гўдакнинг ёруғ дунёга келиши миналарга тўла майдонга йўл олиш билан баравар. Хўш, ўша миналарни сақлаган майдон қани, ҳаётнинг қайси жабҳаларида яшаринган — одамларнинг фикр-хаёлларидами, саъй-ҳаракатларидами, жаҳон таълимотларидами ёки кундалик амалиётдами — буни бармоқ билан кўрсатиб бўлмайди".

Ўша мина майдони ёвузликдир, ёвузлик эса кишиларнинг нопок орзуниятларида, манфур қилмишларидадир.

Мисоллар тўлиб-тошиб ётибди.

Одамларнинг яхши ейиш, яхши кийиниш, маишат қилиш, давлат орттириш, ҳокимият тепасига келиш йўлидаги ғайриинсоний ҳаракатлари ҳадсиз, чексиз тус олаётир. Махтумқули "Бой бўлай деб иззатингдан айрилма" деган бўлса, мўмай даромад деганда виждон, имон-эътиқодини тикиб иш кўрадиганлар сони тобора ортиб бормоқда. Бир талай озиқ-овқат, саноат молларининг сифати паст — сутга сув, қаймоққа қатиқ қўшиш қаёқдан чиққан? Қошиқдай бежирим туфли 1-2 ойга чидамаса, бунга нима осон эмас, лекин идеалда асли шундай бўлиши керак.

Бошқаларнинг мол-мулкига, демакки, соғлигига кўз олайтириш, чанг солиш миллионларнинг бахти-тахтига чанг солишдайдир. Бойликка ҳирс қўйиш инсофдан эмас, тўғриси ноинсофликдир, ноинсофлик эса охир замонни тезлаштирадиган ашаддий ёвузликлардандир.

Охир замонни қўя қолайлик, ер юзида рўй бериб турадиган даҳшатли зилзилалар, қўрқинчли сув тошқинлари, кучли довуллар сингари табиий офатлар ҳам ёвузлик — одамларнинг ноинсофликлари, ахлоқсизликлари, имонсизликлари авж олган жойларда бўлиб ўтар экан. Ҳозирги замон олимларининг кўпдан-кўп тадқиқотлари шуни кўрсатади.

Охир замон эса барча тирик мавжудотлар учун фожеа. Ерда ҳаётнинг сўнишидир. Охир замоннинг муқаррибу муқаррар эканлигини азизу авлиёлар, олиму фузалолар, фолбину ромчилар 480 марта башорат қилганлар. Чингиз Айтматов ўз романида охир замонни бир неча ўн марта тилга олган. Охир замон нисбий тушунча деювчилар ҳам бор. Ҳар қандай бўлганда ҳам ёвузликнинг мислсиз авж олиши, илм-фан, техниканинг бениҳоя ривожланиши оқибатида экологиянинг ифлосланиши Чингиз Айтматов айтганидек, охир замоннинг, глобал — сайёравий ҳалокатнинг эртами-кечми юз беришига олиб келиши турган гап.

Бунга яққол тарихий мисоллар ҳам бор. Нуҳ пайғамбар давридаги дунё тўфони ҳам буни исботлайди.

Хулоса қилиб айтганда, қиссадан ҳисса шуки, Кассандра тамғаси кассандра-ҳомила воқеаси бор-йўғи илмий башоратга қурилган бадиий тўқима. Ёзувчи ана шу тўқима воситасида кўпдан бери ўзини қийнаб келган муаммоларни — ижтимоий қасирғалар, ижтимоий тангликлар, жиноятчилик, терроризм, мафия, фоҳишабозлик, гиёҳвандлик, экологик портлашлар, ядро синовлари, "қора туйнуклар", "озон тешиклари" каби ҳозирги инсоният бошига тушган кўргуликларни айтиб олган. Буларнинг кўпчилигига одамларнинг ўзлари сабабчи эканини алоҳида уқтирган.

Чингиз Айтматов ҳар бир кишини, бутун бани башарни бир бўлиб фалокат ва иллатларга барҳам беришга, ёвузликдан юз ўгириб, эзгуликнинг этагидан тутишга ундайди.

Энди китоб таржимасининг тарихи ҳақида. Мен ижтимоий-сиёсий адабиётларни русчадан ўзбекчага таржима қилиш соҳасидаги тажрибамга асосланиб, 80-йилларда Чингиз Айтматовнинг кичик-кичик ҳикояларини ва "Манас отанинг оқ қори — кўк музи" деган биографик очеркини ўзбекчага ўгирганман. Шундан кейин менда ёзувчининг тили мураккаб бўлган асарларини таржима қилиш иштиёқи туғилди.

1995 йил бошларида ўша вақтда Қирғизистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасида элчиси бўлиб турган Солижон Жигитов билан "Халқ сўзи" газетасининг ўша вақтдаги муҳаррири Анвар Жўрабоев ҳузурида Чингиз Тўрақулович "Кассандра тамғаси" романини ўгиришимга розилик берди. Романнинг муаллиф томонидан менга совға қилинган нусхасидаги ёзувлар фикримиз далилидир: "Суюн Қараев қаламдешке! "Кассандра тамғаси" ўзбек тилинда чиқса мен учун бул зўр ўқуя, жуда хурсант бўлумум.

Имзо: Ч.Айтматов. 01.1995".

1995 йил 1 сентябрда "Халқ сўзи" газетасида "Кассандра тамғаси"дан биринчи нишона парча босилиб чиқди. Ўша йилнинг ўзида "Чўлпон" нашриёти романнинг хотима-эпилог қисмини "Икс-зурриёт" номи билан 10 минг нусхада босиб чиқарди.

Лекин баъзи бир сабабларга кўра таржима ўша вақтдан буён босилмай ётди. Ниҳоят 2001 йил бошида "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг ҳозирги раҳбарияти романни чоп этишга қарор қилиб, иш режасига киритди. Бироқ Бош муҳаррият таржимага муаллифнинг розилигини талаб қилди. Брюссель шаҳрига шу ҳақда юборган факсимизга олинган жавоб факсда бундай дейилади:

"Менинг асарларим — "Кассандра тамғаси" романим ва "Чингизхоннинг оқ булути" қиссамнинг таниқли тилшунос Суюн Қораев томонидан қилинган таржимасига ўзимнинг тўла рози эканлигимни билдираман.

Шу билан бирга... "Кассандра тамғаси" романининг ўзбекча нашрда "Охир замон нишоналари" деб аталишига розиман.

Янги йилда эзгу ниятлар билан Чингиз Айтматов, Брюссель, 13.01.2001".

Баҳоли-қудрат қилган таржимамизни китобхонлар ҳукмига ҳавола қилдик. Зукко романхонлар ўзларининг қимматли фикрларини айтарлар, деб ўйлайман.

Таржимада ғализ ўринлар, хатокамчиликлар бўлиши мумкин, зеро фақат Тангригина барча айблардан холидир.

Суюн ҚОРАЕВ,
география фанлари доктори,
профессор, Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган
маданият ходими

ДЕБ АТАЛИШИГА РОЗИМАН

дейсиз? Соғлиқ, шифо истаб не ҳасратда сотиб олинган дори-дармон сохта чиқса, касал дардини кимга айтади? Магазинлардан ҳамма сотиб оладиган нонни бир кундан кейин еб бўлмаса — хамирга ўхшаб бўкиб ёки тишни синдирадиган даражада қотиб қолса-чи? Буни ким текширади?

Одам дунёга бир марта келади. Тўрт кунлик дунёда айши-ишрат, роҳат-фароғатда яшаб қоламан деювчилар охир-оқибатда бу ҳаракатларнинг нималарга олиб келиши ҳақида ўйламайдилар ҳам.

Тўқ ҳаёт кечириш, ҳалол йўл билан бойлик орттириш айб эмас. "Теги кўрмаганнинг кўргани қурсин" дегандай, ҳаммага бирдай тенг тақсимлаш (социалистик) қонуни даврида сиқилиб юрган одамларда хусусий мулкка эга бўла бошлаши билан беш қўлини бирдай оғзига солиш психологияси юз кўрсата бошладимикин?

Ундай десангиз — савдо-сотиқда, мол орттиришда ғирромликлар азалдан бўлган. Айни вақтда чўнтагини ҳаром-ҳариш ақчаларга қаппайтириб, қарғишу дуоибадга қолганлар ҳам бўлган. Масалан, оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, АҚШ президентларидан Кеннедининг отаси ножоиз йўллар билан капитал жамғаргани учун Кеннедилар сулоласидан биронта ҳам эркак зоти қолмаган — улар ҳаммаси фожиавий ҳалок бўлган.

Оллоҳнинг барқарорлигини тан олувчи ҳар қандай диндор билиши керакки, худо ҳамма нарсанинг Яратувчиси ва бунёдкори экан, демак, у ҳамма нарсанинг, жумладан, кишилар менинг мулким деб ҳисоблайдиган барча нарса-буюмларнинг ҳам эгасидир. Ҳинд файласуфларининг айтишларича, ҳар ким мулкини Яратувчиники деб, Яратувчи уни менга эгалик қилиш учун эмас, балки фоний дунёда қисқа муддат даврида вақтинча бошқариш учун топшириб қўйган, мен мулкдор эмасман, балки Оллоҳ мулкининг бор-йўғи мудириман, мен бу мулкни асраб-авайлаб, кўпайтириб, эгаси тайинлаган кишиларга топшираман, Оллоҳ кўрсатган йўлда сарфлайман, дейиши керак экан. Бу Атлантида давлатининг нобуд бўлиши ҳам инсон зотининг ёвузликлари оқибати экан. Бундан 10-12 минг йил олдин ҳозирги Атлантика океани ўрнида — Африканинг ғарбий соҳили билан Америка қитъаси оралиғида Атлантида қитъасида гуллаган давлат бўлган. Атлантлар юксак ахлоқий фазилатларга эга халқ бўлган эди. Фан-техника шу қадар ривож топганки, ҳозирги самолётларни, сув ости кемаларини эслатадиган транспорт воситалари, ракеталар, лазерларга ўхшаб кетадиган асбоблар ихтиро этганлар, қуёш энергияси жиловланган, болалар ва ўсмирлар эса ҳозирги компьютерлар тезлигида ҳисоблай олганлар. Вақт ўтиши билан атлантлар ютуқлардан эсанкираб, шуҳратпараст, ахлоқсиз ва очкўз халққа айланади. Шундан сўнг, деб ёзган буюк юнон файласуфи Афлотун, юнонларнинг олий илоҳи ҳисобланган Зевс атлантларни гуноҳи кабиралари учун жазолашни лозим топади — даҳшатли зилзиладан Атлантида парчапарча бўлиб океан тагига чўкиб кетади.

Олимларнинг кейинги тадқиқотлари Афлотуннинг ёзганлари тўғри эканлигини, Атлантидани чиндан ҳам ер ютганини исботлади.

Чингиз Айтматов соҳиби башорат олимнинг тилидан ёзадики, "... Роберт Боркнинг фикрларига қараганда, ҳозирги инсоният бутунлай янги муаммоларига дуч келади, борди-ю бирдан қуёш совиб қолса, ёки аксинча, қизиб кетса борми, ҳамма жойда ҳамманинг бошига мислсиз кўргиликлар, интиқомлар тушгани каби инсониятни кўз кўриб қулоқ эшитмаган синовлар кутарди. Инсоният ана шу янги муаммолар мағзини чақар экан, ўзининг фожеий ҳалокатини англаб етишигина кифоя қилмайди. Балки, энг муҳими — бу туйғу омон қолишнинг янги усулларини қидириб топиш ва тараққиётнинг янги йўллари ҳамда шаклларини аниқлашга туртки бўлмоғи даркор, бу эса, ўз навбатида, янгича ҳаёт тарзига, янгича тафаккур қилишга олиб келмоғи лозим".

САМОЛЁТ ОҚ УЙГА УРИЛИШИ КЕРАК ЭДИ

2001 йил 11 сентябрь куни террорчилар томонидан ўғирланган 4-самолёт режага кўра Оқ уйга бориб урилиши керак эди, дея хабар беради NBC телекомпанияси. Бу ҳақдаги маълумот, 1-рақамли террорчи, "Ал-Қоида" ташкилотининг раҳбари Усама бин Лоденнинг ёрдамчиси бўлиб ишлаган Абу Зубайдани сўроқ қилиш вақтида олинган. Абу Зубайда жорий йилнинг март ойида Америка махсус хизматининг Покистонда олиб борган операцияси чоғида қўлга олинган бўлиб, ҳозирда у АҚШда сақланмоқда. У самолёт ўғрилари билан доимий алоқада бўлган ва ўша маъшум террор режасини ишлаб чиқишда иштирок этган кишилардан бири саналади.

ҚАТЪИЙ ЧОРА КЎРИШ КЕРАК

БМТ бош котиби Кофи Аннан Покистон раҳбари генерал Парвез Мушаррафни Кашмирда вужудга келган кескин вазиятни тугатиш борасида қатъий чоралар кўришга чақирди. Шунингдек, у Мушарраф терроризмга қарши кураш йўлида ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши кераклигини айтди. Бундан ташқари Кофи Аннан яқин кунларда минтақага ўз ўринбосари Ричард Армитижни юбормоқчи.

Ядро қуролларига эга Ҳиндистон ва Покистон давлатлари бугун ўз қуролли кучларини жанговар ҳолатга келтириб қўйишган.

АВТОКОЛОННА ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

Афғонистоннинг Хост вилояти аэропорти яқинида АҚШнинг 600 нафар ҳарбийлари кетаётган автоколонна ҳалокатга учраши туфайли 2 аскар ҳалок бўлиб, 10 нафари жароҳатланган. Қўшма Штатларнинг "Каммондос" гуруҳи Хост вилоятидаги марказий ва маҳаллий ҳокимиятларнинг амал қилиш муддати тугаганлиги боис, мазкур вилоятга келаётган эди. Хост ва Пактия вилоятлари ҳокимликлари учун курашаётган маҳаллий қўмондон Бадшах Хон Задранга эса қаршилик кўрсатишни тўхтатиш ҳақида шарт қўйилган эди.

Хост вилояти ҳокими Хаким Танивал ўлгандан сўнг, маҳаллий қуролли гуруҳлар ўртасида ҳокимият учун курашиш авж олганди.

МУЛЛА УМАР ВА БИН ЛОДЕН ЯНА ПАЙДО БЎЛИШДИ

"Lenta.ru"нинг ёзишича, Афғонистонда яширинib юриб, ҳозирги муваққат ҳукумат ва халқаро тинчликпарвар кучларга қаршилик кўрсатаётган жангариларга "Толибон" ҳаракати раҳбари мулла Умар ҳамда "Ал-Қоида" ташкилоти етакчиси Усама бин Лоденлар бошчилик қилмоқда. Бу ҳақдаги мулла Умар хатини газетага унинг котиби Тайёб-Оға етказиб берган. Шунингдек, мулла Умар Карачида юз берган террор актига толибонларнинг ҳеч қандай алоқаси йўқлигини айтган ва Афғонистон ҳақида маълумотлар бераётган Би-Би-Си хизмати фаолиятини танқид остига олган.

"Интернет" хабарлари асосида тайёрланди

Сент-Дёрди болалигида ўқувсиз бола ҳисобланган бўлса-да, ўсмирлик чоғида бирданига китоб ўқишга берилиб кетди ва ўрта мактабни энг юқори баҳолар билан тугатди.

ЯГОНА ЎҚУВЧИ ЎҚИЙДИГАН МАКТАБ

Ягона ўқувчига эга бўлган мактаб Япониянинг шимолишарқидаги Тохоку тоғли ҳудудида жойлашган. Бу мактабга 1960 йилларда юзга яқин ўқувчи қатнар эди. Ўқувчилар сони эса ҳудудда туғилишнинг камайиши ва миграциянинг бошланиши туфайли камая борди. Буни қарангки, бу кўрсаткич икки йил мобайнида бир ўқувчи қолгунга қадар камайди. Юқорида айтганимиз, ягона ўқувчи қиз Кокура Юкари ҳозирда 2-синфда таҳсил оляпти.

"Мен худди синфда 30 нафар бола бордай дарс ўтишга ҳаракат қиламан, лекин ўқувчим бор-йўғи битта, – дейди Юкарининг муаллими Матами Масаки, унинг таълим олишга ва вазифаларни яхши бажаришига шароити кўпроқ ва етарли.

Ajab dunyo

Мактабда таълим олишги шундаки, унинг ёнида ва да ҳар доим бир ўқувчининг даги афзаллиўқитувчи доимо бу бола синфзўр. Муаллимнинг эса асаблари зўриқмайди. Лекин мусиқа фанини ўрганиш ва жисмоний тарбия билан шуғулланиш қийинроқ".

Шунинг учун Юкари ўз мактабидан 7 км узоқликда жойлашган мактаб билан алоқада ва ҳафтада бир маротаба у ерга қатнаб мусиқа, жисмоний тарбия машғулотларида қатнашади. Бу мактаб эса 4 ўқувчига эга.

"Менга бу мактаб кўпроқ ёқади, чунки бу ерда дўстларим таҳсил олишади", дейди ўқувчи қиз. Аммо Юкари ҳам энди ҳеч қачон зерикмаса керак. Чунки унинг синглиси ҳам келаси ўқув йилида мактабга чиқади.

Дилфуза ТОШКЕНБОЕВА тайёрлади.

ЎТМИШДАН СЎЗЛОВЧИ МАСКАНЛАР

Музейлар жаҳон халқлари тарихини, аждодлар меросини давр силсиласидан талофатсиз ўтказиб, келажак учун етказиш воситаси ҳисобланади. Бугун Навоий вилоятида фаолият кўрсатаётган вилоят тарихий-ўлкашунослик музейи, Нурота тумани "Чашма" давлат музейи, Зарафшон шаҳар "Қизилқумни ўзлаштириш тарихи" давлат музейи, Қизилтепа туман тарихий-ўлкашунослик музейи, Конимех туманидаги Жабай Баликманов номли давлат музейи, Томди ва Хатирчи туманларидаги музейлар ҳам тарихимиз, маданиятимиз ва санъатимизни тарғибот қилиш ҳамда илмий ўрганиш жараёнига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Бу музейларда, буюк бобокалонларимиз ақл-заковати билан яратилган кўплаб маданий бойликларимиз тўпланган ва улар бугун оммага кенг тарғиб этилмоқда. Мисол тариқасида, юртимизнинг 3 минг йиллик тарихидан ҳикоя қилувчи "Анахита" — ҳосилдорлик ва муҳаббат худоси ҳайкалчалари, XI аср меъморий ёдгорлиги — "Работи Малик карвон саройи"да олиб борилган археологик қазилмалар натижасида топилган ўнлаб меъморий-маданий ёдгорликлар, шунингдек, Бухоро амирлиги давлатчилиги тарихига оид тангалар, қурол-яроғлар, уй-рўзғор буюмлари, тарихий-илмий қўлёзмалар ва кўплаб экспонатларни санаб ўтиш мумкин.

Вилоят тарихий-ўлкашунослик музейи биносида олиб борилаётган таъмирлаш ва фондни бойитиш ишлари, музейга ҳуқуқий шахс мақоми берилиши, мутахассис кадрлар билан таъминлаш, Зарафшон шаҳар "Қизилқумни ўзлаштириш тарихи" давлат музейида марказий кон бошқармаси билан ҳамкорликда мустақиллигимизни шарафловчи экспонатлар қўйилиши ва бинонинг таъмирланиши, Нурота туман "Чашма" ўлкани ўрганиш давлат музейининг янги биноси, Конимехдаги жамоатчилик музейига давлат мақомининг берилиши бугунги кунда бу борада қатор ижобий ишлар амалга оширилаётганлигидан дарак беради.

Жумладан, шу йилнинг апрель ойидан бошлаб "Қосим Шайх Азизон" меъморий ёдгорлиги негизида "Қосим Шайх мажмуаси" давлат музейи ташкил этилди ва республикамизда яна бир музей халқ учун хизмат қила бошлади.

Ўткир ПЎЛАТ, "Ma'rifat" мухбири

КАШФИЁТГА САБАБ БЎЛГАН ҚИЗИЛ ГАРМДОРИ

Nobel mukofoti sohiblari

Келиб чиқиши венгер бўлган америкалик биокимёгар Альберт Сент-Дёрди фон Нейгираполт Будапештда бадавлат мулкдор Николас Сент-Дёрди ва Жозефина Сент-Дёрди (Ленхосесек) оиласида дунёга келди. Сент-Дёрди тарбия топган оилада доимо мусиқа садолари янграб турар ва ақлни пешловчи суҳбатлар ўтказилиб турилади. «Мен ақлий бойликлар, уларга интилишга арзигудек; бадиий ва илмий тафаккур-инсониятнинг олий мақсади эканлигини тушуниб етдим», - деган эди у кейинчалик. Сент-Дёрди болалигида уқувсиз бола ҳисобланган бўлса-да, ўсмирлик чоғида бирданига китоб ўқишга берилиб кетди ва ўрта мактабни энг юқори баҳолар билан тугатди.

Сент-Дёрди 1911 йили Будапешт университетининг тиббиёт факультетига ўқишга кирди. У бу ерда амакисининг лабораториясида тадқиқот ишлари билан шуғулана бошлади. Лабораториядаги тадқиқотлар орқа чиқарув каналининг эпителеал ҳужайраларининг микроскопик анатомиясини ва шунингдек, кўзнинг шишасимон таносини ўрганиш билан боғлиқ эди. Учинчи курсда ўқиётган вақтида гистология бўйича бир нечта мақолалар эълон қилди. Биринчи жаҳон уруши бошлангач Сент-Дёрди Австрия-Венгрия армиясига чақирилди. Рус ва Италия фронтларида уч йил жанг қилди ҳамда «Шараф учун» кумуш медали билан тақдирланди. «Қақшатқич ва маъносиз урушда иштирок этишни хоҳламагани учун» қўлига ўқ отиб, ярадор бўлди ва шу тариқа уйга қайтишга муваффақ бўлди. Сент-Дёрди ўқишини давом эттирди ва 1917 йили врач дипломини олди. Тақсимот бўйича армия бактериология лабораториясига ишга юборилди. Бу ерда италиялик асирлар устида тажрибалар ўтказишарди. Бу ҳол олимнинг ғазабини келтирди. Шу сабабли у Италия шимолига сургунга юборилди. Бу жойлар ботқоқликдан иборат бўлиб, тропик безгак билан касалланиб ўлиш хавфи юқори эди. Аммо у тирик қолади.

Уруш тугагач Сент-Дёрди Позони (ҳозирги Братислава)даги университетда фармакология профессори ассистенти лавозимини қўлга киритди. Бир неча ой ўтиб шаҳар Версал тинчлик шартномасига асосан Чехословакияга берилди. Сент-Дёрди Будапештга қайтаркан, ўзи билан лаборатория анжомларини ҳам олиб келди. Давлат тепасига Бела Кун бошчилигидаги коммунистлар келгач, Сент-Дёрди эмиграцияда яшади ва ўн йил давомида Европанинг турли мамлакатларида тадқиқот ишларини олиб борди. Масалан, у электрофизиологияни Будапештда, кислота ва асослар кимёсини Берлинда, физик кимёни Гамбургдаги Тропик тиббиёт институтида ўрганди. Нидерландиянинг Лейден университетидаги фармакология кафедрасида икки йил ишлагач, Гронингендаги университет илмий ходими бўлди. Бу ерда у биологик оксидланиш механизмини ўргана бошлади.

20-йилларга келиб углеводларнинг ҳужайра метоболизми, ҳужайрадаги оксидланиш ва энергия алмашинуви умумий модели тўғрисидаги дастлабки тасаввурлар юзага келди. Биокимёгарлар бу вақтга келиб глюкоза ва унинг сақланиш шакли гликоген иккита эҳтимолий: сут кислотасининг ҳосил бўлишига олиб келувчи анаэроб (кислород мавжуд бўлмаганда) ёки лактат; ва глюкоза пироузум кислотаси ёки пируват, сўнгра углерод икки оксиди ва сувга айланадиган аэроб (кислород мавжудлигида) ёки гликолиз йўли билан парчаланишини ёки метаболизланишини аниқлашга муваффақ бўлган эдилар. Отто Варбург биологик оксидланишнинг ажралмас қисми бўлиб кислороднинг биокимёвий фаоллашиши (ва қўшилиши) ҳисобланади, деган фикрда эди. Генрих Виланд эса водороднинг фаоллашуви (ва чиқиб кетиши) муҳимроқ, деб ҳисобларди: Сент-Дёрди эса ҳужайравий оксидланиш реакциялари учун кислороднинг ҳам, водороднинг ҳам фаоллашуви зарурлигини исботлаб бера олди. У шунингдек, дикарбон кислотанинг ферментлари — янтар ва лимон кислоталарини кашф этди. Улар пируватнинг углерод икки оксиди ва сувга айланишда оралиқ оксидловчи реакцияларни катализлайди. Бу каталитик тизим ҳужайра ички тузилмалари билан боғлиқ бўлиб, кейинчалик улар митохондриялар сифатида (ҳужайралар цитоплазмасидаги майда гранулалар ёки таёқчасимон структуралар) ва ҳужайранинг энергетик маркази сифатида келтирилди. 30-йилларда Гронингенда Сент-Дёрди қилган кашфиётлар кейинчалик Ганс Кребс биокимёвий реакциялар бўйича ўтказадиган тадқиқотларига тамал тошини қўйди. Бу реакциялар ҳозирда лимон кислотаси даврийлиги ёки Кребс йикл номи билан маълум.

Ўсимлик ҳужайраларидаги биологик оксидланишни ўрганиш чоғида Сент-Дёрди водороднинг кучли тикловчиси ёки донорини топди. Кембриж университетидаги физиолог Фредерик Гоуленд Хопкинс лабораториясида ишлаш чоғида Сент-Дёрди апельсин, лимон, карам, шунингдек, ҳайвонларнинг буйрак усти аъзосидан тикловчи модда кристалларини олди ва ажратди. Моддада углероднинг олти атомидан жамланганлиги ва кислоталар синфига мансублиги сабабли, уни гексурон кислотаси деб номлади. Бу иши учун Кембриж университети 1927 йили Сент-Дёрдига фалсафа доктори даражасини берди. У Кембрижда яна уч йил муддат бўлди, сўнгра АҚШда, Винесотадаги Мэйо клиникасида бир йил ишлади. Бу ерда у ҳайвонларнинг буйрак усти аъзосидан кўп миқдорда гексурон кислотаси ажратиб олди. Олинган йигирма беш грамм гексурон кислотаси билан Кембрижга қайтди ва у ерда кимёгар Уолтер Н.Хоуорс ёрдамида унинг тўла кимёвий структурасини аниқлади.

1930 йили Венгрияга қайтгач Сегеда университетида тиббиёт кимёси профессори этиб, беш йил ўтгач органик кимё профессори этиб тайинланди. Ҳамкасблари билан ўтказган тажрибалари давомида Сент-Дёрди ва Хоуорс томонидан аскорбин кислота деб қайта номланган гексурон кислотаси С витамини билан бир хил эканлигини исботлаб беришга эришдилар. Инсонларнинг овқат рационида С витамини етишмовчилиги уларда цинга (скорбут) каби касалликларни келтириб чиқаради. Овқатланиш билан боғлиқ бўлган ва ҳолсизланиш, камқонлик, милкларнинг бўшашиши ҳамда тери капилярлари ва шиллиқ пардаларнинг қонашга мойиллиги билан характерланувчи цинга касаллиги кўп асрлар давомида аскорбин кислотасиз ёки С витаминисиз таом истеъмол қилувчи денгизчилар учун хос касаллик эди. Ҳозирги вақтда Барлоу касаллиги номи билан маълум бўлган цинга (скорбут) жуда кам учрайди.

Тадқиқотлар учун ажратиб олинган гексурон кислотаси миқдори тугагач, Сент-Дёрди паприка ёки венгер қизил гармдориси кўп миқдордаги аскорбин кислотаси манбаи эканлигини аниқлади. «Бир куни кечки таомга қизил гармдори тортилган эди, - деб хотирлайди у кейинроқ. - Уни тановвул қилишга менда хоҳиш йўқ эди ва мен қандай қилиб бўлса ҳам кетиш тўғрисида ўйлай бошладим. Бирдан ҳаёлимга бу мен ўрганиб кўрмаган ягона ўсимлик эканлиги келиб қолди. Мен уни лабораторияга олиб кетдим ва тун яримлаган вақтда унинг С витаминига ниҳоятда бой эканлигини аниқлаб етдим. Ҳар бир грамм моддада 2 миллиграммгача витамин мавжуд эди». Сент-Дёрди бир неча ҳафта мобайнида гармдоридан килограммлаб кристалланган С витаминини ажратиб олди.

Сент-Дёрди Сегеда университетида, шунингдек, аскорбин кислотасининг тозаланмаган препаратларида мавжуд бўлган ўсимлик пигментлари — флавоноидлар капилярлар мустаҳкамлигини оширишини аниқлади. У бу моддани Р витамини деб атади.

Сент-Дёрди «С витаминини ва фумар кислотаси катализини ўрганиш билан боғлиқ бўлган биологик оксидланиш жараёни соҳасидаги кашфиётлари учун» 1937 йилги физиология ва тиббиёт соҳасидаги Нобел мукофоти билан тақдирланди. Каролина институти вакили Инар Хаммарстен тақдимот маросимида сўзлаган нутқида Сент-Дёрди кашфиётлари «кетма-кет оксидланиш жараёни тўғрисидаги дастлабки тасаввурларнинг юзага келиши учун» муҳим роль ўйнаганига эътиборини қаратди. Ўзининг маърузасида Сент-Дёрди бу соҳадаги тадқиқотларнинг ташаббускори Виленд ишларидан инсон организми учун фақат битта энергия манбаи — водород (аввал тахмин қилганларидек углерод икки оксиди эмас) хос эканлиги маълум бўлганлигини айтиб ўтди.

Нобел мукофотига мушарраф бўлганидан сўнг икки йил ўтиб Сент-Дёрди Льеж (Бельгия) университети профессорлигига тайинланди. 30-йиллар охирига келиб мушак ҳужайралари биокимёси билан қизиқиб қолди. Сент-Дёрди ва унинг ҳамкасблари мушак тўқималари оқсили-актинни ажратиб олдилар. Актин бошқа оқсил — миозин билан биргаликда актомиозин комплексини ҳосил қилади. Мушак тўқимасининг қиздирилган экстракти, актомиозинга қўшилганда сунъий мушак тўқималарининг қисқаришини келтириб чиқаради. Сент-Дёрди қатъият билан аденозинтрифосфат (АТФ)нинг энергияга бой фосфат алоқаларини актомиозиннинг қисқариши сабабчиси, деб ҳисоблашни давом эттирди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Сент-Дёрди Венгрияда қолди ва яширин курашда давом этди. Уруш тугашидан бироз олдин, нацистлар томонидан таъқибга олинган Сент-Дёрди бир кечалик муддат ичида қирол кўмаги билан Швеция фуқаролигини қўлга киритишга муваффақ бўлди ва гестапо етиб келишидан бир неча соат аввал Будапештни тарк этди. У Швецияга дипломатик йўл билан ўтиб олди. Уруш тугаганидан сўнг Венгриянинг шўролар томонидан истило қилинганидан ва ўзининг Венгрия парламенти аъзоси сифатидаги сиёсий фаолиятидаги муваффақиятсизликлардан ҳафсаласи пир бўлган Сент-Дёрди 1944 йили АҚШга муқим яшаш учун жўнаб кетди. У 1955 йили Америка фуқаролигига эга бўлди. Вудс-Холдаги (Массачусетс штати) денгиз биология лабораториясида Сент-Дёрди Мушаклар тадқиқоти институти ташкил этди. У бу ерда қисқичбақа ҳужайралари ўсишини тартибга солишни, биологик мембраналарнинг лектрофизиологик хусусиятларини ва тимусни гормонал функцияларини ўрганди.

1917 йили Сент-Дёрди Корнелия Деменига уйланди. Оилада қиз туғилди. Хотини рак касаллигидан вафот этгач, 1942 йили Марта Барбиро, 1975 йили эса Марсия Хаустон билан турмуш қурди. АҚШнинг Вьетнамда олиб бораётган урушига очиқдан-очиқ қарши чиққан Сент-Дёрди ядровий қуролсизланиш ҳаракатида иштирок этди.

Сент-Дёрди 1986 йили 22 октябр куни Вудс-Холдаги уйида сурункали буйрак етишмаслигидан вафот этди.

Сент-Дёрдининг мукофотлари ичида Эдинбург университетининг Камерон мукофоти (1946) ва Америка кардиологик ассоциациясининг Альберт Ласкер мукофотлари (1954) бор. У Будапешт фанлар академияси, АҚШ Миллий фанлар академияси, Америка фан ва санъат академияси, Будапешт Миллий фанлар академияларининг аъзоси эди. У Лозанна, Падуи, Париж, Бордо, Кембриж, Оксфорд ва Браун университетларининг фахрий даражаларига мушарраф бўлган.

Абдумажит ТЎРАЕВ, Иброҳим КАРИМОВ, Ўзбекистон физиклар жамияти ҳайъати аъзолари

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг муҳим бўғини малака ошириш тизимидир. "Малака" сўзининг замирида эса чуқур луғавий маъно ётади. Таълим муассасаси ходимларининг малака оширишларига хизмат қилаётган даргоҳлар кўп. Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари учун ташкил қилинган Олий Педагогика институтига 1993 йилнинг 5 июнида Вазирлар Маҳкамасининг 270-сонли қарори билан асос солинган эди.

Саҳифада Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий Педагогика институти фаолияти билан танишасиз.

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМДАГИ МУҲИМ БЎҒИН

Milliy dastur — amalda

Мамлакат ижтимоий-сиёсий тизими хусусиятларини ва бой миллий анъаналарини ҳисобга олиб яратилган тараққиёт модели нафақат республиканинг бугунги ҳолатини, балки унинг келажакда ривожланишини ҳам белгилаб беради. Ҳозирда кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизими вужудга келди. Бу тизим кадрларнинг юқори умумий ва профессионал маданиятга, истиқбол масалаларини қўйиш ва ечиш қобилиятига, ижтимий-сиёсий ҳаётда мустақил фикрлаш маҳоратига эга янги авлодини шакллантиришни таъминлаб бериши лозим.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари раҳбар ходимлари, педагоглари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашга қўйиладиган давлат талаблари, истиқбол режалари, вазирликнинг намунавий меъёрий ҳужжатларини тузишга қўйилган талаблар ва тавсиялар асосида малака ошириш мазмунини белгилаб берувчи 30 дан ортиқ умуммаърифий фанлар бўйича ишчи ўқув режалари ва дастурлари тубдан янгиланди. Бунда янги меъёрий ҳужжатларга биноан ўқув жараёнини ташкил қилиш вариантлари илмий жиҳатдан тадқиқ ва таҳлил қилинди.

2000—2001 ўқув ҳисобот йилида институтимизда 1118 нафар олий таълим муассасалари педагоглари ва раҳбар ходимлари, академик лицей, касб-ҳунар коллежларида "Шахс ва жамият", "Давлат ва ҳуқуқ асослари"дан дарс берувчи 128 киши, жами 1246 тингловчи ўз малакасини оширди.

Ижтимоий-гуманитар ва сиёсий фанлар мазмунининг тубдан ислоҳ қилинаётганлиги, фундаментал фанлар соҳасидаги янги кашфиётларнинг яратилаётганлиги янгиланган дастурларда акс эттириляпти.

Умумий тайёргарлик йўналишлари (педагогларга қўйиладиган давлат талаблари, маънавият ва маърифат, олий таълимда маркетинг ва менежмент,

ўқув режаларида ва стандартларида муносиб акс этиб бормоқда. Институтимиз мазкур йўналишларда педагоглар малакасини оширишга асосий масъул муассаса ҳисобланади. Ўтган йилнинг март ойида ўтказилган информатика, математика, физика ва бошқа табиий фанлар соҳасида ўқитишни такомиллаштиришга бағишланган республика семинарларининг ўтказилиши фикримиз исботидир. Илмий кенгаш ташаббуси билан мавжуд физика-математика, информатика, кимё-биология, геология-география кафедралари бирлаштирилиб, информацион технологиялар кафедраси ташкил қилинди. Ушбу кафедрада университетнинг ўндан ортиқ етакчи педагоглари машғулотлар олиб боришяпти.

Ўқув режалари, фанлар дастурлари ва дарс жадвалларида малака оширишда фанларнинг замонавий мазмунини аниқлаш, мутараққий бобларини аниқлаб, махсус курслар ташкил қилиш, табиий фанларнинг талабалар дунёқарашини шакллантириш вазифасини миллий истиқлол ғояси ва мафкураси билан чамбарчас қўшиб олиб бориш асосий мақсад қилиб белгиланган.

Таълимда замонавий информацион техник воситалар нафақат ўқитиш методикасига, балки унинг мазмунига, ҳатто мактабшунослик масалаларига жиддий таъсир кўрсатиб, уларни тубдан ислоҳ қилишни талаб этмоқда. Ўқув фанлари билан боғлиқ ижтимоий ҳаётнинг илмий ва амалий масалаларини ечишда интеллектуал автоматлаштириш имкониятлари фан мазмунини белгиласа, фанни ўқитишдаги мураккаб жараёнлар, мақсад ва вазифалар унга қараганда анча юқори ва ўта мураккабдир.

ОТМ ўқитувчисининг малакасини ошириш жараёни мураккаб механизмдир. Шунга яраша анча-мунча муаммолар ҳам бор. Тизимда курсга қабул қилинган тингловчиларнинг "бир хил тоифали ўқитувчилар"га тегишли бўлишини таъминлаш, яъни "гомоген" гуруҳга айлантириш, мавзу бўйича танлов мақсадларини аниқ ўрганиш, мавзуни мазмунан саралашда фан ривожининг абстракция поғоналарини ҳисобга олиш, тингловчиларнинг мустақиллигини тўлиқ таъминлайдиган қўшимча ахборот манбаларини тайёрлашга аҳамият беришимиз лозим.

Шамсиддин ШАРОПОВ,
ЎзМУ қошидаги Олий педагогика институти директори, тарих фанлари *доктори, профессор*

ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН ЁНДОШУВ

Yangi pedagogik texnologiyalar

Олий ўқув юрти ўқитувчисининг касбий-педагогик маҳоратини Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида шакллантириш ва янги поғонага кўтариш малака ошириш тизимида бирмунча самарали кечади. Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг психологик-педагогик тайёргарлигини тўлақонли таъминлаш кўп жиҳатдан кафедраларнинг ўқув, илмий-услубий фаолиятини пишиқ-пухта ташкил этишга боғлиқ.

Институтнинг "Олий таълим педагогикаси" кафедрасида (республикада ягона кафедра) педагогика, психология, филология (шу жумладан, хорижий) йўналишларда олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ўз касбий маҳоратларини оширмоқдалар. Шунингдек, табиий ва ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитувчилари учун ҳам олий мактаб педагогикаси ва психологияси, янги педагогик технологиялар каби фанлардан юқори малакали педагоглар томонидан турли шаклдаги машғулотлар олиб борилади.

Кафедра фаолиятида табақалаштирилган ёндошув асосида машғулотларни ташкил этиш асосий ўринни эгаллайди.

Махсус сўровнома ёрдамида тингловчилар — профессор-ўқитувчилар фаолиятидаги илғор тажрибаларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади. Машғулот олиб боришнинг ноанъанавий шакли тингловчилар ўртасида тарғибот қилинади.

Ўқитишнинг илғор педагогик технологиялари ўзлаштирилди ва амалиётга татбиқ этилмоқда: шахсга йўналтирилган таълим технологияси, модулли-муаммоли ўқитиш технологияси, аксиоматик ёндошув, мақсадлар таксономияси шулар жумласидандир.

Ўқитишнинг интерфаол методларини тарғиб қилиш ва амалиётга жорий этиш ишлари амалга оширилди. Айниқса, Американинг "Street Law" (кўча қоидаси) дастуридан жой олган ўқитиш методлари (ақлий ҳужум, ажурли арра, танқидий фикрлаш, дебат, меню, ўз ўрнингни топ ва б.) ёрдамида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш методикаси ўргатиляпти ва тингловчиларга алоҳида дидактик материал сифатида тарқатилмоқда.

Илмий тадқиқот натижаларини ўқув жараёнига татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Кафедра ҳузурида "Янги педагогик технологиялар" лабораторияси фаолият кўрсатиб келмоқда. Олимлар "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ОЎЮ ўқитувчиларининг асосий ҳал қилувчи шахс сифатида касбий-педагогик маҳоратини ривожлантирувчи педагогик технология лойиҳалари" мавзусида илмий-тадқиқот ишларини бажаришаётир. Малака оширишга қўйилган давлат талабларини таъминлашга қаратилган ўқитиш жараёнига янги педагогик технологиялар ёрдамида конструкциялаш ва мақбуллаштириш асосида профессор-ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари ишлаб чиқилди. Мавзу бўйича монография ва ўқув методик қўлланмалар чоп этилди. Масалан, "Янги педагогик технология назарияси ва амалиёти", "Дидактик жараён лойиҳасининг интерфаол методлари", "Касбий-педагогик маҳоратни ривожлантириш" каби методик қўлланмалар тингловчиларга етказилди.

Нурали САЙИДАҲМЕДОВ,
"Олий таълим педагогикаси" кафедраси мудири, профессор.

ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРИБ

Hamkorlik

Институт жамоаси чет эллик ҳамкасблари билан маълум маънода алоқалар боғлаб келмоқда.

Москва Давлат рус тили институтининг профессорлари А.Шукин ва Э.Азимовлар иштирокида 2001 йил ноябрь ойида илмий-амалий семинар ўтказилди. Семинарда ЎзМУ факультетлараро рус тили кафедралари мудирлари ва профессор-ўқитувчилари иштирок этишди.

2001 йил февраль ойида Хўжанд Давлат университети билан малака ошириш масалалари бўйича ҳамкорлик ҳақида битим тузилган эди. Битим лойиҳасида сайёр малака ошириш гуруҳи ташкил этиш, Тожикистон олий ўқув юртларида малака ошириш курсларини ташкил қилиш режалари белгиланган.

Мазкур мақола муаллифи профессор М.Валихонов 2002 йил март ойида илмий сафар билан Покистоннинг Карачи шаҳрида Осиё мамлакатларининг табиий бирикмалар кимёсига бағишланган халқаро конференцияда иштирок этди. Улар биздаги ўқитувчилар малакасини ошириш тизимига жуда қизиқиб кўпгина саволлар беришиб, келгусида ҳамкорлик қилиш истакларини билдирдилар.

Институтимиз директори, тарих фанлари доктори, профессор Ш.Шаропов ҳамда информацион технология ва табиий фанлар кафедраси мудири, профессор Ш.Нуриддиновлар чет элга Олий Педагогика институтининг тажрибаларини тарқатиш ва чет элдан ўзимизга керакли тажрибаларни ўрганиш учун илмий сафарга тараддуд кўришяпти.

М.ВАЛИХОНОВ,
институт профессори

GEF агентлигида ўрганиб чиқилган маълумотлар асосида гидрологик асбоблар ва сув сифати параметрини ўлчовчи асбобларни сотиб олишга доир халқаро миқёсдаги тендер ҳужжатлари тайёрланди.

ЧЕГАРАЛАРАРО СУВ МОНИТОРИНГИ

Оролни қутқариш халқаро фонди GEF агентлиги В Компоненти Ўзбекистон миллий ишчи гуруҳи

Оролни қутқариш халқаро GEF агентлиги олиб бораётган ишлардан, амалга ошираётган ибратли юмушлардан газетхонларимизнинг хабари бор. Бешта компонентга бўлиниб фаолият юритаётган ушбу агентликнинг "Д" компоненти "Чегараларарo (Трансгеник) сув мониторинги" лойиҳаси бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Ушбу лойиҳанинг мақсад-муддаолари, келажакдаги режалари хусусида "Д" компоненти раҳбари Р.Аслов қуйидагиларни сўзлаб берди.

—Бу лойиҳа Орол денгизи ҳавзаси табиий заҳиралари ва сувлари мониторингини ўз вақтида ахборот билан таъминлаш ҳамда тахминларга эга бўлиш, ҳудуддаги иқтисодий соҳаларни режалаштиришга қаратилган ва 1994 йили 11 январда Нукусда Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарлари томонидан қабул қилинган Орол денгизи ҳавзаси дастурининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Трансгеник дарёлар, улар мониторингини ташкил этиш — Орол денгизи ҳавзасидаги сув заҳираларидан рационал фойдаланиш тизимининг асосий шартларидан биридир. Сув заҳираларини ўрганиш, илмий фаразларни мукаммаллаштириш, оқим миқдори йўқотилишининг ҳажмини аниқлаштириш, гидро-кимёвий режим ўзгаришлари ва сув сифатини назорат қилиш, ишончли тарзда ишлаётган гидрометереологик тармоқсиз амалга ошмайди.

Бироқ иқтисодий қийинчиликлар, молиявий чеклашлар туфайли айрим гидрометереологик хизмат бўлимлари, назорат тармоқларини қисқартиришга мажбур бўлмоқдалар. Айни пайтда асбоб-ускуналар ҳам эскириб бормоқда. Бу эса экологик вазият туфайли яна ўсиб бораётган талабларга жавоб бера олмайди.

Марказий Осиё ҳудудларида трансгеник сувлар мониторинги станциялари ягона тизим бўлиши ва мамлакатлар ўртасидаги ахборот алмашинувининг тўлиқ кафолатланиши шартлигини ҳисобга олган ҳолда GEF агентлиги жаҳон банки билан ҳамкорликда Орол денгизи ҳавзасини трансгеник дарёлардан гидрометереологиик станциялар модернизацияси бўйича иш бошлашни ташкил этиш лойиҳаси уч ярим йилга мўлжалланган ва унинг бюджети 3,45 млн. АҚШ долларидан иборат. Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон, Ўзбекистон трансгеник сувлар мониторинги станцияларидан 17 тасини қайта таъмирлаш ва 8 тасида янги станцияларни ишга тушириш режалаштирилмоқда. Албатта, улар тўлиқ ўлчов асбоб-ускуналари, алоқа воситалари билан таъминланадилар. Ахборотни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш имкониятларига эга бўлган шароитда яратилади.

"Д" компонентининг амалга оширган юмушларидан келиб чиқиб, мазкур компонентнинг асосий йўналишларини қуйидагиларга ажратиш мумкин:

— ягона ахборот тизими асосида сув заҳиралари баҳосининг заруриятини белгилаш,

— ҳудудларда сув билан боғлиқ цивилизация ва объектив муносабатларни ривожлантиришнинг асоси сифатида сув заҳиралари миқдори ва сифат кўрсаткичлари мониторинги бўйича халқаро тармоқ ташкил этишни бошлаш ва бошқалар.

Мазкур лойиҳа томонидан технологик ускуналарни ўрнатиш ва улар ёрдамида Амударё ва Сирдарёнинг 25 та ирмоқларидаги сувнинг сифати ва миқдорини доимий назоратга олиш ҳам кўзда тутилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ҳар бир мамлакат ҳудудида компонент амалга ошириши лозим бўлган ишларни миллий гидрометереологик хизмат ташкилотлари ўз зиммасига оладилар. Улар мавжуд станцияларни таъмирлаш, янгиларини ўрнатиш, шунингдек зарурий инфратузилма бўлимлари, алоқа тармоқлари ва соҳилбўйи иншоотларини қуриш ишларини ўз зиммаларига олдилар.

Мазкур станцияларга зарур бўладиган харажатлар, Марказий Осиё давлатлари ҳисобидан амалга оширилади ва бу ишда GEF агентлигининг асосий вазифаси Орол денгизи ҳавзасида ягона мониторинг тизимини ташкил этиш, шунингдек, янги асбоб-ускуналарни сотиб олиш ва ўрнатиб беришдан иборат бўлади.

Швецария миссияси томонидан Орол денгизи ҳавзасига етказилган ўлчовчи, тўлқин ўлчовчи, сақловчи электрон тузилмалар, станцияларга ўрнатилган маълумотларни ўрнатувчи ва қайта ишловчи замонавий асбоб-ускуналар Ўзбекистон республикаси гидрометереология хизмати станцияларида фойдаланилмоқда.

Лойиҳани амалга ошириш доирасида икки марта амалий семинар ўтказилди. Трансгеник мониторинг тизимига киритувчи станциялар миқдори тасдиқланди, сотиб олинган ўлчов системаларига бўлган талаблар ўрганиб чиқилди ва бунда Марказий Осиёнинг тоғлари ва чўлларидаги мураккаб гидро шароитларда самарали ишлаш хусусиятларига алоҳида эътибор берилди.

GEF агентлигида ўрганиб чиқилган маълумотлар асосида гидрологик асбоблар ва сув сифати параметрини ўлчовчи асбобларни сотиб олишга доир халқаро миқёсдаги тендер ҳужжатлари тайёрланди. Мазкур лойиҳани амалга ошириш чоғида "Д" компоненти GEF агентлигининг бошқа компонентлари билан ҳам ҳамкорликда ишлади.

Орол денгизи бўйича иш олиб борган Швецария миссияси доирасидаги лойиҳалар ҳам компонент фаолиятида инобатга олинди.



СОЙНИНГ СУЛУВЛИГИ СУВ БИЛАН БИЛАСИЗМИ?

Сувни об-ҳаёт деб атаймиз, уни нон сингари ардоқлаймиз, гоҳида меъёрдан ортиқча сув ишлатиб юборсак, катта ёшли кишилардан "уволидан қўрққин болам" деган танбеҳни эшитамиз.

Азал-азалдан сув тирикликнинг бош омили сифатида қадрланган, эъзозланган. Халқимизда "сувдек сероб бўлинг" деган бир ажойиб ибора борки, бу иборани барча яхшилик кўрган кишисига қарата айтади. Сув бор жойда тириклик, яшиллик бўлади. Сув бор ерда ҳаёт бўлади.

Ота-боболаримиз сув ҳақида ажойиб маталлар, мақоллар, иборалар ишлатишган. Ана шу ноёб дурдоналар бугунги кунда ҳам ўз қийматини йўқотмаган.

Сув йил оқар, оламга гул тақар.

* * *

Сув таралар тупроққа,
оро берар япроққа.

Сув келтирар мард киши,
экин экар ҳар киши.

* * *

Сувнинг қатраси,
офтобнинг зарраси.

* * *

Эл ҳаёти ер билан,
ер ҳаёти сув билан.

* * *

Ариқдан сув узилмаса,
саватдан нон аримас.

* * *

Сув онаси булоқ,
сўз онаси қулоқ.

* * *

Ойнинг сулувлиги нур билан,
сойнинг сулувлиги сув билан.

* * *

Сув келтирган мард,
сув бермаган номард.

* * *

Сувсиз ерда тол бўлмас,
қовоқарида бол.

Сув мавзуси ўзбек мумтоз ижодкорлари асарларида ҳам етакчи ўринларни эгаллайди. Улар обиҳаёт тўғрисида гўзал ва теран, бир-бирини такрорламаган фикрлар баён қилишган. Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Лутфий, Навоий, Мирзо Бобур, Мунис ва Огаҳий каби шоирлар ўз ижодларида сувнинг халқ ҳаётида тутган ўрни, муқаддаслиги тўғрисида кўплаб шеърлар ижод этганлар.

Айниқса, шеърият мулкининг султони Алишер Навоий ижодида сув ҳақидаги битиклар "кўп ва хўп"лиги билан ажралиб туради. Бу улкан ижодкорнинг "Хазойинул маоний" номли шоҳ асарида ва "Хамса"га кирган беш достонида сувнинг муқаддас ва азизлиги, инсон ва замин, ўсимлик ва ҳайвонот олами учун ниҳоятда зарурлиги, дунёнинг, тирик мавжудотнинг сувдан пайдо бўлганлиги, борлиқнинг яшнаши, ҳаётнинг давом этиши ҳам унга боғлиқлиги ҳақида ажойиб мисралар, байтлар, ҳатто бутун қитъалар, ғазал ва рубоийлар битилган. Фарҳоднинг тоғу тошларни кесиб, халққа сув олиб келиши ҳам моҳирона ёритилган.

Биз сувга ва адабиётга бўлган муносабатингизни синаш мақсадида эътиборингизга классик шоирларимизнинг сув тўғрисида яратган асарларидан парчалар ҳавола қиламиз. Тўртликлар муаллифларини топишга уриниб кўринг.

Қор ва музлар эришди,
Тоғ сувлари юришди,
Кўкда булут юришди,
Қайиқлардек ўйнашур.

* * *

Етишса ўлум рангин беморлиғ,
Сув бергунча қилмай бирав ёрлиғ.
Сув бермак неким, зоҳир айлаб ғулу,
Олурға агар бўлса жонимда сув.

* * *

Рақиби синдуруб кўнглину мен
йиғлаб анга, лекин,
Сув келтирмак ҳамону кўза
синдирмак ҳамон эрмиш.

* * *

Бўл оқар су ақаллидан огоҳ,
Ким оқарда оқизса бир пар-и коҳ.
Бу суни тоҳиру, мутаҳҳар бил,
Ҳар нима йур эсанг бу
суда йувғил....

* * *

Фурқатингдан мавж урар
бу дидаи пурхунда сув,
Ўйлаким шўриш қилур пайдо
тошиб Жайҳунда сув,
То бўлиб гирён югурдим ҳар
тараф истаб сани,
Сели ашким бирла оқти
водию ҳомунда сув.

* * *

...Ҳар қанча қилса гуфту гў,
Бу ёзда тансиқ бўлди су.
Ким можаронинг боши бу,
Моҳияти яққол экан...

* * *

Кимга дод айлай бориб,
шум толеимни дастидан,
Кўза синдирган азиз-у,
сув келтирган хор-зор.

Саҳифани Шарифа МАДРАҲИМОВА тайёрлади.

ВАТАН — ЁНИҚ ЮРАГИМ

Жуманазар БЕКНАЗАР

(Истиқлолга қасида)

ЖУМАНАЗАР БЕКНАЗАРНИНГ “ВАТАН — ЁНИҚ ЮРАГИМ!” НОМЛИ ҚАСИДАСИ ҲАҚИДА

***Жуманазар БЕКНАЗАР*нинг “Ватан — ёниқ юрагим!” номли истиқлолимизга бағишланган қасидасини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим; муаллиф миллат учун буюк неъмат бўлган озодликни, истиқлолни васф этмоқ ниятида халқимиз тарихининг олис-олис қатламларига саёҳат қилади ва бу нарса табиий ҳам бўлиб туюлади. Тарихимизда ўтган истиқлол фидойилари, Ватан қаҳрамонлари, номлари халқимиз пешонасида юлдуз бўлиб ёниб турган валломатлар... Истиқлолимиз ҳақида ёзганда уларни четлаб ўтиш мумкин эмас, уларнинг ҳам шаън-шавкатли ҳаётини васф этмоқ эзгулик доирасидаги бир ишдир. Муаллиф ана шу адолатли йўлдан боради. Буюк Турон давлатини тузган Ўғизхон, Модехон, Истамий хоқон, Алп Эр Тўнгахон, Жалолиддин, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муқаннаю Темур Маликлар ҳақида қалам тебратади. Шуниси диққатга сазоворки, шоир бу қаҳрамонларнинг бутун фаолиятини ёритиб ўтирмайди, балки бир-икки чизгилар билан уларнинг тақдирларидаги ўхшашликни — истиқлол учун фидойиликни таъкидлаб ўтади.**

Истиқлол йўллари осон кечмаган. Шоир ана шу ҳақда қалам тебратар экан, уларни халқимиз тарихда кечирган машаққатларни бўрттириш учун эмас, балки бугун буюк истиқлолимиз, озодлигимиз қадрини рўйи-рост кўрсатиш учун, унинг қадрига етишимиз учун келтиради, авайлаб ардоқлашга чақиради.

Сирлиги чексиз,
Зарра жисмимиз,
Коинотнинг биз
Нодир қисмимиз.
Сайёраларда
Чақнар исмимиз!
Ўйлаганмисан
Ёниб ва куйиб,
Мен истиқлолга
Нима бердим, деб!

Ҳа, муаллиф ҳаммамиз ўзимизга берадиган саволни эслатмоқда, истиқлолни том маънода англаб етишга чорламоқда. “Ватан — ёниқ юрагим” қасидасининг ғоявий юки, бадиий қиммати ана шундан иборатдир.

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Нафис гуллар ғамгин, нечун шашти паст,
Кўрганлар безабон, маъюс тортарлар,
Булбуллар саноғин камайгани рост,
Тухумин майналар еб-да кетарлар.

Архарлар қушдайин баҳрда зийрак,
Қочиб кетишди-ку ғорлар қаърига,
Кўзлар олазарак, уйқуда сергак,
Ҳадик-ла боқишар, эҳ, бир-бирига.

Кийиклар боқарлар мунгли жовдираб,
Яшашга майдони борар торайиб,
Кийикўт топсалар ҳайрон довдираб,
Кўрсалар мўъжиза-сирли ғаройиб.

Жон сақлайди аранг ризқини териб,
Ўрдак ўзин сезар кўлда бегона,
Қирғовуллар турмас кўкрагин кериб,
Бобур тавсифи ҳам энди бегона...

Тўрғайлар осмонда сайрамас энди,
Чангу тўзонлардан кўзларда парда,
Сайҳонда какликлар товуши тинди,
Гўё табиатга қилгандек зарда!

Аввалгидек ўсмас печак, қоқигул,
Чувалчанглар келмас қайта тирилиб,
Нафис капалаклар йўқолди буткул,
Заҳри қотиллардан кетди қирилиб.

Карахтликда ётар ўлан-майсалар,
Дил тортар чиройин кўрмайман асло,
Булутлар сувида ювиб чайсалар,
Мафтункор бўларди улар ҳам илло!

Хаёллар миямда ўйнайди ғужғон,
Барини фикрлаб ўйга толаман,
Таҳлиллар туғёни жўш урган замон,
Жавобин тополмай ғамда қоламан...

5

Коинот бағрида мудрайди қуёш,
Ҳали чарақларди Зуҳро юлдузи,
Совуқдан жунжикар беролмай бардош,
Бойчечак титрайди сарғайиб юзи.

Ухлаган уватни уйғотиб кетмон,
Ялтирайди тиниқ юлдуз мисоли,
Ҳансирайди тупроқ—ташвиши ботмон,
Безовта ўрмалар минглаб чумоли.

Кетмон ҳам авайлаб ўстирди гулни,
Шунчалар нафиски, тешгудай киприк,
Сайратиб юборди мажнун булбулни,
Бироқ сўзларининг кўпи ўтирик.

Олиб кетишди-ку гулни авайлаб,
Фаранги атирлар ёнди маҳлиё,
Таҳсинлар айтилди унга атайлаб,
Эсламади ҳеч ким кетмонни асло!

Танг қолган уватлар дармонсиз хаста,
Инграниб тергайди ҳорғин кетмонни,
Кетмон эса ўйлаб... хўрсинар аста,
Қучоқлаганча мунг, ғам ва, аламни...

6

Эрурсан сен суюқдан суюк,
Тарихинг бор муқаддас буюк,
Тарқоқ эдинг — сочилган дондай,
Шундан менинг юрагим куюк.

Қаддинг букик, қалбинг тўла ғам
Йиллар ҳорғин ташлайсан қадам,
Қувончни-ку бермаслар, ҳайҳот,
Лек бошингда туҳматлар ҳар дам.

Сўзинг туҳмат, демагил бироқ,
Бу фикрдан йироқман-йироқ,
Лекин, дўстлар, раҳматлар нечун,
Заҳар еса бу она тупроқ?

Балким бу бир тугундир, аммо,
Кўпдан қийнар мени муаммо:
Аждодларнинг шуҳрати буюк,
Нега бугун дониш камнамо?!
Ҳақиқатга босилган тўғон,
Беллар майиб, занжирлар йўғон,

Давоми. Боши газетамизнинг 17 апрель сонида

Эй, одамлар, бирдамлик қани,
Хаёлимда саволлар ғужғон...

Эрурсан сен суюқдан суюк,
Тарихинг бор буюқдан буюк,
Бирлашмасдан юрдинг кўп тўзиб,
Шундан менинг юрагим куюк.

7

Эл аро фисқу фасод қўзғолур,
Барҳам топса имон, инсоф ва ғурур,
Бил, шу юртда бузулғай ахлоқ, тарбия,
Ножинсу нокаслар офат келтирур.

Бу юртда ғамлидур аҳли сарафроз,
Дўст дўстни тингламас, бўлмаслар ҳамроз,
Йигит қўли тутар ота ёқасин,
Ҳар ёнга соясин ташлар инқироз.

Эй халқим! Юрт шаъни Олий муқаддас,
Шу туйғу қалбларга жо қилсин бир сас:
Топталмасин десанг шу она тупроқ,
Ҳар бир фарзанд бўлсин оқил, забардаст!

8

Даҳшатдан қалбим портлар чунон,
Тандан ажралди маъюс руҳим,
Шиддат-ла учмиш мавҳум томон,
Қақраган чўлларда қолди оҳим...

Даҳшат-ку, дея ҳайқираман,
Атрофим бўм-бўш, инграйди ер,
Нафас қисилар, югураман,
Товуш бўғилар, ёғилар тер...

Орол қисмати бағрим ёқар,
Қани тўлқинлар шўх-у ўйноқ?
Денгиз ортидан маъюс боқар,
Кема мозори қумли Мўйноқ...

9

Қандай соз ёқимли ташвишсиз дунё,
Дейишиб ипакка ўралар қуртлар,
Тераклар пойида зарблар зўридан,
Мунғайиб зор қолди қирқилган тутлар.

Ҳақиқат арқонин узун ташламай,
Ёқтириб қолибмиз силлиқ юзани,
Чину ёлғонлигин қолдик англамай,
Шундан сувга ташна Жайҳун ўзани...

О, кўкси тоғ мисол жонажон халқим,
Кўнгли кўп хирадур қўли ҳалолнинг,
Лоқайдлик касридан тузга ўралиб,
Шўри қуримоқда шўрлик Оролнинг...

10

Шунда янгради бир ҳайқириқ:
— Наҳот ўзингга ўзинг ҳоким,
Бўйнингда эса бўйинтуруқ,
Пишиқ бир ғояга қулсан токим.

Мен ҳайқириқман ақл титратган,
Тарих ойинаси менинг юзим,
Асл ўзлигинг кўп англатган
Истиқлолингман, тингла сўзим...

О, истиқлолим, фикрим қафас,
Тўлиқ англашга етармн онг?
*Сенсан қуш мисол бобом Ёфас**
Бағридан учиб уйғонган Тонг!

Қанча орзиқиб сени кутдик,
Соғиниб жондан асрлар ўтдик,
Кўйингда заҳар-заққум ютдик,
Бағирлар бўлди қон, Истиқлол,
Сен кимни кутдинг, жон Истиқлол?

Ушалса эркин қалб орзуси,
Авжида бўлур дил чолғуси,
Нега келмадинг эрк ёғдуси?
Қанчалар ютдик қон, Истиқлол,
Сен қайда эдинг, жон Истиқлол?

Ўғуз сўзи эл қўзғатганда,*
Бургут келбат ёв тўзғитганда,
Зафарга элин чўлғатганда,
Сен зафар қучдинг, жон Истиқлол,
Кетмадинг сен ҳар ён, Истиқлол.

Моде наърасин кўп йил кутдинг,*
Ботир қўлидан дадил тутдинг,
Чин деворидан сакраб ўтдинг,
Дилларда қувонч, жон Истиқлол,
Танда кўпирди қон, Истиқлол.

Сенга талпиниб жасур Афшин,*
Хатарлар аро ўтди лочин,
Ҳайратдан ёқа ушлади Чин,
Орзулар кулди, жон Истиқлол,
Томирда тепди қон, Истиқлол.

Энг олий нуқта — номуси ор,
Бундай тантилик қай элда бор?
Сезгач таъзимда Қофқоз, Босфор,
Истамий учун жон Истиқлол,*
Халқимга бўлдинг шон Истиқлол.

Ғоя бирлашгач бус-бутунга,
Ғурурга тўлди Алип Эр Тунга,*
Миллат юзини бурди кунга,
Эл-юртга бердинг жон, Истиқлол,
Сен ўзинг шараф-шон, Истиқлол.

Миллатим дебон кўкрак керди,
Сочилган шаънни бир-бир терди,
Нур бўлиб балқди Мангуберди,*
Сен учун тўкди қон, Истиқлол,
Жон берди сен деб жон, Истиқлол.

Зулмат қўйнида ярқ этди нур,
Тузоқдан тортиб олинди Ҳур,
Истиқлол—сен, эй, буюк Темур,
Эл-юртга келди, жон Истиқлол,
Порла, порла, ён, ён, Истиқлол!

11

Қонли ғумонлар авжга минди,
Олов Юраклар мангу сўнди,
Булбул ўрнига қузғун қўнди,
Истиқлолингман, айтай сўзим,
Чўлпон, Фитратлар айни ўзим.

Фиғон айлайди бу оппоқ тупроқ,
Сарғаяр эрта яшил япроқ,
Юртдан қувилдинг бўлиб қулоқ...
Истиқлолингман, айтай сўзим,
Чалинмасданоқ синди созим...
Йўқдан ёғилди нуқул туҳмат,

Қамашмасалар, дединг, неъмат,
Ётиш-туришинг — доим меҳнат,
Истиқлолингман, сен йўқотган,
Бағримга дашноқ ўқлар отган...

Мўраласа ҳам ростгўй сўзлар,
Парда ортидан тўнг юзсизлар,
Излар, топар ва яна излар,
Истиқлолингман, сен йўқотган,
Усмон Носирман музда қотган...

12

Турон элига белбоғ эди,
Икки тарафи гулбоғ эди,
Сувсизлик унга йироқ эди,
Шиддат, ҳайбатга тўлган дарё.

Кўланка босиб чап қирғоғин,
Ёвлашиб берса ул сўроғин,
Синдириб отиб ёв яроғин,
Ёғий устидан кулган дарё.

Мўр—малахларга букмай қаддин,
Уйғотиб халқин берди зарбин,
Чақмоқдай балқди Жалолиддин,
Чингизни қойил қилган дарё.

Шаънига дуо олган онлар.
Сўнгги денгизга етган онлар,
Сувнинг шиддати бир замонлар,
Темур зафарин берган дарё.

Туҳмату офат даъволардан,
Қаҳатга тўлган балолардан,
Сақлади кўнгли қаролардан,
Туронга қалқон бўлган дарё.

Энди сувга зор ўзанлари,
Қаҳрга минган тўзонлари,
Ўзгариб замон мезонлари,
Бугунга келиб сўлган дарё...

(Давоми бор)

«KOGON-YOG'»

hissadorlik jamiyati

Mamlakatimiz talaba-yoshlarining sport bellashuvlariga tashrif buyurgan aziz yoshlar va muhtaram mehmonlar! Dunyo shahri deb, e'tirof etilgan Buxoroga xush kelibsizlar! Sport bellashuvlarida siz yoshlarga kuch-quvvat, ulkan zafarlar tilaymiz!



INTAL TELEKOM

sho'ba korxonasi



"UNIVERSIADA-2002"

sport musobaqalari
qatnashchilari va mehmonlarini
samimiy tabriklaydi!
Internet tizimida xizmat ko'rsatishga
ixtisoslashgan jamoamiz
mamlakatimiz yoshlarining bilim va salohiyatlari
yildan-yilga yuksalayotganidan faxrlanadilar.
Buxoro shahrida o'tkazilajak
mardlik bellashuvlari
yana yuzlab iqtidorli yoshlarni elga tanitishiga aminmiz!
Bellashuvlarda halollik va tantilik yo'ldoshingiz bo'lsin!

E'tirof

Бу йил умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари илк маротаба ташкил этилди. Мактабимиз ўқувчилари ҳам ўтган йилнинг сентябриданоқ спортнинг — шахмат, теннис, футбол, баскетбол ва бошқа турлари бўйича ўзаро куч синашишга тушиб кетишди. Мен кўпроқ тил ва адабиётга қизиққаним учун ўша пайтлари бунга кўп ҳам эътибор бермадим. Она тили ва адабиёти ўқув фани бўйича мактаб олимпиадасида биринчи ўринни эгаллаб, туман босқичига чиқдим. Сўнгра шаҳар олимпиадасида иштирок этиш шарафига муяссар бўлдим. Аммо...

Апрель ойининг дастлабки кунларидан бошлаб эса телевидение орқали Фарғонада ўтказиладиган спорт ўйинларининг финал босқичи хусусида кўрсатувлар кўпайиб қолди. Ота-онам журналист бўлиб матбуот нашрларида ишлагани учунми, уйимиздан даврий газета — журналлар аримайди. Улардаги "Умид ниҳоллари"га бағишлаб чоп этилаётган мақолалар ҳам бу ўйинлар хусусида тасаввуримни кенгайтириб, фикримни ойдинлаштирди. Бора-бора бу мусобақалар мени шунчалик қизиқтириб қўйдики, шу ҳақда газетада чиқаётган ҳар бир мақола, радио ёки телевидение орқали берилаётган эшиттириш ва кўрсатувлар мени бефарқ қолдирмади. Паркентда Куёш нуридан фойдаланиб спорт ўйинлари машъаласининг ёқилиши, уни Фарғонага етиб боргунича жойлардаги мактабларнинг энг билимдон, номдор, хулқи, одоби, юриш-туриши билан бошқаларга ўрнак бўлган ўқувчилари томонидан эстафета ҳолида олиб ўтилаётганлиги ҳақидаги тўғридан-тўғри радио орқали берилаётган эшиттиришлар менда ҳам машъалани кўтариш иштиёқини туғдирди. Фарғонадаги марказий стадионда ўйинларнинг расмий очилиши, кейинчалик ёпилиш маросимларидаги тантаналар кишини беихтиёр тўлқинлантириб юборади. Ҳар бир спорт турлари бўйича тенгдошларимнинг эришаётган ютуқларини кўриб, ўша ўсмир ёки қизлар ҳам махсус спорт мактабининг эмас, балки, мен сингари оддий мактаб ўқувчилари эканлигини ўйлаганимда, шу спорт мусобақаларига қатнашмаганимдан афсусланиб кетдим. Ўзим кўпроқ шахматга қизиқаман. Эҳтимол, шахмат бўйича мусобақаларда қатнашганимда республика босқичига чиқиб, совринли ўринларни қўлга киритган бўлармидим. Энг муҳими турли вилоятлардан келган тенгдошларим билан танишиб, улардан дўстлар орттирардим.



Шуларни ўйлаб дилимга тугиб қўйдим, кейинги йил, албатта, спорт ўйинларида қатнашаман. Бу йил 9-синфни битираяпман. Келгуси йили академик лицейга ўқишга кириш ниятим бор. Буни қарангки, мазкур спорт ўйинлари академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўртасида ҳам "Баркамол авлод" номи билан ўтказилмоқда. Демак, мен мактабдан кетсам-да, мусобақаларда иштирок этиш имкониятимни сақлаб қолар эканман. Мен учун энг муҳими шу нарса.

Маҳбуба ХЎЖАЕВА,
Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 72-мактаб ўқувчиси

"ОРЗУ" — РЕСПУБЛИКА ЧЕМПИОНИ

Шу йилнинг январь ойидан бошланган XIX республика "Қувноқ стартлар" телевизион мусобақалари ниҳоясига етди. Вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри чемпионлари сифатида республика биринчилигида 14 та жамоа ғолиблик учун кураш олиб борди. Спортда ғалаба осонлик билан рўёбга чиқмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Чемпионлик учун кескин ва мурosасиз беллашувларда Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги 48-мактабнинг "Хумо" ва Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги 4-мактабнинг "Орзу" жамоалари саралаш, чорак ва ярим финал мусобақаларини кўтаринки руҳда ўтказганликлари ва финалга йўлланма олганликларидан газетхонларимиз хабардорлар.

Жамоаларнинг ярим финал учрашувлари натижалари чемпионликка даъвогарларнинг спорт маҳоратидан далолат бериб турибди. Жумладан, Жиззахнинг "Орзу" жамоаси Қашқадарёнинг "Олимпия" жамоаси устидан 20:13 ҳисобида, Фарғонанинг "Хумо" жамоаси Тошкент вилоятининг "Мард" жамоаси устидан 18:12 ҳисобида ғалаба қозонган эди.

Мазкур икки жамоа спортчиларининг чемпионлик учун беллашувларини томоша қилиш учун Тошкентдаги 110-мактаб спорт залига кўплаб мухлислар йиғилишди.

Финал мусобақаси олдидан пойтахтимиздаги спорт мактабларининг акробатлари, бадиий гимнастикачилари ва Турон якка кураши бўйича ёш спортчилар ўз маҳоратларини кўрсатиб, байрамга файз киритишди.

Мусобақанинг саккизта дастури бошидан охиригача қизғин ва ҳаяжонли кураш остида ўтди. Биринчи беллашувда ("Саломлашув эстафетаси") ҳар бир жамоадан 10 нафар ўғил ва 10 нафар қиз ҳалқадан чиқиб, тўсиқлар устидан сакраб, 19 та ҳарф ва битта рақамни доскадаги михга илиб ("Салом сизга 4-мактабдан" сўзларини ҳосил қилиб) қайтиши вазифа сифатида берилди. Бу топшириқни биринчи бўлиб "Орзу" жамоаси вакиллари бажаришди ва 3 очко олишди. "Ўрин алмашиш" эстафетасида маррага олдин келган бўлса ҳам "Хумо" жамоасига кўпроқ жарима очколари бел-

"Quvnoq startlar"

гилангани учун ҳар икки жамоага 2 тадан очко (дуранг) берилди.

Учинчи мусобақада ("Тўсиқли эстафета") "Хумо" жамоаси чаққон ҳаракат қилиб, 3 очколи бўлди ва ҳисоб тенглашди (6:6). Тўртинчи беллашувда ("Эпчиллар баҳси") "Хумо" жамоаси аъзоларига ҳакамлар ҳайъати огоҳлантиришларига қарамай, қўпол хатоларга йўл қўйганликлари учун очко берилмади. "Орзу" эса 3 очко илгарилаб кетди. Кейинги баҳсда ("Кўчувчи тўплар") яна "Орзу" вакиллари ғалаба қозонди ва 12:7 ҳисобида олдинга чиқиб олди.

Ҳаяжонли кураш авжига чиқди. "Хумо" вакиллари олтинчи ва еттинчи ("Замбил" ва "Саватдан саватга") эстафета баҳсларида уюшқоқлик билан ҳаракат қилишиб, 6 очкони қўлга киритишди ва ҳисоб 14:13 бўлди. Сўнгги учрашув ("Айланма эстафета") янада ҳаяжонли ва ғалабага бўлган кучли иштиёқ руҳида ўтди ҳамда "Орзу" жамоаси яна 3 очкони қўлга киритиб, 17:14 ҳисобида XIX республика "Қувноқ стартлар" телевизион мусобақалари чемпиони бўлди.

Республика чемпиони бўлган Дўстлик туманидаги 4-мактаб директори Мурод Нурқобилов жамоани мусобақага тайёрлашда астойдил меҳнат қилган жисмоний тарбия ўқитувчилари Абдумутал Ҳусанов, Музаффар Норқулов, Ширин Ҳакимқуловларнинг номларини, туман ҳокимияти, нефть базаси ва бошқа ташкилотлар ҳомийлигини миннатдорлик билан қайд этди.

Иккинчи ўринни эгаллаган Ўзбекистон туманидаги 48-мактаб директори Тўхтасин Содиқов ҳам жисмоний тарбия ўқитувчилари Эргашали Қосимов, Насимбек Мамадалиев, Нодирбек Мамажонов, Равшанбек Ҳамроқуловларнинг фидойилик кўрсатганликларини айтди. Фарғона вилоятининг чекка туманидан 4 маротаба мусобақага келиб-кетишда ҳомийлик қилган "Матлуботсавдо" ҳиссадорлик жамиятига, туман ҳокимияти ва халқ таълими бошқармаларига миннатдорчилигини билдирди.

Ниҳоят, "Қувноқ стартлар" телевизион мусобақалари қатнашчилари саф тортишди. Ўзбекистон "Ёшлик" КСЖ Марказий кенгаши раис ўринбосари Маҳамаджон Тошматов мусобақа ғолиби — "Орзу" жамоасини чемпионлик унвони билан қутлади ва кўчма кубок ҳамда Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон "Ёшлик" КСЖ Марказий кенгашининг I даражали дипломи, "Хумо" жамоасига эса II даражали дипломни топширди. Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши бўлим бошлиғи Акбар Набиев Фарғона вилояти спортчиларига эсдалик совғалари ҳамда энг ёш мусобақа қатнашчисига Фахрий ёрлиқ топширди.

Ўзбекистон Давлат Спорт қўмитаси бўлим бошлиғи Абдухалил Маликов эса жиззахлик спортчиларни ғалаба билан қутлади.

Республика Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов Жиззах жамоасининг барча аъзоларига (25 ўқувчига) республиканинг энг сўлим оромгоҳларидан бирида дам олиш учун йўлланма ажратилганлигини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси садолари остида XIX республика "Қувноқ стартлар" телевизион мусобақалари байроғи туширилди.

Ғ.МАННОПОВ

Суратларда: Мусобақадан лавҳалар.

Келгуси ҳафта теледастурлари билан танишинг!

Душанба, 27

«Ўзбекистон» телеканали

Телетомошабинлар диққатига! «Ўзбекистон-1» телеканали ўз кўрсатувларини соат 15.00 дан бошлайди.
15.00 «Таҳлилнома».
15.45 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Умид юлдузлари».
16.05 Эстрада тароналари.
16.25 ТВ анонс.
16.30 «Ошин». Телесериал.
17.00 «Талабалик йилларим».
17.20 ТВ клип.
17.30 «Кино оламида».
17.55 ТВ маркет.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Оқ бўталоқ». Мультфильм.
18.30 «Мулк».
18.45 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Университада - 2002» спорт ўйинларининг тантанали очилишига бағишланган бадиий спорт байрами. Бухоро шаҳридан олиб кўрсатилади (ёзиб олинган)
22.30 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. **«Париси бор уй».**
23.00 «Ахборот - дайжест».
23.20-23.25 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

9.00 Давр тонги.
10.00 «Янги авлод» студияси:
10.20 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
10.35 Якшанбада кўришгунча.
10.50 Мусиқий лаҳзалар.
11.00 «Давр ҳафта ичида».
11.30 Жаҳон жуғрофияси.
12.20 Саломатлик сирлари.
12.40 Давр-news.
13.00 Саид Аҳмад. «Келинлар кўзғолони». Спектакль. 1-қисм.
14.10 Кўҳна оҳанглар.
14.25 «Келинлар кўзғолони». Спектакль. 2-қисм.
15.25 Спорт ҳафтаномаси.
15.40 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
16.30 «Озод юртнинг умид юлдузлари» («Ўзбектелефильм»)
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» почтаси, «Ҳамма нарсани билишни истайман».
17.30 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
17.45 Сўнгги қўнғироқ.
18.00 Ватан манзаралари.
18.20 Оқшом наволари.
18.35 Хоразм телерадиокомпанияси тақдим этади: «Хива-шарқ гавҳари».
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 Муқаддас бурч.
20.10 Ёшлар овози.
20.30 Ёшлик наволари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида -23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.55-1.00 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканали

17.20 Болажонлар экрани. «Жуманжи». 20-21 сериялар.
18.10 «Спорт ва болалар».
18.25, 20.00, 21.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 «Халқ саломатлиги йўлида».
19.10 «ТВ плюс».
19.35, 20.30, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Камалак».
20.45 «Аёл-она, мураббий, раҳбар» телеклуби.
21.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
22.30 «Пойтахт шарҳи».
22.55 Кинонигоҳ. «Одри Хепберн тарихи». 1-қисм.
23.30-23.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00
16.05 «Вести».
16.25 «Қайсарлар ва довюраклар». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
РЖТ
17.25 М. Евдокимов ҳузурида меҳмонда.
18.00 «Мени куттил».
19.00 «Заиф бўғин». Шоу ўйин.
20.00 «Время».
ЎзТВ-IV
20.35 «Дилбарларим ва дилбандларим». Сериал.
21.15 «ТВ-4да Немис тўлқини».
21.35 Кинематограф. «Ўпқон». Бадиий фильм.
23.55 «Ахборот» (рус тилида)
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Сешанба, 28

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.40 «Соғлом она - соғлом бола».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Мулк».
10.20 «Буғдойзорлар оралаб». Бадиий фильм.
11.35 «ТВ-альманах».
12.05 «Париси бор уй».
12.35 «Азиз одамлар». Дам олиш дастури.
13.35 «Универсиада-2002» спорт ўйинларининг кундалиги.
14.10 Кундузги сеанс: **«Муҳаббат тилсими».**
15.25 «Қишлоқ ҳаёти».
«Болалар сайёраси»:
15.50 1. «Улғайиш поғоналари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Баркамол авлод орзуси».
18.30 «Инсон ва қонун».
18.50 «Олтин мерос».
19.05 «Тафсилот».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Солиқ ва биз».
21.20 «Универсиада - 2002» спорт ўйинларининг кундалиги.
21.50 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист С. Қозиева.
22.15 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: **«Ошин». Телесериал премьераси.**
22.45 «Ахборот - дайжест».

«Ёшлар» телеканали

9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси, «Ҳамма нарсани билишни истайман».
9.40 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
9.55 Сўнгги қўнғироқ.
10.10 Бизнес-академия.
10.25 «Эсмеральда».
10.55 ТВ-саёҳат.
11.15 Мусиқий лаҳзалар.
11.25 «Универсиада - 2002». Спорт ўйинларининг очилишига бағишланган бадиий спорт байрами. Бухоро шаҳридан олиб кўрсатилади (ёзиб олинган)
12.55 Кўҳна оҳанглар.
13.05 Интерфутбол.
14.45 Ёшлар овози.
15.05 «Девона». Бадиий фильм. 1-қисм.
16.30 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».
16.50 «Қундуз аманининг ҳикоялари». Мульсериал.
17.05 Бутунжаҳон тамакига қарши кураш куни олдидан «Чекиш-соғлиққа зарар».
17.15 Таянч.
17.40 Сўнгги қўнғироқ.
17.55 Минг бир маслаҳат.
18.15 Автопатруль.
18.35 Сифат белгиси.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.40 Давр-интервью.
19.55 «Универсиада-2002» кундалиги.
20.05 Ўзбек мумтоз мусиқасидан.
20.10 Оддий одамлар.
20.30 Муҳаббат қўшиқлари.
20.55 «Эсмеральда».
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: «Нокаут».
23.30 «Давр». Ахборот дастури.

«Тошкент» телеканали

17.20 «Санта-Барбара».
18.00 Болажонлар экрани. Мульттўплам.
18.10 «Шаҳримиз дурдоналари».
18.25, 20.00, 21.30, 22.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 «Саньатга бахшида умр».
19.05 «Туризм ҳақида».
19.35, 21.15, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Эҳтиром ила».
20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.50 «Нима учун?»
23.00 Кинонигоҳ. «Одри Хепберн тарихи». 2-қисм.

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00
16.05 «Вести».
16.25 «Қайсарлар ва довюраклар». Сериал.
17.15 «Бугун оламда».
РЖТ
17.25 Е. Петросяннинг «Кулгу панорамаси».
17.55 «Оилавий ришталар». Сериал.
18.50 Пласидо Доминго. Концерт дастури.
20.00 «Время».
ЎзТВ-IV
20.35 «Дилбарларим ва дилбандларим». Сериал.
21.15 «Тарих кўзгуси». Кюдзе Като.
21.35 Кинематограф. «Аттила». Бадиий фильм.
23.00 «Ахборот» (рус тилида)

Чоршанба, 29

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Қуш ҳам эмас, ҳайвон ҳам». Мультфильм.
9.10 «Кўҳна замин оҳанглари».
9.40 «Портретга чизгилар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 «Кўк қуш». Бадиий фильм.
12.05 «Баркамол авлод орзуси».
12.25, 16.55 ТВ анонс.
12.30 «Хуш кайфият».
13.00 «Ошин». Телесериал.
13.30 «Универсиада-2002» спорт ўйинларининг кундалиги.
14.10 «Остонаси тиллодан».
14.30 Кундузги сеанс: **«Алп йигитнинг уйланиши». Бадиий фильм.**
15.45 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
16.05 «Ягона оилада».
16.35 «Таянч нуқтаси».
«Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Шоирлар болаларга». 2. «Қувноқ шаҳарча». Телевизион ўйин.
18.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
18.30 «Умид» телелотореяси.
19.10 «Асака мўъжизаси».
19.20 Бир жуфт қўшиқ.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Киноконцерт.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ҳамроз билан». О. Ҳакимов.
21.40 «Универсиада - 2002» спорт ўйинларининг кундалиги.
22.10 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: **«Ошин». Телесериал премьераси.**
22.40 «ТВ клуб».
23.05 «Ахборот -дайжест».

«Ёшлар» телеканали

9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».
9.35 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мульсериал.
9.50 Сўнгги қўнғироқ.
10.05 Давр-интервью.
10.20 «Эсмеральда».
10.50 «Универсиада-2002» кундалиги.
11.00 Таянч.
11.25 «Жиловланмаган Африка». Ҳужжатли сериал.
12.15 Ёшлар овози.
12.35 Ватан манзаралари.
12.55 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
13.35 Кўҳна оҳанглар.
13.45 Синфдош.
14.05 Муқаддас бурч.
14.25 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
15.15 Автопатруль.
15.35 «Девона». Бадиий фильм. 2-қисм.
16.55 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик», «Шум болалар».
17.25 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
17.40 Сўнгги қўнғироқ.
17.55 Фарзандим-жигарбандим.
18.10 Чемпион сирлари.
18.30 Оқшом наволари.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.40 «Давр»-интервью.
19.55 Кўҳна оҳанглар.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Очил дастурхон.
20.25 «Универсиада-2002» кундалиги.
20.35 «Ёр ишқи». Мусиқий дастур.
20.55 «Эсмеральда».
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси».
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.

«Тошкент» телеканали

17.20 «Санта»Барбара».
18.00 Болажонлар экрани. Мульттўплам.
18.25, 20.00, 21.30, 22.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино». 10-қисм.
19.10 «Мусиқий меҳмонхона».
19.35, 21.15, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 ТТВда мусиқа.
20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.50 «Ўзбегим навоси».
22.50 Кинонигоҳ. «Одри Хепберн тарихи». 3-қисм.

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00
16.05 «Вести».
16.25 «Қайсарлар ва довюраклар». Сериал.
17.15 «Бугун оламда».
РЖТ
17.25 «Машҳурлар».
18.00 «Оилавий ришталар». Сериал.
19.00 «Рус рулеткаси». Телеўйин.
20.00 «Время».
ЎзТВ-IV
20.35 «Дилбарларим ва дилбандларим». Сериал.
21.15 «Евроньюс видеожурнали».
21.35 Кинематограф. «Сотқинлар хиёнаткорларга қарши». Бадиий фильм.
23.15 «Ахборот» (рус тилида)

Пайшанба, 30

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Болалар сайёраси:
9.00 1. «Шоирлар болаларга». 2. «Қувноқ шаҳарча».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Малласоч хоним». Бадиий фильм.
11.20 «Мусиқа: кеча ва бугун».
11.40 Болалар учун. «Фламинго».
12.05 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
12.25 «Ҳамроз билан». О. Ҳакимов.
13.00 «Ошин». Телесериал.
13.30 «Универсиада - 2002» спорт ўйинларининг кундалиги.
14.10 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
15.10 «Китоб жавонингизга».
15.30 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Чортоқ«.
15.40 «Депутат».
16.00 «Куйла, ёшлигим».
16.20 «Интилганга толе ёр».
16.40 ТВ анонс.
16.45 «Харита». Халқаро шарҳ.
«Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Цирк, цирк, цирк». 2. «Ҳазил, ҳажв, ҳангома».
18.10 «Ажаб саодат эрур».
18.30 «Яхши ният». Телелотерея.
19.05 «Инсон ва қонун».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Бойсун баҳори». 1-қисм.
21.45 «Университада-2002» спорт ўйинларининг кундалиги.
22.15 «Парламент вақти».
22.35 «Йўл бошида».
22.55 «Кавингтон Кросс».
23.45 «Ахборот-дайжест».

«Ёшлар» телеканали

9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик», «Шум болалар».
9.45 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
10.00 Сўнгги қўнғироқ.
10.15 Тафаккур ёлқинлари.
10.30 «Эсмеральда».
11.00 «Университада-2002» кундалиги.
11.10 Мусиқий лаҳзалар.
11.20 Спорт қитъаси
11.45 Сенинг вақтинг
12.05 Бутунжаҳон тамакига қарши кураш куни олдидан «Чекиш-соғлиққа зарар».
12.15 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
13.00 Ёшлар овози.
13.20 Кўҳна оҳанглар.
13.25 Сийрат.
13.45 Сифат белгиси.
13.55 Интерфутбол.
15.30 «Бувам, Килиан ва мен». Бадиий фильм.
16.55 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси», «Болалар учун концерт».
17.20 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал.
17.35 Сўнгги қўнғироқ.
17.50 Огоҳ.
18.05 Аскар мактублари.
18.25 Табобат оламида.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.40 «Давр»-интервью.
19.55 Кўҳна оҳанглар.
20.05 «Универсиада-2002» кундалиги.
20.15 Мезон.
20.35 Ёшлик наволари.
20.55 «Эсмеральда».
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси».
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: «Ринг қироллари».
00.05 «Давр». Ахборот дастури.
00.20 «Йиртқичлар». Ҳужжатли фильм.

«Тошкент» телеканали

17.20«Санта-Барбара»
18.00 Болажонлар экрани. Мульттўплам.
18.25, 20.00, 21.30, 22.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино». 11-12-серия.
19.35, 21.15, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Жозиба».
20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.50 «Камолот фасли».
22.30 «Соғинч».
23.00 Кинонигоҳ. «Галатепалик авлиё».

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00
16.05 «Вести».
16.25 «Қайсарлар ва довюраклар». Сериал.
17.15 «Бугун оламда».
РЖТ
17.25 «Биз анойи эмасмиз». Ҳажвий кўрсатув.
18.00 «Оилавий ришталар». Сериал.
20.00 «Время».
ЎзТВ-VI
20.35 «Дилбарларим ва дилбандларим». Сериал.
21.15 «Ишбилармон кишилар...»
21.40 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
21.50 Кинематограф. «Голливуд тарихи». Бадиий фильм.
23.20 «Ахборот» (рус тилида)

Жума, 31

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Цирк, цирк, цирк». 2. «Ҳазил, ҳажв, ҳангома».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Инсон ва қонун».
10.25 Кундузги сеанс **: «Малина виноси». Бадиий фильм.**
12.05 «Йиллар ва йўллар».
12.25 «23,5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 81-қисм.
12.50 «Бойсун баҳори». 1-қисм.
13.30 «Универсиада-2002» спорт ўйинларининг кундалиги.
14.10 «Ozод юрт одамлари».
14.35 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Суръат Пўлатов». Премьера.
15.05 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
15.35 «Парламент вақти».
16.00 «Фарзанд - умид юлдузи».
16.30 ТВ клип.
16.40 «Ҳуқуқ сабоқлари».
«Болалар сайёраси».
17.00 «Уйла, изла, топ». Телемусобақа.
17.40 «Нурли манзиллар».
18.10 «Тафсилот».
18.25 «Омад қувончи». Телелотерея.
19.05 «Сиҳат-саломатлик».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Бир жуфт қўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Бойсун баҳори». 2-қисм.
21.45 «Универсиада - 2002» спорт ўйинларининг кундалиги.
22.15 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: **«Ошин». Телесериал премьераси.**
22.45 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
23.05 «Ахборот - дайжест».

«Ёшлар» телеканали

9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси», болалар учун концерт.
9.40 Сўнгги қўнғироқ.
9.55 «Давр»-интервью.
10.10 «Эсмеральда».
10.40 «Универсиада-2002» кундалиги.
10.50 Мезон.
11.10 Болалар экрани: «Арабелла - қароқчи қизи».
12.20 Ёшлар овози.
12.40 Бутунжаҳон тамакига қарши кураш куни «Чекиш-соғлиққа зарар».
12.50 Минг бир маслаҳат.
13.10 «Жюли Леско». Бадиий фильм 3, 4 қисмлар.
14.40 Кўҳна оҳанглар.
14.50 Қўли гул уста.
15.10 Саломат бўлинг.
15.30 «Янги авлод» студияси: Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига «Дунё ва болалар».
15.55 Ёшлар овози.
16.15 Ҳуқуқ ва бурч.
16.30 Футбол. Жаҳон чемпионати. ФРАНЦИЯ-СЕНЕГАЛ.
18.30 Сўнгги қўнғироқ.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.40 Аср қиёфаси.
20.00 Ўзбек мумтоз мусиқасидан.
20.05 «Универсиада-2002» кундалиги.
20.15 «Ёшлар» телеканали ва Навоий вилояти телерадиокомпанияси тақдим этади: «Жараён».
20.45 «Эсмеральда».
21.20 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: 1. Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг тантанали очилиш маросими. 2. Футбол. Жаҳон чемпионати. ФРАНЦИЯ-СЕНЕГАЛ (ёзиб олинган)

«Тошкент» телеканали

17.20 Болажонлар экрани. «Аччиқ данак».
18.25, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино». 13-14 сериялар.
19.35, 21.15, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 Мусиқий танаффус.
20.30 «Бебилиска пул».
21.45 «Саломатлик маскани».
22.15 «Кўркам-ўлкам».
22.55 Кинонигоҳ. «Серенада».

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00
16.05 «Вести».
16.25 «Қайсарлар ва довюраклар». Сериал.
17.15 «Бугун оламда».
17.25 «Дурдаршан».
РЖТ
17.50 Футбол бўйича Жаҳон чемпионатининг тантанали очилиши.
ФРАНЦИЯ -СЕНЕГАЛ терма жамоалари. Кўрсатув Жанубий Кореядан олиб кўрсатилади.
20.00 «Время».
20.30 «Мўъжизалар майдони».
ЎзТВ-IV
21.30 «Оханрабо». Мусиқий дастур.
22.10 «Кун мавзуси».
22.30 Кинонинг олтин асри: «Бренда Старр». Бадиий фильм.
23.55 «Ахборот» (рус тилида)

Шанба, 1

«Ўзбекистон» телеканали

«БОЛА КУЛСА - ОЛАМ КУЛАР!» Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган узлуксиз теледастур. 1-июнь - бутун дунё болаларининг байрами. Шу муносабат билан «Ўзбекистон» телеканали ижодкорлари ҳам ёш томошабинлар учун оқшомгача давом этадиган теледастур тайёрламоқдалар. Дастурдан ўрин олган. »Гулғунчалар», «Маҳалламиз болалари», «Мўъжизалар майдончаси», «Ягона оилада», «Миттивойлар оиласи», «Юлдуз бўлишни хоҳлайман» каби ранг-баранг кўрсатувлар, ажойиб куй ва қўшиқлар , қизиқарли ҳангомалар, сиз азиз болажонларга манзур бўлади, деб ўйлаймиз. Шунингдек, янги кўп-серияли «Покахонтос» мультфильми ҳамда «Кичкина малика» бадиий фильмининг премьераси болалар учун ажойиб байрам совғаси бўлади, деган умиддамиз.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Соғлом она - соғлом бола».
Спорт дастури
21.25 «Универсиада-2002» спорт ўйинларининг кундалиги.
21.55 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг кундалиги.
22.10 «Юлдуз бўлишни хоҳлайман». Байрам шоу-дастури.
23.35 «Ахборот-дайжест».
23.55 «ТВ-альманах».

«Ёшлар» телеканали

8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига «Дунё ва болалар».
9.25 Табобат оламида.
9.45 «Эсмеральда». Телесериал.
10.15 «Универсиада-2002» кундалиги.
10.35 Ёшлар овози.
10.55 Огоҳ.
11.10 Сўнгги қўнғироқ.
11.25 Мусиқий лаҳзалар.
11.30 Футбол. Жаҳон чемпионати. ИРЛАНДИЯ-КАМЕРУН.
13.30 Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни. «Бола тилидан».
14.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. УРУГВАЙ-ДАНИЯ.
15.50 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
16.15 «Буюк ипак йўли оҳанглари».
16.30 Футбол. Жаҳон чемпионати. ГЕРМАНИЯ-САУДИЯ АРАБИСТОНИ.
18.20 Кўрсатувлар дастури.
18.25 Кинотақдим.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.40 Каталог.
19.50 Ўзбек мумтоз мусиқасидан.
19.55 Давр-интервью.
20.10 «Универсиада-2002» кундалиги.
20.20 Аёл қалби наволари.
20.35 Кутилмаган меҳмон.
21.00 Жюли Леско». Бадиий фильм. 5 қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 Тунги тароналар.
22.50 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Жаҳон чемпионати.

«Тошкент» телеканали

17.20 «Мультчархпалак».
17.40 «Жаҳон географияси».
18.40 «Ташриф».
19.00, 20.20, 21.15 «Экспресс» телегазетаси.
19.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.35 «Мисли гавҳар».
19.50 «Нима учун?»
20.35 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.30 «Ҳамшаҳарлар».
21.50 Кинонигоҳ. «Аёл тақдири». 1-2 қисмлар

«Халқаро» телеканал

9.05 «ТВ-4да мусиқа».
РЖТ
9.10 Е. Петросяннинг «Кулгу панорамаси».
9.45 «Лаззат».
10.05 «Ҳайвонот олами».
10.45 «Сиҳат- саломатлик».
ЎзТВ-IV
11.20 «CFI янгиликлари».
11.35 «Инглиз тили Сиз учун».
12.00 «Менинг шаҳрим».
12.20 Дўстлик видеоканали: «Умид», «Чинсэн», «Бизнен мирас».
13.20 «Немис тили».
РЖТ
13.50 Футбол. Жаҳон чемпионати. УРУГВАЙ-ДАНИЯ терма жамоалари учрашуви. Жанубий Кореядан олиб кўрсатилади.
ЎзТВ-IV
16.50 «Мультсеанс».
17.15 CFI тақдим этади: «Бешинчи ўлчов».
17.40 «До-ми-соль шоу». (Байрам сони)
РЖТ
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?»Телеўйин.
20.00 «Время».
20.30 «Нима? Қаерда? Қачон?»
ЎзТВ-IV
21.40 «Бизнес-ревю».
21.45 «7 дан 70 гача».
22.15 «Ассалом Франция!»
22.30 Кинематограф. «Лужин ҳимояси». Бадиий фильм.
00.10 Ахборот (рус тилида)

Якшанба, 2

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.10 «Фаройибот».
9.30 «КОАПП». Мультфильм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
«Болалар сайёраси»:
11.20 «Маҳалламиз болалари».
12.10 «Пазандалик сирлари».
12.20 Кундузги сеанс**: «Замонлар оша-1». Бадиий фильм.**
14.00 «Юлдуз бўлишни хоҳлайман». Байрам-шоу дастури.
15.20 «Дунё эшиклари очилди бизга».
«Адабий жараён»:
15.40 1. «Ёзувчи ва замон». 2. «Дунё адабиёти». 3. «Шеър ва шуур».
16.20 «Қорақалпоқнома».
16.45 «Бу қадим йўлларда».
17.00 «Оқ олтин». Телелоторея.
17.40 «Қалб гавҳари».
18.00 «Талабалик йилларим».
18.20 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.45 «Кўшиғимиз сизга армуғон».
19.05 «Туртинчи ҳокимият».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 Эстрада тароналари.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Универсиада - 2002» спорт ўйинларининг тантанали ёпилишига бағишланган бадиий спорт байрами. Бухоро шаҳридан олиб кўрсатилади (ёзиб олинган)
22.40 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
Якшанба кинозали:
22.55 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба**: «Замонлар оша-2. Бадиий фильм.**

«Ёшлар» телеканали

8.00 «Давр тонги».
8.50 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчил-у? Ким чаққон?»
9.15 Мультфильм.
9.35 Давр-интервью.
9.50 «Рамаяна». Телесериал.
10.25 ТВ-анонс.
10.30 Футбол. Жаҳон чемпионати. АРГЕНТИНА-НИГЕРИЯ.
12.20 «Универсиада-2002» кундалиги.
12.30 Футбол. Жаҳон чемпионати. ПАРАГВАЙ-ЖАР.
14.20 Кўҳна оҳанглар.
14.30 Футбол. Жаҳон чемпионати. АНГЛИЯ-ШВЕЦИЯ.
16.20 Мусиқий лаҳзалар.
16.30 Футбол. Жаҳон чемпионати. ИСПАНИЯ-СЛОВЕНИЯ.
18.20 Кўрсатувлар дастури.
18.25 «Хўжамқул ва унинг шогирдлари» («Ўзбектелефильм»)
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр» - news.
19.20 Ёшлик наволари.
19.35 Ҳандалак.
20.00 «Жюли Леско». Бадиий фильм. 6 қисм.
20.50 «Заковат». Интеллектуал ўйини.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр ҳафта ичида».
22.35 Тунги тароналар.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Жаҳон чемпионати.

«Тошкент» телеканали

17.20 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
19.05, 21.25, 22.40 «Экспресс» телегазетаси.
19.20 «Жаҳон географияси».
20.20 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.00 «Пойтахт шарҳи».
21.40 «Телефакт».
21.50 «Камолот фасли».
22.20 «Спорт-клуб».
22.55 Кинонигоҳ. «Ясмин».

«Халқаро» телеканал

9.35 «ТВ-4да мусиқа».
9.45 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
9.55 «Парле ву франсэ?»
РЖТ
10.20 Футбол. Жахон чемпионати. Аргентина–Нигерия терма жамоалари. Япониядан олиб кўрсатилади.
ЎзТВ–IV
12.30 «Кайфият».
14.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
14.20-15.20 «Дўстлик» видеоканали: «Рангинкамон», «Дидар». «Озарбайжон тухфаси».
ЎзТВ–IV
16.40 «Мультақдим».
17.00 «Соккер клуб».
РЖТ
17.20 «Ҳазил кетидан ҳазил».
17.55 Георгий Вицин «Заҳирадаги ўйинчи» комедиясида.
ЎзТВ–IV
19.35 «Бизнес-ревю».
19.40 «Ўз-ўзига режиссёр».
20.20 «Британия кундалиги».
20.35 «Тенгдошлар».
21.00 «7 кун». Ҳафта якунлари.
21.25 «Олтин микрофон». Мусиқий дастур.
21.55 Кинопрофи.
22.15 Кинематограф. «Учинчиси ортиқча эмас». Бадиий фильм.
23.25 «Таҳлилнома».

"УНИВЕРСИАДА-2002" СУПЕРКРОССВОРДИ

БЎЙИГА: 2. Талаба ёшларнинг спорт байрами. 3. Универсиаданинг дзюдо мусобақалари ўтказиладиган Бухорадаги туман. 4. Мушкул эмас. 5. Турк хоқонлиги асосчиси. 6. Халқ. 7. Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси раиси. 8. Тўғри эмас. 9. Тикувчилик анжоми. 10. Универсиадага тўғридан-тўғри чиқадиган университетлардан бири. 11. Ҳинд хонандаси. 12. Универсиадага киритилган спорт тури. 13. Универсиаданинг рамзий даракчиси. 14. Фирдавсийнинг машҳур асари. 15. Қумғон, сув идиш. 16. "Универсиада-2000" бўлиб ўтган шаҳар. 17. "Универсиада-2000"да енгил атлетика (йигитлар) бўйича чемпион қайси вилоятдан эди? 18. "Универсиада-2000"да баскетбол мусобақаларида "Тико" автомобили соҳиби бўлган қиз қайси вилоят вакили эди. 28. Универсиадага киритилган спорт тури. 32. Ила. 34. Универсиадага киритилган спорт тури. 35. ... қошинг қалам қошинг, қийиқ қайрилма қошинг қиз. (Эркин Воҳидов). 38. Ризо эмас. 39. ... ва Димна. 40. Бразилиялик машҳур футболчи. 41. Хоразм қўшиқчилигида кўп фойдаланиладиган мусиқа асбоби, гармон. 46. Рақсда оёқнинг ритмик ҳаракати. 47. "Минг бир кеча"даги эртак қаҳрамони. 49. Охир, самара. 50. Кемаларнинг маълум муддат тўхташ жойи. 51. Увайсийнинг машҳур чистони. 52. Михаил Булгаков асари — "... ва Маргарита". 57. Қатъиятли. 59. Универсиадада иштирок этувчи вилоятлардан бири. 60. Ўзбекистон Давлат спорт қўмитаси раиси. 61. Ўсимликни ривожлантириш учун солинадиган кимёвий дори. 63. Жиззах вилоятидаги тоғ ўрмон қўриқхонаси. 64. "... мўъжизалар мамлакатида" (эртак). 65. Оммавий транспорт воситалари тўхтайдиган жой. 67. Машҳурлик белгиси. 71. Қўшимча. 72. Отеллонинг душмани (Шекспир). 74. Европадаги энг катта кўмир ҳавзаларидан бири. 78. Қизил ранг. 79. Ҳар хил имо-ишоралар. 85. Ўсимликни кўпайтириш усулларидан бири. 86. Электр зина. 88. Хитой ва Россия чегарасидаги дарё. 90. Аёллар бош кийими. 92. Универсиада машъаласи ёқиладиган Тошкент вилоятидаги маскан. 93. Вазифа. 95. "Семурғ" спорт клубида (Бухоро) ўтказиладиган спорт мусобақаси тури. 97. Универсиадага киритилган кураш тури. 98. Универсиаданинг футбол мусобақалари ўтказиладиган туман. 100. Одиллик. 105. Россиянинг амалдаги президенти. 106. Юмшоқ тоза пахта. 110. Очиқча. 111. Нурли, ёруғ. 114. Ноёб, нодир. 115. Бир неча поғонали, устма-уст, бир-бири билан ёпишган. 116. Ҳасад, гина. 117. Баҳодир, мард. 122. Шимол дарахти. 123. Ерга қоқилган ёғоч. 124. Қанорнинг кичиги. 125. ...-қоида. 126. Айбдорнинг бўйнига осиладиган кишан. 127. Муштоқлик, зўр истак. 128. Букланиб ташланган. 136. Курашовга олиш. 137. Инсон аъзоси. 138. Ханжар. 139. Узум нави. 140. Кичик эпик асар. 141. Йиғилган, уюм. 147. Пойлоқчи яшайдиган уй. 148. Универсиаданинг футбол мусобақалари ўтказиладиган туманлардан бири. 149. "Универсиада-2000" мусобақалари ўтказилган Намангандаги спорт клубларидан бири. 150. Универсиада машъаласи ўт олдириладиган туман. 151. "Универсиада-2000"да энг кўп медалларни қўлга киритган ҳудуд. 152. Чумчуқсимонлар туркумига мансуб қуш. 159. Тўсиқ, баррикада. 160. Адабиёт соҳасида Нобель мукофоти совриндори бўлган Кнут Гамсун асари. 161. Муҳаббат. 162. Энг кўп истеъмол қилинадиган ичимлик. 163. Сўл. 171. Япония таркибидаги орол. 172. Қин. 173. Кўпчилик. 174. Достон ижрочиси. 175. Қуёш таркибидаги модда. 176. Тиббиётда ишлатиладиган шам. 183. Кусурли, нуқсонли. 184. Иҳота. 185. Узун дастали катта ўроқ. 186. Уч оёқли асбоб, уч оёқ. 187. Дамлайдиган асбоб. 193. Шахматдаги дуранг ҳолати. 194. Бартараф этилган; бир ёқли. 195. Келиннинг зеб-зийнат бисоти. 196. Бургут.

ЭНИГА: 1. "Универсиада-2002" бўлиб ўтадиган шаҳар. 5. Янги "Бухоро" стадионини лойиҳалаштирган фирма номи. 12. Универсиадада 2-ўрин соҳибларига бериладиган медал. 15. Байроғимиздаги ранглардан бири. 16. Универсиаданинг стол тенниси мусобақалари ўтказиладиган спорт клуби. 19. Жанубий Корея пойтахти. 20. Бухоро вилоятидаги туман. 21. Васко ... Гама. 22. "Универсиада-2000" ғолибларига берилган Президент совғаси. 23. Баҳс, тортишув. 24. Қадимги Мисрда Қуёш худоси. 25. Бирор ҳудуд тугайдиган жой. 26. Бирор фаолиятнинг нормал ўлчови. 27. Универсиада мусобақаларига киритилган спорт тури. 29. Электр қаршилиги ўлчов бирлиги. 30. Нуҳ пайғамбарнинг ҳалокатга учраган ўғли. 31. Сув (лотин тилида). 33. Аъло баҳо. 34. Апеннин яриморолида яшовчи халқ. 36. Уруғи топилмайдиган қуш. 37. От абзали. 39. Афғонистоннинг вақтинчалик бошқарувчиси. 42. "Темир хотин". 43. Ҳўл мева. 44. Тепа қисм. 45. Илмли аёл. 46. Малак, фариштa. 48. Сувоқчилик асбоби. 50. Ош. 53. "Универсиада-2000" очилиш ва ёпилиш маросими ўтказилган стадион. 54. Австралиянинг маҳаллий аҳолиси. 55. Шеър қатори. 56. Жанубий Осиёдаги дарё. 58. Эркинлик, мустақиллик. 60. Овқат тайёрлаш учун керак бўладиган маҳсулотлар. 62.Пойтахти Боку бўлган давлат. 66. Ўзига пардоз бериш. 68. Қуруқ мева. 69. Универсиадага киритилган спорт тури. 70. Аҳвол. 73. Уста, тадбиркор. 75. "Универсиада-2000" ўтказилган Намангандаги спорт клубларидан бири. 76. Тожикистондаги шаҳар ва дарё. 77. ... Зокиров (бастакор). 80. Ўргимчак уяси. 81. Хоҳиш, орзу. 82. Украинадаги шаҳар ва вилоят. 83. Тарки дунё қилган христианлар черкови. 84. Ақлли аёл. 87. "Сарбадорлар" асари муаллифи — Муҳаммад... 88. Момо, ача. 89. Қўйлар галаси. 91. ...-яшил. 93. Рус миллатига мансуб (сўзлашувда). 94. Милоддан аввалги даврларда Африкада ҳукм сурган давлат. 96. "Темир хотин"даги мулла. 99. Момо. 101. Қадимги туркий қабила. 102. Ҳалокатга юз тутган қавм. 103. Номдош. 104. Наштар. 107. Миллат. 108. Эркин. 109. Италиядаги энг катта дарё. 112. Баскетбол бўйича йигитлар ўртасида мусобақалар ўтказиладиган Бухородаги спорт клуби. 113. Шеърнинг бир қатори. 118. Намозга чорлов садоси. 119. Айирув боғловчиси. 120. Собиқ "Пахтакор"чи. 121. Тиш ўзакларини қоплаб турувчи эт. 129. Энг иссиқ фасл. 130. Гача. 131. Ўқиш, ривожланишдан ортда қолган. 132. Дил изҳори. 133. Ҳаловат. 134. Мутойиба. 142. Дағал. 143. Андоза. 144. "Умид ниҳоллари" мусобақалари машъаласини ёққан, "Универсиада-2000" қатнашчиси бўлган қиз. 145. "Сариқ девни миниб" асари бош қаҳрамони. 146. "Шайтанат"даги Шомилнинг лақаби. 153. Иброҳим пайғамбарнинг отаси. 154. Шеърдаги маълум оҳанг ёрдамида сўзларнинг мослиги. 155. Қопқоқ. 156. Отлиқ хабарчи. 157. Ўғир, кели. 158. Бой. 164. Сув (тожик). 165. Бирдан йўқ бўлиб қолиш. 166. Бўлак, томчи. 167. Кўз ёши. 168. Зиравор, кўкат. 169. Миллий эркаклар кийими. 170. Сўроқ олмоши. 177. Тунги қуш. 178. Ичи қора, кўра олмайдиган. 179. Денгиз қирғоғида яшовчи қуш. 180. Чанқоқ. 181. Машҳур файласуф — Генрих... 182. Бўтқа. 188. Доимо кулиб турувчи. 189. Гафлатда қолган. 190. "Универсиада-2002" иштирокчилари ётадиган Бухородаги меҳмонхона. 191. Кўп қисм. 192. Каратэ майдони. 197. Ёш йигит. 198. Камтар, сахий. 199. Заҳар. 200. Уч торли мусиқа асбоби. 201. Россия-Франция уруши бўлиб ўтган машҳур қишлоқ; Лермонтов шеъри.

Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ

ХОДИМЛАР

Корхона раҳбари бетоб бўлиб ишга келолмай қолди. Яхшиям бахтига ходимлари бор экан. Бошлиқ то тузалиб кетгунича ҳолидан хабар олиб туришди. Дўхтирлар "асабларингиз чарчаган, шунинг учун бошингиз оғриб, кўзингиз тиниб кетаверади" деган ташхис қўйишиб, бир ойга қолмасдан бошлиқни бу дарддан тузатиб юборишди, барака топкурлар. Уйига кетар чоғида "очиқ ҳавода кўпроқ юринг, асабингизга фойдали" деб тайинлашди.

Шоди Шодмонов уйига қушдай енгил бўлиб қайтди. Бош оғришлари буткул тўхтаган. У кишининг "шифохонадан чиқибди" деган дарагини эшитган қўшнилари биринчилардан бўлиб ҳол-аҳвол сўраш мақсадида уйига келишди.

— Бутунлай тузалиб кетдингизми?— сўради озғинроқ бир қўшниси.

— Яхши бўлиб қолибсиз, аҳволингиз анча тузук, — деди иккинчиси.

— Омадингиз бор экан, бир ойга етмасдан соғайиб чиқибсиз, — илиб кетди учинчиси.

Шоди Шодмонов бу меҳрибон қўшниларидан жуда хурсанд. Улар билан анча вақтгача гаплашиб ўтирди. Тўғрироғи, қўшнилар алламаҳалгача қолиб кетдилар. Улар кетгач, Шодимонов ишга келганидан Шодмоновнинг боши яна оғрий бошлади. Эътибор бермади. Эртаси куни ишга чиқди.

Бошлиғининг ишга келганидан хурсанд ходимлар бири қўйиб, бири олиб аҳволини сўрашади.

— Шоди ака, дарддан буткул соғайдингизми?

— Сал-пал озганингизни айтмаса, ранг-рўйингиз бинойидек.

— Йўқ, қайтага озроқ семирибдилар, Шодибек акам.

Шоди Шодмонов бир дақиқа бўшамади. Сабаби, униси киради, буниси киради, ҳеч ёлғиз қолиш йўқ. Унинг устига кечагина шифохонадан келса ҳамки, бош ўлгур ғувиллаб оғрийди.

Шоди Шодмонов ишдан ҳорибчарчаб қайтди. Чой-пойни ичиб, эндигина телевизор кўра бошлаган эдики, эшик тақиллаб, ўз ходимлари совға-салом билан келиб қолишди. Бошлиқ истамасада, улар билан алламаҳалгача ҳангома қилиб ўтирди. Ора-орада эснаб ҳам қўйди. Ходимлар бошлиғининг кўзлари юмилибюмилиб кетаётганини кўргач, аста ўрниларидан қўзғолишди. Эртаси куни Шоди Шодмоновнинг яна шифохонага тушганини эшитган ходимлар, бошлиқларини "бирров" кўриб келишга шифохонага отландилар.

Умарали ЖАМОЛОВ

Hajviya

Fikr

БЕКАТДАГИ ҲОҲУШ МАНЗАРАЛАР

Қадимдан ота-боболаримиз кўча-кўйнинг озодаю ораста бўлишига алоҳида эътибор қаратишган. Бу анъана ҳозирга қадар давом этиб келмоқда. Кўчаларимиз кундан-кунга гўзаллашиб бормоқда. Лекин ана шу гўзалликка "доғ" бўлиб тушаётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Бугунги кунда ҳар битта бекатда ёки хоҳлаган симёғочда учратишимиз мумкин бўлган бир манзара борки, айни ўшалар кўчаларимиз чиройига "доғ" бўлиб тушаётгандек, назаримда. Булар реклама ва эълонлар бўлиб, улар ҳозирда муҳим хабар воситалари ҳисобланади. Лекин уларни қаерда ва қай тарзда халққа ҳавола қилиш одамдан озгина бўлса-да, маънавий етукликни талаб қилса, эҳтимол. Бугун биз интилаётган мақсад ҳам ҳар бир инсонни маънавий баркамол ҳолда кўриш. Бу эса турмушимизда акс этадиган ҳар бир ҳолатда ўз аксини топмоғи керак. Эълон ва рекламани тўғри келган жойга ёпиштириб кетишдан кўра, ҳар битта бекатда махсус жойлар ташкил қилинса-да, ўша жойда улар ўз аксини топса, янада яхшироқ бўлар эди.

Зоҳид ШАКАРОВ,
талаба

ДОНОЛАР ЎГИТИ

- **Илм — юксак тоғ, унга чиқиш қийин, нодонлик — чуқур чоҳ, тушиш осон, чиқиш қийин.**
- **Илм — қоғозни бўяш ва нақш солиш эмас, англаш ва мияга жойлашдир.**
- **Шараф наслу насаб билан эмас, фазлу адаб билан топилади.**
- **Тухум ўғирлаган одам, туя ҳам ўғирлайди.**
- **Сиринг ҳамон ичингда экан, у сенинг асирингдир, ташқарига чиқса сен унга асир бўласан.**
- **Юзинг қора бўлса айб эмас, юрагинг қора бўлмасин.**
- **Яхшиликни кўп қилган одамнинг пушаймонлиги кам бўлади.**
- **Ҳар қандай нарсада исрофгарчилик бор, аммо яхшиликда исроф бўлмайди.**
- **Сўз қуролдир, кимки шу қурол билан жароҳатланган бўлса, уни даволаш қийин.**
- **Кишининг сўзи қалбидан хабар беради.**

"Ҳикматнома"дан

ЯХШИ ВА ЁМОН

Хайр ва Шар исмли икки ўртоқ бўлган экан. Бир куни сафарга чиқмоқчи бўлишибди. Керакли озуқаларни олишиб, мешларни сувга тўлдириб йўлга тушибдилар. Улар бир саҳрога етиб келишибди. Қуёш тандирдай қиздирар, бу иссиқда ҳатто темир ҳам юмшар экан. Қийинчиликлар бўлишини билмаган Хайр, чўлга етгунча сувларини бир томчи ҳам қолдирмай ичиб қўйибди. Жуда чанқабди, аммо дўстининг феъли ёмонлигини биларкан. Бир оғиз ҳам сўз демай кўз атрофи қоронғулашиб, ҳолдан тойгунча кетаверибди. Иккита қиммат гавҳарини сувга алишмоқчи бўлибди. Шар эса унинг ишини ёмонликка йўйиб, дебди: — Сен мени алдай олмайсан. Ҳозир чанқаганинг учун гавҳарларни беряпсан. Шаҳарга етганимизда эса уларни яна қайтариб оласан. Менга шундай нарсани бергинки, ҳеч қачон уни қайтиб ололмаган.

— Нима беришим керак? — дебди Хайр.

— Менга кўзларингни бер!

— Шундай нарсани сўрагани худодан қўрқмайсанми? Яхшиси гавҳарларни олақол, эвазига сув бер.

Хайр қанча илтимос қилса ҳам фойдаси бўлмабди. Ташналикдан жони халқумга келибди.

Майли тур, ханжару тиғингни келтир,
Чанқоқ жонга зилол сувингни келтир.
Бу гапдан сўнг Шар чиқарди
ханжарин,
Шамол каби юрди ўртоғи сари.

Чирокдай ёруғ кўзларга урди тиғ,
Кўзлар эса гапиролмас во дариғ.
Сув бермай Шар ҳамма нарсани олди,
Кўр кўзлар билан дўсти чўлда қолди.

Бир бой чўпон оиласи билан биёбонлар кезиб, қўйларни ўтлатиб юрарди. Тақдирни қарангки, кунлардан бир куни Хайр ётган чўл томон юришибди. Чўпоннинг қизи зилол сув излаб, узоқ йўл босибди. Кейин бир булоққа дуч келибди. Кўзасини сувга тўлдириб қайтаётганида узоқдан нола эшитилибди. Қиз у ерга бориб қараса, бир йигит худодан сув сўраб, ерда ётган экан. Қиз кўзадаги муздай сувдан чанқоғи қонгунча ичирибди. Кейин ердан ҳали совимаган кўзларни олиб, жойига қўйибди ва латта билан боғлабди. Йигитни ўзи билан уйга олиб келибди. Яхши таомлардан едириб, ухлаш учун жой ҳозирлабди.

Кечқурун чўпон уйга қайтибди. Мажруҳ ва беҳуш йигитни кўриб, қизига дебди: — Шу атрофда кекса дарахт ўсади. Унинг иккита баланд шохи бор. Унинг бир шохидаги барглар кўр кўзларни очиш учун, иккинчисидаги барглар эса ғилайликни кетказиш учундир.

Қиз отасидан йигитга ёрдам беришини сўрабди. Отаси барглардан келтириб, қизига берибди. Қиз уларни ҳовончада туйиб, сувини бемор кўзларга томизибди. Йигит бир неча соат қийналиб, уйқуга кетибди. Беш кун у кўзлари боғланган ҳолда ётибди. Кейин латтани ечишибди. Унинг кўзлари соғайиб, аввалги ҳолига қайтибди. Хайр кўзлари соғайганидан Аллоҳга шукроналар қилибди. Чўлон ва унинг қизига миннатдорчилик билдирибди. Ҳаммалари хурсанд бўлишибди. Хайр ҳар куни чўпон билан саҳрога чиқиб, унга ёрдам бера бошлабди. Меҳнатсеварлиги, ҳалоллиги билан обрўси ортибди. Кўп ўтмай Хайр қизга боғланиб қолибди. Кечкурун чўпон билан суҳбатлашиб, дебди: — Сизлар кўзларимни очдингиз, ҳаётимга қайтадан жон бағишладингиз. Меҳмонингиз бўлдим. Сиздан жуда миннатдорман. Доимо худо сизларга мададкор бўлсин. Ҳозир эса уйимга кетишга ижозат берсангиз.

Бу гапдан чўпон ғамга чўмиб дебди: — Ҳой йигит, қаерга борасан? Яна ёмонлар қўлига тушиб қолмагин. Яхшиси биз билан нозу неъматлар ичида яша. Сенга қизимни бериб, куёв қилай.

Бу гаплардан Хайр хурсанд бўлибди. Сафарини ҳам қолдирибди. Ўша куннинг эртасига тўй қилишибди. Кўп ўтмай чўпон оиласи билан у ердан кўчибди. Кўчаётганларида Хайр кўзларига шифо бўлган дарахт ёнига борибди. Иккита халтага икки хил шоҳдаги барглларни алоҳида қилиб солибди. Кейин ҳаммалари йўлга чиқишибди. Улар кўп юриб, бир шаҳарга етиб келишибди. Бу шаҳар подшосининг қизи ғилай экан. Ҳеч қайси табиб уни даволай олмабди. Бу хабарни эшитган Хайр шоҳга одам юборибди. Шоҳ рози бўлибди. Хайр саройда ошуфтаҳол қизни кўрибди. Тезда ўзи билан олиб келган барглардан шарбат тайёрлаб, қизга ичирибди. У дорини ичиши билан кайфияти яхшиланиб, ширин уйқуга кетибди. Уч кундан сўнг уйғониб, таом беришларини сўрабди. Буни эшитган шоҳ тезда қизининг қошига келибди. Хурсанд бўлиб, Хайрга кўп олтину гавҳарлар ҳадя қилибди.

Вазирнинг ҳам чиройли қизи бўлиб, унинг кўзлари ёпилиб қолган экан. Вазир ҳам Хайрдан қизининг кўзларини тузатишини сўрабди. Хайр ўзининг шифобахш дориси билан қизининг кўзини очибди. Кейинчалик Хайр шоҳнинг яқин одамига айланибди. Шоҳнинг ўлимидан кейин уни тахтга ўтказибдилар. Бир куни дўстлари билан кўча айланибди. Йўлда Шарни кўриб қолибди. Уни топиб, тезда қошига келтиришларини буюрибди. Шоҳ ундан исмини сўрабди.

— Исмим Башар, — дебди Шар.

— Ҳақиқий исмингни айт, — дебди Хайр. — Бошқа исмим йўқ. Шунда Хайр дебди: — Сенинг исминг Шар. Бир пайтлар бир қултум сув учун кўзларимни ўйиб олгандинг. Кейин гавҳарларим, бойликларни ҳам ўғирлаб, кўр кўзларим билан саҳрога ташлаб кетгандинг.

Шар уни таниб, оёқларига йиқилиб ёлворибди. Хайр уни кечирибди ва озод қилибди. Аммо бу ишлардан хабардор бўлган чўпон қиличини қинидан суғуриб, унинг бошини танасидан жудо қилибди.

Форсийдан Баҳриддин ТУРҒУНОВ таржимаси.

Qissadan hissa

Газетанинг 22 май сонида берилган "Синфдошлар бормисиз, омонмисиз" эълондаги хотин-қизлар билим юрти хотин-қизлар педагогика билим юрти деб, учрашув вақти эса 2 июнь соат 10.00 деб ўқилсин.

1995 йилда Фарғона вилояти Сўх туманидаги Камол Хўжандий номидаги 15-ўрта мактаб томонидан Норматов Рофежон Аламжонович номига берилган АО №036587 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва тарих факультети жамоалари университетнинг маънавий-маърифий ва гуманитар таълим бўйича биринчи проректори, профессор Раҳбархон Хамидовна МУРТАЗАЕВАга отаси

Ҳамид КОДИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази жамоаси марказнинг Тошкент вилояти вакили

Иркин ҚУРБОНОВНИНГ

бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-430.
Тиражи 32835 Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган,
қоғоз бичими А-3

Навбатчи муҳаррир:
Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА
Навбатчи:
Абдулҳамид МУХТОРОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими — 136-55-58.

Газета материаллари «Ma'rifat Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—20.00.
Топширилди — 20.00